

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№4. 2021

**БУГУНГИ НИХОЛЛАР ←
ЭРТАНГИ ХИРМОНЛАР**



ЎҚУВ-ИЛМИЙ МАРКАЗ ИШГА ТУШДИ



Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институтида “Замонавий сув тежовчи технологиялар” ўқув-илмий маркази ишга туширилди.

Марказ БМТ Таракқиёт Дастири ҳамда Европа Иттифокининг “Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида сув ресурсларини барқарор бошқариш” қўшма лойиҳаси доирасида барпо этилди. Бу ерда бўлажак сув хўжалиги мутахассислари амалиёт ўтайди, докторантлар сув тежовчи технологиялар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боради, фермерлар ва мутахассислар учун эса малака ошириш имконияти ҳам мавжуд.



Янги ўқув-илмий марказнинг тантанали очилиш маросими 22 март – Бутунжаҳон сув куни муносабати билан «Сув қадри» шиори остида ташкил этилди.

4,7 гектар майдонни ўз ичига олган ўқув марказининг бир гектарида томчилатиб суғориш, 1,5 гектар майдонида ёмғирлатиб суғориш, ярим гектарлик майдонида тупроқ остидан суғориш ва уларни сув билан таъминлаш учун насос



ҳамда ўғитлаш тизимлари, еости сувлари сатҳи ва таркибини мониторинг қилиш лизиметрик мажмуаси қурилган. Мана шу тизимлардан фойдаланиш амалиётларини ўтказиша тадқиқотчилар ва талабаларга шароит яратиш мақсадида уч хонадан иборат бир қаватли бино барпо этилиб, зарур техника ва жиҳозлар билан таъминланган.

Тошкент ирригация ва қишлоқ

хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти, БМТ Таракқиёт дастири ва Германиянинг Ўзбекистондаги Халқаро ҳамкорлик бўйича ташкилоти (GIZ), Европа Иттифоқи ҳамкорликда 11-13 март кунлари талабалар ўртасида танлов уюштирган эди. Ёшларнинг эътиборини сув ресурсларини барқарор бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш, сув танқислиги билан боғлиқ долзарб муаммоларга қаратиш мақсад қилиб қўйилган ушбу танлов бир нечта номинациялар бўйича ўтказилди.

Тантанали тадбирда танлов ғолибларига сертификат ва совгалар топширилди.

**Сув хўжалиги вазирлиги
матбуот хизмати.**



МИНТАҚАДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Инсоният тириклиги, бутун олам мавжудлиги сувга боғлиқ. Бугунги глобал иқлим шароитида обиҳаётга талаб ортаётгани ва ундан самарали фойдаланмаслик натижасида айрим минтақаларда сув танқислиги юзага келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу, айниқса, сувнинг энг кўп истеъмолчиси бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида кўпроқ сезилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, минтақамиизда глобал иқлим ўзгариши сабабли Тожикистонда мавжуд бўлган 8 мингдан ортиқ музликлар майдонининг 30 фоизи, Қирғизистондаги 10 мингга яқин музликлар майдонининг 16 фоизи эриб кетган. 2030 йилга бориб музликларнинг яна 15-20 фоизи йўқолиб кетиши башорат қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Орол денгизи ҳавzasида жойлашган бўлиб, унинг асосий сув манбаи Амударё ва Сирдарё дарёлари, шунингдек, ички дарё ва сойлар ҳамда еrostи сувларидир.

“Амударё” ва “Сирдарё” ҳавзаларининг сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш схемаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси учун ўртacha кўп йиллик сув олиш лимити 64 млрд. куб/метрни ташкил этмоқда.

Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши, шунингдек, трансчегаравий сувдан фойдаланиши муаммолари туфайли фойдаланилган ўртacha йиллик сув миқдори 51-53 млрд. куб/метрни ташкил этмоқда, яъни ажратилган сув олиш лимитига нисбатан 20 фоизга қисқарган. Шундан 97,2 фоизи дарё ва сойлардан, 1,9 фоизи коллектор тармоқларидан, 0,9 фоизи эса ер остидан олинмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2015 йилда Ўзбекистон бўйича умумий сув танқислиги 3 млрд. куб/метрни ташкил этган бўлса, 2030 йилга бориб 7 млрд. куб/метр, 2050 йилга қадар эса 11-13 млрд. куб/метрга етиши мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Орол денгизи ҳавзасидаги сув тақчил келадиган йиллар тобора кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилга қадар ҳар 6-8 йилда сув

тақчил йиллар тақрорланган бўлса, охирги вақтларда эса ҳар 3-4 йилда кузатилмоқда.

Бундан ташқари, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши туфайли қишлоқ хўжалик экинларини сугориш меъёри 2030 йилга бориб 5 фоизга, 2050 йилга бориб 7-10 фоизгача ошиши тахмин қилинмоқда.

Мана шундай шароитда Марказий Осиёнинг умумий сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир, десак янгишмаймиз.

Аммо, 2017 йилгача бўлган даврда минтақада сув ресурсларидан баҳамжиҳатлик билан фойдаланиш борасида муаммолар тўпланиб қолган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нуткида бу масалага алоҳида тўхталар экан, “Ишончим комил, сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ” деган фикрни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати, саъй-ҳаракатлари натижасида охирги тўрт йилда кўшни давлатлар билан йўлга қўйилган ўзаро дўстона ва ишончли алоқалар Марказий Осиё минтақасидаги трансчегаравий сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланишга мустаҳкам замин яратди. Кўшни давлатларга амалга оширилган ташрифлар давомида трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масаласи энг юқори даражада муҳокама қилинди. Кўп йиллардан

буён ечилимай келаётган масалалар ҳал қилинаяпти, келишувлар имзоланяпти.

Кўшни давлатлар билан сув хўжалиги соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида иккى томонлама Ишчи гурӯҳлар фаолияти такомиллаштириляпти. Шунингдек, Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси доирасида ҳам ҳамкорлик амалга ошириляпти.

Ҳозирда Оролни қутқариш ҳалқаро жамғармаси раислиги Тожикистон Республикасига ўтган. Шу билан бирга, Қирғизистон Республикасининг мазкур жамғармадаги иштирокини фаоллаштириш устида ҳам иш олиб борилаяпти.

Кейнинг йилларда Қозогистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик ва эришилаётган келишувлар самара-сида Сирдарё ва Амударё ҳавзасида сув таъминоти даражасини яхшилаш бўйича натижаларга эришиляпти.

Сув хўжалиги объекtlарини модернизация қилиш, рақамли технологияларни жорий йилиш, соҳада замонавий бошқарув усусларини жорий этиш борасида БМТ Тараққиёт дастури, Германия ҳалқаро ҳамкорлик жамияти, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги, Корея ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги, Япония ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги, Ирригация ва дренаж ҳалқаро комиссияси, Сув ресурсларини бошқариш ҳалқаро институти, Бутунжаҳон сув кенгаши, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси каби нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ва йирик молия институтлари билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Венгрия, Австралия каби давлатлар билан сув хўжалиги соҳасида яқиндан алоқалар йўлга қўйиляпти.

Шу билан бирга, мамлакатимиз сув хўжалиги соҳасида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 24 февралдаги қарори билан

Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланди.

Стратегия доирасида 2021 йилда 3099 та сув хўжалиги обьектига “Ақлли сув” курилмалари, 1688 та насос станциясига сув ва электр энергияси истеъмолини онлайн назорат қилиш курилмаси, 2022 та мелиоратив кузатув қудуғига сизот сувлари сатҳи ва минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш курилмаси ўрнатилади ҳамда 20 та сув хўжалиги обьектининг бошқарув жараёни автоматлаштирилади.

163 дона насос агрегати ва 219 дона электродвигатель замонавийсига алмаштирилади, насос станцияларига 2625 дона ёруғлиқдиод лампа, 89 дона конденсатор қурилмаси, 73 дона частота ўзгартирувчи қурилма ва 79 дона қўёш батареяси ўрнатилади.

Жорий йилда 2670 дона насос агрегати ҳамда 1261 дона сувориш қудугини таъмирлаш ва йиллик электр энергияси истеъмолини 7300,0 млн. кВт. соатгача камайтириш режалаштирилган. Шу билан бирга, сувтежовчи технологияларни жорий этишини кенгайтириш, энергия тежковчи ускуналарни ўрнатиш ва насос станцияларининг ишлаш режимларини мониторинг қилиш орқали йиллик электр энергияси истеъмолини 7000,0 млн. кВт. соатдан камайтириш чоралари кўриляпти.

133 та ирригация курилиши обьектларига ажратиладиган 627,9 млрд. сўм маблағ ҳисобига 349,5 км канал, 125,7 км лоток тармоқлари, 62 та сувориш қудуғи, 19 дона гидротехник иншоот ҳамда 205,0 млн. м³ ҳажмдаги (2 та) сув омбори курилади ва реконструкция қилинади.

84 та мелиорация курилиши обьектларига ажратиладиган 300 млрд. сўм маблағлар ҳисобига 580,4 км очиқ коллектор тармоқлари, 130,5 км ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 25 дона вертикал дренаж қудук, 10 дона кўпприк ҳамда 19 дона гидротехник иншоотни куриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади.

Шу билан бирга, 212 та мелиорация обьектларини таъмирлаш-тиклаш ишларига ажратиладиган 365,2 млрд. сўм маблағ ҳисобига 15,3 минг км. коллектор-дренаж тармоқлари таъмиранади.

Ирригация тизими ва сувориш тармоқларининг техник ҳолати яхшиланиб, фойдаланишкоэффициенти 0,64дан 0,65га оширади 331 минг гектар сувориладиган ер майдонларини сув билан барқарор таъминлаш имконияти яратилади, шунингдек, 200,6 минг гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади ҳамда шўрланган ер майдонларини 26,8 минг гектарга камайтиришга эришилади.

Шу билан бирга, Стратегияда Марказий Осиё мамлакатлари манбаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган минтақанинг трансчегаравий сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмлари ишлаб чиқилиши, Амударё, Сирдарё ва бошқа трансчегаравий дарёларда мониторинг тизимини такомиллаштириш, ҳамкорликда сувни назорат қилиш ва мониторингини юритиш ҳамда очиқ маълумотлар алмашиб тизимини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар тайёрланиши, минтақа давлатлари томонидан йирик гидротехника иншоотларини куриш бўйича ўзаро мақбул механизмлар ишлаб чиқилиши, минтақавий сув ресурсларини бошқариш бўйича кўшма режаларни ишлаб чиқиши ва истиқболдаги вазифаларни белгилаш, шу жумладан, минтақа миқёсида иқлим ўзгаришига мослашиш чораларини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрланиши белгиланган.

Бу ишларда, шубҳасиз, энг олий неъмат бўлган сувдан оқилона фойдаланиш, сув ресурсларини самарали бошқариш ва минтақада сув танқислигининг олдини олишдек эзгу мақсадлар кўзланган.

Шавкат ХАМРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди

ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШИБ >

ИРРИГАЦИЯ ВА ДРЕНАЖ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАДБИР

Яқинда Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази томонидан “Ўзбекистон Республикасида ирригация ва дренаж соҳаси: амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги режалар” мавзусида халқаро вебинар ўтказилди. Мазкур тадбир Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси вице-президенти Ш. Хамраев, Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси Бош котиби Ашвин Б.Пандия, хорижий давлатларнинг 50 га яқин Ирригация ва дренаж Халқаро Комиссиясининг миллий қўмиталари вакиллари ва мутахассислар иштирок этилди.



Вебинар 22 марта – Бутунжаҳон сув куни муносабати билан ҳамда республикамиз сув хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли испоҳотларни хорижий мамлакатлар ва мутахассисларга тарғиб этиш мақсадида уюштирилди.

Халқаро ирригация ва дренаж комиссияси 1950 йилда ташкил этилган бўлиб, штаб-квартираси Нью-

Деҳли шаҳрида жойлашган. У давлатлар ўртасида сув ресурсларидан фойдаланиш, суғориш, ирригация ва дренаж соҳасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, илмий-техник ютуқлардан самарали фойдаланиш ва илғор тажрибаларни амалиётга жорий этишни тарғиб қилувчи илмий-техник ва нодавлат ташкилот ҳисобланади.

Ўзбекистон 1993 йилда ташкилот аъзолигига қабул қилинган бўлиб, 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси ташкил этилган.

2019 йил Индонезияда бўлиб ўтган Халқаро ирригация ва дренаж комиссиясининг 70-Халқаро ижроия кенгаси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев ташкилот вице-президенти этиб сайланган.

Халқаро вебинарни Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни 22 март – Бутунжаҳон сув куни билан самимий қутлади. Юртимида сув хўжалиги соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар ва уларнинг натижалари хусусида маълумот берди.

Таъкидланишича, ўтган 2020 йилда мамлакатимизда сувни тежайдиган технологиялар 133,6 минг гектар майдонда жорий қилинди.

Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 29 та лойиҳа шакллантирилиб, йил якунидаги 8 та лойиҳа бўйича битимлар имзоланди. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 94,6 млрд. сўм бўлиб, хусусий шериклар томонидан дастлабки йилларда 37,4 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритилади.

АКТни ривожлантириш орқали сувни самарали бошқариш ва шаффоффликни таъминлаш мақсадида, KOICA, GIZ, БМТ Тараққиёт дастури, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги билан ҳамкорликда “Ақлли сув” қурилмалари 98 та ўрнатилди, 10 та йирик гидротехника иншоотлари автоматлаштирилди, 6 та дастурий таъминот, мобил илова ва геоахборот тизимлари маркази ташкил қилинди.

Халқаро молия институтлари иштирокидаги 6 та лойиҳа доирасида 196,5 млн. доллар миқдоридаги кредит маблағлари ўзлаштирилди. Натижада, лойиҳа худудларида 124 минг га майдоннинг сув таъминоти ва 50 минг га ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Давлат бюджети ва Инқирозга қарши курашиб жамғармаси маблағлари ҳисобидан ирригация ва мелиорация тадбирлари амалга оширилиб, натижада 303 минг га ернинг сув таъминоти ҳамда 198 минг га майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Онлайн тадбирда сўз олганлар Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси, шунингдек, ушбу муҳим ҳужжатларда вазирлик олдига қўйилган вазифалар, хусусан, сув тежовчи технологияларнинг жорий этилиши, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, Оролбўйи

минтақасида экологик вазиятни соғломлаштириш, ирригация ва мелорация тадбирларини вақтида ва сифатли олиб бориш каби мавзуларда маъruzалар қилишди.

Хусусан, 2021 йилда халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган 8 та лойиҳа доирасида жами 211,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни ўзлаштириш режалаштирилган. Шунингдек, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган 1 та лойиҳа доирасида 2,3 млн. доллар ўзлаштирилади.

Бугунги кунгача 10 та лойиҳа имзоланиб, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари реестрига киритилган. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 107,4 млрд. сўм бўлиб, лойиҳаларни амалга ошириш учун хусусий шерик томонидан 33,6 млрд. сўм инвестиция маблағлари киритилади. Лойиҳа муддати давомида 15,2 млрд. сўм Давлат бюджети маблағлари тежалишига, 5,242 млн. кўт. соат электр энергия иқтисод қилинишига ҳамда 60 та янги иш ўринлари яратилишига эришилади.

Йил якунигача 3099 та сув хўжалиги обьектига “Ақлли сув” қурилмалари, 1688 та насос станциясига сув ва электр энергияси истеъмолини онлайн назорат қилиш қурилмаси, 2022 та мелиоратив кузатув қудуғига ернинг шўрланиши, минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш қурилмаси ўрнатилади ҳамда 20 та сув хўжалиги обьекти автоматлаштирилади.

349,5 км канал, 125,7 км лоток тармоқлари, 62 та суғориш қудуғи, 19 дона гидротехник иншоот ҳамда 205,0 млн. м³ ҳажмдаги (2 та) сув омбори қурилади ва реконструкция қилинади. 580,4 км очиқ коллектор тармоқлари, 130,5 км ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 25 дона вертикал дренаж қудук, 10 дона кўпrik ҳамда 19 дона гидротехник иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади.

Ирригация тизими ва суғориш тармоқларининг техник ҳолати яхшиланиб, фойдали иш коэффициенти 0,64 дан 0,65 га ошади ва 331 минг гектар суғориладиган ер майдонларини сув билан барқарор таъминлаш имконияти яратилади, шунингдек, 200,6 минг гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади ҳамда шўрланган ер майдонларини 26,8 минг гектарга камайтиришига эришилади.

Ўзбекистон томонидан сув ресурсларини оқилона бошқариш бўйича амалга оширилаётган ишлар иштирокчиларда катта таассурот ўйғотди.

Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси Бош котиби Ашвин Б. Пандя ташкилот Ўзбекистон билан самарали ҳамкорликдан мамнун эканлигини билдириб, бунда тажриба алмашувлар барча учун бирдек фойдали эканлигини таъкидлади.

Шунингдек Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси ва миллий қўмиталар билан биргаликда тажриба алмашиш бўйича ўкув курсларини ташкил этишига келишиб олинди.

Онлайн вебинар мазмунли ва ўзаро савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

**Сув хўжалиги вазирлиги
Матбуот хизмати.**

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ДАРОМАДИНИ ОШИРИШ — БИРЛАМЧИ ВАЗИФА

Аграг соҳа – мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш иш ўринлари ва аҳоли даромадини кўпайтириша катта манбалардан бири ҳисобланади.
Экинларни оқилона жойлаштириш ва илм билан етиштириш орқали бу йил ҳар бир гектардан олинадиган даромадни 5 минг долларга етказиш мақсади белгиланган.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасига доир кўплаб ҳужжатлар қабул қилинib, зарур шароитлар яратиб берилди. Боғдорчилик, узумчилик, мева-сабзавотчилик, шоличилик, чорвачиликни ривожлантириш, сувни тежаш, агрокорхоналарни молиявий кўллаб-куватлаш механизмлари йўлга кўйилди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори бу борадаги ишларни амалга оширишнинг механизмлари ва эришиладиган натижалари аниқ белгилаб берилган мухим ҳужжат бўлди.

Стратегия доирасида шаклланган дехқончилик кўнімалари, тупроқ-иклим шароити, сув таъминотидан келиб чиқиб, республиканинг барча туманлари худудлари муайян турдаги маҳсулотлар етиштиришга босқичма-босқич ихтисослаштирилди. Бунда, қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштириша асосий ётибор унинг ҳосилдорлиги, экспортбоплиги, яхлит майдонларда етиширилишига қаратилади.

17 минг 200 гектарда Organic, шу жумладан пахтачилиқда 10300 гектар, дончилиқда 1100 гектар, боғдорчилиқда 3040 гектар, узумчилиқда 1300 гектар, сабзавотчилиқда 1500 гектар, шунингдек, 27 300 гектарда Global G.A.P. стандарти бўйича маҳсулот етиштириш йўлга кўйилади.

Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлигига заҳирадаги яхлит 300 гектаргача майдонларда плантация усулида интенсив боф ва токзорлар барпо этиш ва етти йил муддатда тўлаш шарти билан аҳолига сотиш юклатилади.

Ушбу боғлар аҳоли пунктларига яқин худудлардан танланиб, аҳолига кооперация шартларида 1 гектардан 5 гектаргача ажратилади, агентлик томонидан 3 йилгacha агроном бириктирилиб, бошқарув компанияси агротехник тадбирларни ўтказишни ўз зиммасига олади.

Биринчи босқичда 1 минг 950 гектарда ташкил этилди. Бунда Асака туманига 50 гектар, Бахмал туманига 300, Бухоро туманига 100, Қарши туманига 300, Қорақўл туманига 100, Кўштепа туманига 300, Кўшработ туманига 100, Олтинсой туманига 200, Пешку туманига 100, Янгиқўргон туманига 300 гектар тўғри келади.

2021 йил ҳосили учун қишлоқ ҳўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чоралари кўрилди. Пахта майдонлари 88 минг гектарга ва ғалла майдонлари 40 минг гектарга кисқаради ҳамда 320 минг гектар ерлар фойдаланишга кириллади.

Қишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштируви ёшларга фойдаланишга кирилладиган ер майдонлари ижарага берилади, шунингдек, фермер ҳўжаликлиари ҳамда бошқа қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг экин майдонлари иккиласи ижарагаберилади.

Ёшларга Андикон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 10 сотихдан 20 сотихгача, қолган вилоятлarda 20-50 сотихгача экин ерлари ажратилади.

Бир туманда бир нечта пахта-тўқимачилик кластерларига фермерлар билан шартнома асосида фаолият юритиш ва фермерларга ушбу кластерлар билан пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича ихтиёрий равишда фьючерс шартномаларини тузиш ҳуқуқи берилади.

2021 йилдан бошлаб ернинг бозор қийматини баҳолаш ҳамда кейинчалик ундан гаров таъминоти сифатида фойдаланишни амалиёти йўлга кўйилади.

Сув ҳўжалиги вазирлигига 2021-2023 йилларда 5 минг 026 км магистрал канал, 45 минг 595 км мелиорация тармоқларини таъмирлаш ва тикилаш, 518 та насос агрегатлари ҳамда 807 та электродвигателларни янгилаш, сув ресурсларидан фойдаланишини “онлайн” режимда назорат килиш, сурошибашда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш вазифаси юклатилади.

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб маҳсулот етиштирувчиларга сертификатланган қишлоқ ҳўжалиги экинлари ургулари ва кўччатларини ҳарид қилиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича:

фоиз ҳаражатларини қоплаш учун компенсация берилади;

кредит суммасининг 50 фоизигача микдорда кафилликлар тақдим этилди.

2021 йил 31 декабрга қадар маҳаллий уруччилик ҳўжаликлиридан сертификатланган ургув ва кўччатларни сотиб олган маҳсулот етиштирувчиларга сотиб олинган маҳсулот қийматининг 20 фоизигача қисми Давлат бюджетидан қоплаб берилади.

2021 йил 1 марта бошла б “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурида боф, ток ва иссиқхона учун аҳолига ажратиладиган кредитлар муддати

3 йилдан 7 йилгача, имтиёзли даври эса 1 йилдан 3 йилгача узайтирилади.

Қишлоқ ҳўжалигидаги билим ва инновациялар Миллий маркази таркибида илмий муассасаларнинг ер майдонларида тадбиркорлик субъектларини шартнома асосида жалб қилган ҳолда сабзавот, полиз ва картошка, дуккакли, мойли экинлар ургучилиги ҳамда мевали ва ток кўчатлари етиштириш йўлга кўйилади. Ҳар бир вилоятда камида 100 гектар майдондана ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитларига мос интенсив кўчатчилик ҳўжаликлиари ташкил этилди.

Жаҳон банкининг 30 млн. доллар миқдоридаги кредити, шундан 26 млн. доллар уруччиликни ривожлантиришга жалб этилди. Юқориҷиҷирик туманида Венгрияning қишлоқ ҳўжалиги университети билан ҳамкорлика картошканинг суперэлита навларини яратиш бўйича илмий марказ ташкил этилди, соя ва қунгабоқар етиштириш бўйича Сербиянинг полизчилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорлика қўшма дастур амалга оширилади.

3 млн. гектардан ортиқ ерлар мониторинг, пахта, ғалла, шоли, картошка, мойли экин каби 5 турдаги асосий экинларнинг экилиши космик суратлар ёрдамида таҳлил қилинади, боф, ток ва иссиқхоналар майдони, етиштириладиган маҳсулот тури ва ҳажми тўғрисидаги ҳисоботлар, тупроқ таркиби, экинларни жойлаштириш, мақбул агротехник тадбирларни амалга ошириш, илмий-инновацион ютуклар ва илғор тажрибалар тўғрисидаги ахборотлар жойлаштирилди.

Илмий-инновацион ютуклар ва илғор тажрибаларни мунтазам тақдим этиш максадида Жаҳон банкининг 7,5 млн. доллар миқдоридаги кредити ҳамда Европа Иттифоқининг 2 млн. евро миқдоридаги грантлари жалб этилди.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш натижасида:

320 минг гектар ер майдонлари фойдаланишга кириллади;

ғаллачилик кластерлари сони 157 тага етказилади ҳамда ғалла ҳосилдорлигини ошириш бўйича агротехник тадбирлар илмий асосланган ҳолда ўтказилади;

45 минг гектар ер майдонларида халқаро даражадаги Organic ва Global G.A.P. стандартлари талабига мувофиқ қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ташкил этилди.

Муҳтасар айтганда, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришининг 2021 йил учун мўлжалланган стратегияси соҳада туб ўзғариларни амалга ошириш орқали, энг аввало, қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш, ҳаётини янада яхшилаш, ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтиришга хизмат қиласи.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ.

СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА ФЎЗАНИ ПАРВАРИШЛАШ



Жорий йилда фермер хўжаликлари, классерлар ва жойлардаги масъул ходимлар фўза навларининг морфологик ва биологик хусусиятларини ҳамда турли тупроқ-иқдим шароитларини инобатга олиб, фўза навларини парваришлашда пахтадан кафолатли, мўл ва сифатли ҳосил олининишини таъминлаш мақсадида куйидаги тавсияларга амал қилишлари лозим.

Фўза қатор ораларига ишлов бериш. Культивация ишларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши гоммоз, илдиз чириш касалликларининг олдини олиб, фўзанинг дуркун ўсиб ривожланишини таъминлайди.

Фўза қатор ораларига ишлов беришда энг аввало культиватордаги ишчи органлар сонининг тўлиқ бўлиши ва ишлов бериш чуқурилдига алоҳида эътибор бериш керак. Бундан ташқари, чигит эрта экилган майдонларда культивацияни озиқлантириш билан бирга ўтказиш, кеч экилган, ёки сел ва дўл таъсирида қайта экилган нами юқори бўлган майдонларда кўшимча 1-2 марта ишлов бериш лозим. Бунда ўртадаги ишчи орган чуқурроқ ўрнатилса, намлик тез йўқотилишига эришилади.

Фўза қатор орасига ишлов беришда 1- ва 2-культивация ўртасида чизел-культиватор ёрдамида чукур (60 см. қатор оралигида 25-30 см.; 90 см. ли қатор оралигида 30-35 см.) юмшатиш яхши самара беради.

Қатор ораси 60 см. бўлганда культиваторда 5 та ғозпанжа, 22-28 та ККО, агар бегона ўт босган дала бўлса 20 та ККО ва 8 та пичоқ ўрнатилиб, жами ишчи органи камида 33 та бўлиши, қатор ораси 90 см. бўлганда 5 та ғозпанжа, 28-30 та ККО, бегона ўт тарқалган майдонда 8 та пичоқ 24-26 та ККО, жами 37 ишчи органи ўрнатилиши лозим.

Фўза қатор орасига ишлов бериш жараёнида кесак ҳосил бўлишига йўл кўймаслик керак. Чунки, қатор орасига муддатидан кечикирилиб ишлов берилса, тупроқдаги намликтининг ортиқча буғланиши кўпаяди, тупроқ ёрилиши оқибатида ўсимлик илдизлари зарарланиб, вилт касаллидига чалиниш эҳтимоли ошади, ўсиш ва ривожланиши

10-15 кунга кечикиб, ҳосилдорлик 4-5 ц/га камаяди.

Сув яхши шимишлайдиган, сув ўтказиш хусусияти паст, механик таркиби оғир тупроқларда қатор оралари 60 см. бўлганда, ўртадаги ишчи органлари 15-16 см., 90 см. бўлса, 16-18 см. гача ўрнатилиши мумкин. Ҳар иккала кенглиқда экилган далаларда химоя майдони 12-15 см. дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Плёнка остига чигит экилган майдонларда, биринчи ишлов беришда культиваторнинг ўртадаги органлари 8-10 см., чеккадагилари эса 5-6 см. кейинги культивацияларда эса ишчи жиҳозлари мос равишда 10-12, 12-14 см. четки ишчи жиҳозлари 5-6 см. чуқурликка мўлжалланиб созланади. Чигит плёнка остига бир қатор қилиб экилган майдонларда қатор оралиги 60 см. бўлганда 30-35 см., 90 см. бўлганда 45-50 см. қилиб культивациянинг қамров кенглиги белгиланади. Культивацияда йўқолмаган ёки плёнканинг фўза ўсиб чиққан тешикларида пайдо бўлган бегона ўтлар кўл билан олиб ташланади.

Фўза ниҳолларини яганалаш. Фўзанинг бир гектар майдондаги кўчкат қалинлиги ҳосил ҳажмини белгиловчи муҳим омилдир. Фўза ўта қалин бўлганда кўсаклар сони камайиб, тола сифати пасайиб, кўсаклардаги пахта вазнининг озайишига олиб келади. Аксинча, кўччатлар ўта сийрак бўлса, фўза ғовлади.

Яганалашда навларнинг биологик хусусияти, тупроқ унумдорлиги ва иқлим шароитини ҳисобга олиш зарур. Унумдорлиги юқори бўлган тупроқларда “С-6524”, “Андижон-35”, “Андижон-36”, “Султон”, “Наманган-7”, “Наврўз”, “Ан-Боёвут-2”, “Порок-2”, “Мехнат”, “Хоразм-127” навлари учун гектарига 90-100 минг туп (қатор ораси 90 см. бўлганда 1 метрда 8-9

та, 60 см. бўлганда 5-6 та), ўртача унумдор тупроқларда, “Андижон-35”, “Андижон-36”, “С-6524” ҳамда “Султон”, “Наманган-77”, “Наврўз”, “Омад” ва “С-8284”, “Мехнат”, “Хоразм-127” фўза навлари учун гектарига 100-110 минг (қатор ораси 90 см. бўлганда 1 метрда 9-10 та, 60 см. бўлганда 6-7 та) унумдорлиги паст тупроқларда “С-6524”, “Андижон-35”, “Андижон-36”, “Наманган-77”, “Ан-Боёвут”, “Бешқаҳрамон”, “Омад” ва “С-8284” фўза навлари учун гектарига 110-120 минг (қатор ораси 90 см. бўлганда 1 метрда 10-11 та, 60 см. бўлганда 7-8 та) туп кўчкат қолдирилади.

“Бухоро-6”, “Бухоро-8”, “Бухоро-102”, “Пахтакор-1” фўза навларининг кўчкат қалинлиги унумдорлиги паст, механик таркиби енгил, ўртача ва кучиз шўрланган тупроқларда гектарига 100-110 минг, унумдорлиги ўртача, механик таркиби ўрта, кучиз ва ўртача шўрланган тупроқларда 90-100 минг, унумдорлиги юқори, механик таркиби оғир тупроқларда 80-90 минг тупни ташкил этиши тавсия этилади.

Ингичка толали фўза навларининг кўчкат қалинлиги “Сурхон-14”, “Сурхон-16”, “Сурхон-103”, “СП-1607”, “СТ-1651” ўта толалиларга нисбатан 10-15% кўп қолдирилади.

Фўзанинг кўчкат қалинлигини белгилаш тупроқ унумдорлигига боғлиқ. Қўмлоқ ва шағалли тупроқларда кўчкат сони кўпроқ қолдирилади. Бу ерда шуни эътиборга олиш лозимки, кўччатлар сони ҳар бир пайкалда меъерида бўлиши зарур. Аксинча, кўччатлар қалин бўлиши ҳам, сийрак бўлиши ҳам ҳосилнинг пасайишига олиб келади.

Кўшқатор экилган майдонларда кўчкат қалинлиги тупроқ унумдорлигидан келиб чиқиб, 130-140 ва 140-150 минг туп ҳосил қилинади.

Шўрланган ерларда яганалаш пайтида 10-15 фоиз кўпроқ қолдириш лозим, чунки ғўзанинг ўсиши даврида тахминан шунча кўчат, тузларнинг юзага кўтарилиши натижасида нобуд бўлиши мумкин.

Яганалашни 1-2 чинбарг пайдо бўлганда ўтказиш самарали хисобланади, ушбу муҳим тадбирни 3-5 кун кечиктириб ўтказиш хисобига пахта ҳосили 2-3 центнерга камаяди. Яганалаш мақбул муддатларда ўтказилган майдонларда ғўзанинг ўсиш ва ривожланиши жадаллашади, озиқ элементлари билан таъминланиши кучаяди эртаки, мўл ва сифати пахта ҳосили этиштирилади.

Бегона ўтларга қарши кураш, чопиқ ва ўтоқ ўтказиш. Ниҳоллар тўлиқ униб чиқкан вақтда далаларда begona ўтлардан ҳам тез ўсиб кетиб, ниҳолларни сикиб кўйиши ва кўп зарар етказиши кузатилмоқда.

Бунинг олдини олиш учун чигит экиш билан бир вактда гербицидлар (Которан, Стомор) кўлланиши лозим. Гербицидлар сепилмаган бўлса, begona ўтларга қарши биринчи культивацияни ўтказишида кўшимча юлдузчалар ўрнатилган ҳолда ўтказиш шарт. Begona ўтларни курашишда чопиқ ишларининг ҳам сифатли ва ўз муддатида бажарилишини ташкил этиш зарур. Шунингдек, кўп йиллик begona ўтларга (фумай, ажриқ ва бошқалар) қарши курашда ғўзанинг шоналаш даврида (begona ўтларнинг бўйи 10-15 см. бўлганда) Зелек-супер, Минура ёки тавсия этилган бошқа гербицидларнинг штангали мосламалари ёрдамида белгиланган меъёрларда пуркалади.

Ғўзани озиқлантириш. Ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантиришида, фосфорли ва калийли ўғитларни йиллик меъёрлари мўлжалланган ҳосил учун белгиланган азотли ўғитларни йиллик меъёрларига (N:P:K – 1,0:0,7:0,5) нисбатан олинади ҳамда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдорларига боғлиқ ҳолда табақалаштирилиб солинади. Минерал ўғитлар билан кўшимча маҳаллий ўғитлар кўлланилса, ғўзанинг ўсиши жадаллашади, ҳосили кўпаяди, тола ва чигит сифати ошади.

Бу йилги ёингарчиликлар оқибатида тупроқда тўпланган озиқа моддаларнинг бир қисми еrosti қатламларига ювилди. Шунинг учун пахта майдонларига ўғитни эрта муддатларда солинади ташкил этиш керак. Одатда ўғит суғоришидан олдин эгат олиш билан бирга солинади.

Ниҳолларни озиқа моддалар билан таъминлаш ва ривожланишини тезлаштириш мақсадида культивация билан биргалиқда гектарига соф ҳолда 50 кг. азотли ўғит (аммиакли селитра 150 кг./га ёки карбамид (мочевина) 110 кг./га, аммоний сульфат 240 кг./га) далага ғўзанинг 15-18 см. ёнига, 12-14 см. чукурликка солинади. Агар чигит экиш олдидан ёки экиш пайтида фосфорли ўғитлар берилмаган бўлса, азот ўғитлари билан биргалиқда 30-40 кг. фосфор яъни, физик ҳолатда 165-220 кг. оддий суперфосфат ёки 65-85 кг. аммофос ёки супрефос 130-170 кг. ёки PS-Agro 75-100 кг. берилши керак. Шунингдек, фосфорли ва калийли ўғитларнинг тақчилигини инобатга олган ҳолда ноанъанавий агрорудалар-бентонит, глауконит лойӣаларини гектарига 250-300 кг. меъёрда солиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жорий йил шароитида органик ва минерал ўғитларнинг арапашмаларидан фойдаланиш зарур. Бунда, ғўза қатор ораларига 2-ишлов бериш даврида гектарига 250-300 кг. чириган, куритилган ва элақдан ўтказилган маҳаллий ўғитларни маҳсус мосламалар ёрдамида ғўза қатор ораларига (14-16 см. узоқликка ва 15-17 см. чукурликка) солиш яхши самара беради.

Ғўзалар шонага кирган майдонларда гектарига соф ҳолда 70-75 кг. азот ва 30-50 кг. калий бериш керак, бу эса гектарига 210-225 кг. аммиакли селитра ёки 150-160 кг. мочевина ва 50-80 кг. калий хлоридни ёки 70-100 кг. калий сульфатни ташкил этади. Ғўзани шоналаш даврида ўғитларни ўсимликнинг 20-22 см. ёнига, 14-16 см. чукурликка берилади.

Ғўзалар гулга кира бошлаган пайкалларда азот ва фосфорли ўғитлар гектарига соф ҳолда 70-75 кг. азотни (аммиакли селитра 210-225 кг.) ва 40-50 кг. соф ҳолда фосфорни (аммофос 85-105 кг. ёки оддий суперфосфат 220-275 кг. ёки супрефос 170-215 кг. ёки PS-Agro 100-125 кг.) ташкил қиласди. Агар ғўза қатор оралари 90 см. бўлса, 2-4 чин барг ва шоналаш даврида 60 см. қатор ораларидек, гуллагандага эса ўғит ўсимлик қатордан 30-35 см. ёнига, 60 см да эса қатор оралари ўртасига 14-16 см. чукурликка солинади.

Ўсув давридаги озиқлантиришнинг охирги муддати ғўза гуллай бошланинг 10-кунига тўғри келиши керак, бундан кечикса, ғўзанинг ривожланиш даври чўзилиб кетиши мумкин. Тарькидлаш жоизки, фосфорли ва калийли ўғитлар кўлланилмасдан фақат азот

ўғитлари солинса, кўсакларнинг очилиши 15-20 кунга кечикиб, ҳосил сифати пасяди. Шунинг учун, фосфорли ва калийли ўғитларни тегишли меъёрлари ва муддатларда кўлланилиши зарур.

Ғўзани суғориш. Ғўзанинг шоналаш даврида суғориш меъёри ёнгил тупроқларда гектарига 600-700 м³, ўрта ва оғир тупроқларда 700-800 м³ бўлиши керак. Ғўза гуллаш даврида эса суғориш меъёри ёнгил тупроқларда гектарига 900-950 м³, ўрта ва оғир тупроқларда 1050-1300 м³ ни ташкил этиши лозим.

Ғўзани чанқатиб қўймаслик учун суғориш олдидан суғориш учун эгат олиш керак. Тупроқ механик таркибини инобатга олиб, суғориш эгатлари узунлигини тўғри белгилаш сувдан самарали фойдаланиш билан бирга ўсимликнинг дуркун ва баравж ривожланишини таъминлайди.

Бунинг учун суғориладиган эгатларнинг узунлигини 90 см. қатор оралигида 80-100 метрдан, 60 см. ли схемаларда 60-80 метрдан ошмаслик керак. Чунки эгат узун бўлса, охирига етгунча 2-3 суткалаб сув оқади, сув эса исроф бўлади.

Суғоришнинг давомийлиги ёнгил тупроқларда ғўза гулга киргунча 10-12, ўрта ва оғир тупроқларда 12-14, гуллаш даврида эса мос равишида 14-16 ва 16-18 соатдан ошмаслиги керак. Сизот чуқур жойлашган бўз тупроқларда суғоришлар сони ўртача 3-4 марта, меъёри гектарига 800-900 м³ ни ташкил қиласди ва суғоришни 14-16 кун оралатиб ўтказиш мумкин.

Сизоб чуқурлиги 2-3 метрга борадиган бўз-ўтлоқи тупроқларда ғўза гектарига 700-800 м³ меъёрда 2-3 марта суғорилиб, бу ҳолда суғоришлар орасидаги даврлар 18-20 кунгача узайтирилади. Сизот сатҳи 1-2 м чуқурлиқда бўлганда 20-25 кун оралатиб икки марта суғорилади.

Бу йилда кутилаётган шароитда ғўза парваришида сувдан самарали фойдаланишда эгилувчан қувурлар ёрдамида ҳамда эгат орасига плёнка (сув сарфини 10-15%, қатор орасига ишлов беришни 2-3 марта камайтиради) тўшаб суғоришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фатхулла Тешаев,
Феруза Хасанова,
Шуҳрат Абдуалимов,
Бегали Ниязалиев,
Б. Комилов.
ПСУЕАИТИ олимлари.

Маълумки, далаларга чигит экиб бўлингандан кейин кучли ёмғир ёғиб ўтса, уруғ тепасидаги тупроқнинг 3 сантиметргача қалинликдаги устки қатлами зичланади, қуриди ва қотиб қолади, яъни қатқалоқ пайдо бўлади. Чириндиси кам, унумсиз ёки структурасиз тупроқларда қатқалоқ янада қалинлашиб кетади. Қатқалоқ тагида қолган тупроқ димиқади, нами тез буғланиб ўқолади, тупроқ ичига ташқаридан ҳаво кириши кескин камаяди. Натижада экилган чигитнинг ўз вақтида униб чиқиши, униб чиқсан ўш ниҳолларнинг нормал ўсиб ривожланиши қийинлашади. Энди униб чиқаётган ниҳолларнинг бир қисми нобуд бўлади. Бунга йўл кўймаслик учун пайдо бўлган қатқалоқни бир-икки кун ичада тезлик билан ўқотиш талаб этилади.

Баҳор серёғин келганда пахта майдонларида ғумай, ажрик, саломалайкүм, кўйичек каби бегона ўтлар ғўза ниҳоллари билан бир вақтда униб чиқди.

Бегона ўтлар тупроқдаги фўзага аталган озиқ моддалар (азот, фосфор ва калий) ва намликтин кўп қисмини ўзлаштириб олади; ўргимчакка, кузги тунлам, ғўза тунламлари учун озиқа манбаи; поялари ва уруғлари билан кузда пахта ҳосилини ифлослантиради, нафақат машинада, балки кўлда териладиган ҳосил сифати ва салмоғини ҳам кескин пасайтириб юборади.

Чигит экиб қўйилган ёки ниҳоллар эндигина униб чиқаётган далалардаги қатқалоқ ишчи органлари нинали дисклардан иборат MBX-5,4 русумли ротацион мотигалар ёрдамида юмшатиб ўқотилади (1-расм).

MBX-5,4 мотига қатор оралари 60 ва 90 сантиметр бўлган далаларнинг олтига қаторидаги қатқалоқни юмшатиб кетади. Ҳар бир қаторга олтига нинали диск ишлов беради. Улар иккита ўққа енгил айланадиган қилиб уттадан шахмат тарзida ўрнатилган. Агрегат қатор оралари бўйлаб ҳаралатланганда диск ниналари бирин – кетин қатқалоққа санчилиб, уни синдиради, бўлаклайди, майдалайди ва юмшаган тупроқ зарраларини аралаштиради. Диск ниналари қатқалоққа шундай чуқурлиқда санчилиши керакки, токи бунда қатқалоқ тўла синсин




1-расм. MBX-5,4 ротацион мотига.

ҚАТҚАЛОҚНИ ЮМШАТИШ ВА БЕГОНА ЎТАРНИ ЙЎҚОТИШ

ва бўлаклансин, аммо эндиғина қўкариб чиқаётган чигит шикастланмасин. Ниналарнинг оптималь санчилиш чуқурлиги секция поводогидаги шпилькаларнинг жойларини алмаштириш, яъни пружинанинг диска га кўрсатадиган босим кучини ўзгартириши орқали ростланади.

Иш сифатли бажарилиши учун машина рамаси тўғри, ниналар синмаган ва эгилмаган, дисклар ўз ўқларида бемалол айланадиган, барча биримлар маҳкам тортилган бўлиши лозим. Механизатор пайкал охирида ниналар орасига тиқилиб қолган фўзапоя қолдиқлари, хас-чўп ва тошларни олиб ташлаши керак.

Чигит тўла униб чиқиб, дала юзаси ўш ниҳоллар билан қопланган далалардаги қатқалоқ ва бегона ўтларни пахта культиватори ёрдамида ўқотиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қатор ораларининг кенглиги 90 см бўлган пайкалларда ҳар бир қаторга икки дона ротацион юлдузча (1), етти дона юмшаткич панжа (2) ва бир дона ўқёйсимон панжа (3) жойлаштирилиши керак (2-расм). Бу ҳолда ротацион юлдузча ниҳоллардан 3-5 см. узоқлиқда, 4-6 см. чуқурлиқда, биринчи жуфт юмшаткич панжалар ниҳоллардан 12-15 см узоқлиқда, 5-7 см чуқурлиқда, иккинчи жуфт юмшаткич панжалар ниҳоллардан 25 см



2-расм. Қатор ораларини қатламлаб юмшатиши учун ишчи органларни жойлаштириши схемаси.

- 1-ротацион юлдузча;
- 2-юмшаткич панжа;
- 3-ўқёйсимон панжа.

узоқлиқда, 6-8 см чуқурлиқда, учинчи жуфт юмшаткич панжалар ниҳоллардан 35 см узоқлиқда, 8-10 см чуқурлиқда, марказий юмшаткич ва ўқёйсимон панжа эса эгатнинг ўқи бўйлаб 14-16 см чуқурлиқда юрадиган қилиб жойлаштирилиши зарур. Ҳаммаси бўлиб культиваторга кенглиги 60 см бўлган қатор ораларини юмшатиши учун 8 жуфт ротацион юлдузча, 21 дона юмшаткич ва 5 дона ўқёйсимон панжа, қатор оралари 90 см бўлганда, 8 жуфт ротацион юлдузча, 29 дона юмшаткич ва 5 дона ўқёйсимон панжа ўрнатилади.

Қатқалоқни юмшатиши анча нозик иш. Шу боис агрегатларни бошқаришни тажрибали механизаторларга топшириш керак. Нинали диск ўқларини тез-тез мойлаш талаб этилади. Акс ҳолда, дисклар яхши айланмайди, ниналар қатқалоққа тўла санчилмайди, нина тишлари олдига қаттиқ тупроқ тўпланиб, ўш ниҳолларга шикаст етказади.

Ғўза қатор ораларини кучли ўт босганда, уларни йўқотиши мақсадида культиваторга қўйидаги иш органлари ўрнатилади: дискинин юмшаткич – 8 дона (4-таси чап кесувчи, 4-таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 5-7 см узоқлиқда ва 6-8 см чуқурлиқда; пичноқлар – 8 дона (4-таси чап кесувчи, 4-таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 9-10 см узоқлиқда ва 6-8 см чуқурлиқда; ўқёйсимон панжалар – 5 дона, эгатнинг ўртасига 12-14 см чуқурлиқда.

Шундай қилиб, қатқалоқ ва бегона ўтларни ўз вақтида ўқотиши, ғўза қатор ораларига майнин ишлов бериш кўп ёғингарчилек натижасида ўсимликларда пайдо бўладиган гоммоз ва илдиз чириш касалликларига қарши курашнинг энг синалган усулидир. Бас, шундай экан, фермерлар ва механизаторлар бу агротехник тадбирларни бажаришга масъулият билан ёндашишлари лозим.

Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., проф.,
Асомиддин ҚОРАХОНОВ, т.ф.н.,
Абдурасул ИБРАГИМОВ, т.ф.д.
ҚХМИТИ.

БУГУНГИ ТАДБИР – ЭРТАНГИ МҮЛ ҲОСИЛ

*Галла парваришида апрель ойида
амалга ошириладиган агротехник тадбирлар*

Дунёда иқлимининг кескин ўзгариши республикамиз минтақалариға ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, қиши фаслиниң қуруқ-совуқ келиши, февраль ойининг охирги ўн кунлигига ёғингарчилик кўп бўлиши ҳамда март ойининг биринчи ўн кунлигига ҳавонинг кескин совиб кетиши натижасида ғалла ривожи бир оз кечиқди.

Бунинг натижасида ғаллани озиқлантириш, суғориш ҳамда касалликларига қарши кураш чоралари ҳар йилгига нисбатан 7-10 кун кечикиб амалга оширилмоқда. Ғаллачилиқда апрел ойи ғалла ҳосилининг тақдирини ҳал қиласидан ой ҳисобланиб, бу даврда ғалладан юқори ҳосил олиш учун зарур бўлган муҳим агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида, сифатли амалга оширишни тақозо этади.

Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, суткалик ҳаво ҳарорати ўртача $10-15^{\circ}\text{C}$ бўлганда, буғдой ўсимлигининг ўсиш ва ривожланиши жадаллашади. Ғалла ниҳоллари керакли бўлган ҳаво ҳароратини олгандагина кунига 3-5 см.дан ўсишни бошлайди.

Лекин бугунги кунда айрим фермер хўжаликлари, ғаллачилиқка ихтисослашган кластер хўжаликлари раҳбарлари ғалла майдонларини озиқлантириш, суғориш ҳамда касаллик ва зааркунандаларига қарши кураш ишларини бир оз кечиктириб амалга оширишмоқда.

Республикамизда экилган бошоқли дон экинларнинг аксарияти апрел ойига келиб тўлиқ найчалаш фазасига ўтиши кузатилади. Бошоқли дон экинларида найчалаш даври 25-30 кун давом этиб, бу даврда ўсимлик ўзи учун ўсув давомида тўплайдиган қуруқ модданинг 50-60 фоизини тўплайди.

Ғалла ниҳоллари тўла найчалаш даврида найча ичина бошоқ шакланиши бошланган бўлиб, ўсимликнинг озуқа элементларига, азотга ва бир қатор макро ҳамда микроэлементларга талаби юқори бўлади.

Юқоридаги жараёнлардан келиб чиқиб, апрель ойида баҳорги озиқлантириш ишларини ғалланинг ривожига қараб, мақбул муддатларда экилган, ҳозирги кунда найчалаш фазасида ривожланаётган ғалла майдонларини физик ҳолда 250-300 кг азотли ўғитлар билан ўғитлаш, ривожи паст бўлган кеч экилган ғалла майдонларида апрел ойида азотли ўғитларни ўзлаштириш ҳолатига қараб икки марта азотли ўғитлар билан озиқлантириш ишларини амалга ошириш, бунда биринчи озиқлантириш гектарига 200-250 кг, 15-20 кун ўтказиб, иккинчи озиқлантиришда гектарига физик ҳолда 100-150 кг меъёрда ўтказиш тавсия этилади.



Ўсимликнинг ўсиш-ривожланишида биологик ва физиологик жараёнларнинг жадаллашишига илдидан ташқари барги орқали фотосинтезнинг фаоллашиши ҳисобига 35-40 фоиз озуқа барги орқали амалга оширилади. Ғалла ниҳоллари ўсиш ва ривожланиш даври давомида озуқага бўлган талабини илдидан ташқари барг орқали амалга ошириш ҳам муҳим агротехник тадбирлардан бири хисобланади.

Ғаллани барг орқали озиқлантиришни ўсув даври давомида 3-4 марта амалга ошириш ўзининг ижобий натижаларини бериш тажрибаларда ўз исботини топган. Барг орқали озиқлантиришда гумин кислоталарга бой бўлган, макро ва микро элементларни ўзида мужассамлаштирган биоўғитлар билан озиқлантириш тавсия этилади. Биоўғит препаратлардан Гео-Гумат 1 л/га, УзГуми, Гумимакс 0,5 л/га, Агрозим, Байкал-М, каби биоўғитлар билан гектарига 3 литр ҳисобига ишлов бериш ўзининг ижобий натижасини беради. Бундан ташқари, карбамид азотли ўғити билан гектарига физик ҳолда 10-12 кг. сувда эритиб, 300 литр ишчи эритма (суспензия) билан маҳсус пуркагич механизмлар ёрдамида ғалла майдонларига ва орадан 15-20 кун ўтказиб, 2-3 маротаба сепишни ташкил этиш лозим.

Ўсимлик барг орқали озиқланганда баргдаги физиологик ва фотосинтез жараёнлари ҳамда ўсимликнинг илдиши системаси ривожланиши жадалланиши тупроқдаги озуқа моддаларни тўла ўзлаштиришини ҳамда барг сатҳининг қалинлашиши натижасида эса ўсимликларни сўрувчи зааркунандаларга чидамлилигини кескин оширади. Ушбу тадбирнинг амалга оширилиши ғалла ҳосилдорлигининг 5-6 центнергача ортишини, доннинг технологик сифат кўрсаткичлари клейковина миқдори 2-3 фоизга, дон таркибидаги оқсил миқдори 1,5-2 фоизга, дон натураси 10-15 фоизга, 1000 дона дон вазни кўрсаткичининг 1,5-2 гр.га ортишини таъминлайди.

Ғалла майдонларида озиқлантириш ишлари амалга оширилгандан сўнг минтақа тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда гектарига $700-800 \text{ m}^3$ меъёрда суғориш шарбат усулида гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит ҳисобига амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўп йиллик кузатувлар шуни кўрсатадики, эрта муддатларда, сентябр ойида экилган ғалла майдонларида апрель ойининг иккинчи ўн кунлигига бошоқлаш фазасига ўтиши кузатилади. Ғалла бошоқлаган даврда азотли ўғитлар билан қўшимча озиқлантириш ишларини амалга ошириш ҳосилдорликнинг 4-5 центнерга ортишини таъминлайди. Бунда гектарига 100 кг. меъёрда физик ҳолда азотли ўғит бериш яхши самара беради.

Апрел ойида ёғингарчилик кўп бўлиши кузатилса, бошоқли дон экинлари ўта узоқ вақт сугорилса, айрим ғалла навларининг ётиб қолишига мойиллиги ортади, шунинг учун апрел ойидаги ғалла суғорища эҳтиёт бўлиш талаб этилади.

Умуман, апрел ойида ғаллазорлардаги тупроқ намлиги чекланган дала нам сифатига нисбатан доимий рационал 70-75 фоиз бўлишини таъминлаш зарур бўлади.

Бахор ойларини серёғин, ҳаво ҳароратини паст бўлиши ғаллазорларда замбуруғли касалликлар, зааркунданда ҳашаротлар ва бегона ўтлар кўпроқ тарқалишига олиб келади. Шунинг учун уларнинг олдини олиш ва қарши кураш чораларини кўриш ўта муҳимdir.

Ғалла майдонларида заарли организмларга қарши тўртлик усулида кимёвий препаратлар билан ишлов бериш ишларини амалга ошириш муҳим агротехник тадбирлардан биридир. Апрел ойида бошоқли дон экинларининг зааркунданда ҳашаротлардан: шиллик-қурт, заарли хасва, буғдой трипси, шира, арракаш кабиллар ғаллани заарлаши давом этади. Шунингдек, йилнинг серёғин, нам келган даврларида ғалланинг замбуруғли касалликларидан сариқ, кўнғир занг, септиоз, ун-шудринг ва фузариоз касалликларининг ғалла майдонларини заарлашини инобатга олиб, доимий кузатув ва қарши кураш чораларини эртароқ кўриш керак. Акс ҳолда, бу тадбирларнинг кечикирилиши ғалла майдонларида замбуруғли касалликлар эпидемиясининг кучли ривожланиши, атрофга кенг тарқалиши оқибатида доннинг сифати ва ҳосилдорликнинг 25-30 фоизгача пасайишига олиб келади.

Ғаллазорларда бегона ўтларга қарши курашда бегона ўтларнинг тур-хили ва тарқалишига қараб 5 апрелгача гербицидлар билан ишлов беришни якунлаш лозим. Бу даврдан кечикирилганда ғалла найчалаш фазасига тўла ўтади ва ғалла ниҳолларида бошоқ шакллантирилаётган бўлиб, бошоқса салбий таъсирини кўрсатиб, уларнинг шаклланиши 5-10 кунга кечикирилишига олиб келади.

Айниқса, эрта муддатларда экилган ғалла майдонларида кимёвий ишловини кечки майдонларга нисбатан эртароқ ўtkазиш керак бўлади.

Замбуруғли касалликларга қарши рухсат этилган фунгицидлар билан “Дуплект ТТ” 22.5 фоизли (0.3-0.5 л/га), “Титул ДУО” 26 фоизли (0.2-0.3 л/га), “Консул” 22.5 фоизли (0.75 л/га), “Торсо” эм.к. (0.3-0.5 л/га), “Рекс ДУО” (0.4-0.6 л/га), “Альтосупер” 33 фоизли (0.3 л/га), “Энтоликур” 22.5 фоизли (0.3-0.5 л/га), “Уредоцин” 22.5 фоизли (0.3-0.5 л/га), “Химпакт” 35 фоизли (0.2-0.4 л/

га) меъёр билан гектарига 200-300 литр ишчи эритма тайёрлаб ишлов бериш яхши самара беради.

Ғаллага жиддий зарар келтирувчи зааркунандаларга: заарли хасва, шилимшиқ қурт пъявица, ғалла ширалари, буғдой трипси, поя арракаши каби зааркунандалар ғалланинг тупланиш давридан бошлаб жиддий зарар етказади. Зааркунандалар кучли тарқалганда ҳосилнинг 25-35 фоизи йўқотилиши мумкин.

Бошоқли дон экинларини асосий зааркунандаларига қарши курашда “Децис” 2.5 фоизли (0.25 л/га), “Багира” 20 фоизли (0.2-0.3 л/га), Атилласупер 10 фоизли (0.1 л/га), “Далатэ” 5 фоизли (0.15-0.2 л/га), “Сумитион” 50 фоизли (0.6-1.0 л/га), “Борей Нeo” (0.1-0.2 л/га), “Агрофос Д” 55 фоизли (0.5 л/га) препаратлар билан гектарига 300 литр ишчи эритма тайёрлаб ишлов берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ғаллазорларда зааркунандаларга қарши курашда кимёвий препаратлар билан ишлов беришда майдон атрофларига экилган ипак қурти озуқаси бўлган тут дарахтларига теккимасдан ишлов бериш ўта муҳим ҳисобланади.

Ғаллазорлардаги бегона ўтлар ғалла ҳосили ва унинг сифатига жиддий зарар келтиради. Шунинг учун уларга қарши курашиш асосий тадбирлардан ҳисобланади.

Ғалла майдонларини озиқлантириш ҳамда сугориш ишлари амалга оширилгандан кейин, ғалла билан бирга 1-2 йиллик бегона ўтлар (жаг-жаг, эшакшўра, олабута, қўйпечак, итузум, мингдевона, семиз ўт, қўйтикон, ёввойи сули, райграс, тулкидум ва бошқалар) ривожланади.

Бегона ўтларга қарши уларнинг тури ва сонига қараб гектарига “ЭнТопик” (0.3-0.4 л/га), “Атлантикс Стар” 25 фоизли (15-20 гр/га), “Далзлак” 8 фоизли (0.3 л/га), “Гранстар ДФ” 75 фоизли (10-20 гр/га), “Биостар” 75 фоизли (10-20 гр/га), “Далстар” 75 фоизли (10-20 гр/га), “Хуссар” 5 фоизли (0.05-0.1 гр/га), “Пик” 75 фоизли (15-20 гр/га), “Тайфун” 75 фоизли (15-20 гр/га), “Энтосупер” 75 фоизли (0.6-0.8 л) каби гербицидлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ғаллазорларда апрел ойининг биринчи ўн кунлигига бегона ўтлар, касаллик ва зааркунандаларга қарши кимёвий препаратлар билан ғалланинг ҳолатига қараб тезлик билан ишлов бериш яхши самара беради.

Гербицидлар билан ишлов беришда ғалла тўлиқ найчалаш ва бошоқ шаклланиши даврида гербицидлар билан ишлов бериш тавсия этилмайди.

Юқоридаги апрел ойида ғалла парваришида амалга ошириладиган агротехник чора-тадбирларнинг ўз муддати ва меъёрларига амал қилган ҳолда сифатли бажарилиши ғалладан кафолатли юқори ва сифатли ҳосил олиш учун пухта замин яратади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,
ДДЭИТИ директори, қ.х.ф.д.,
Илҳомжон АДАШЕВ,
таянч докторант.

ТАРМОҚ РИВОЖИ ЙУЛИДА

**шоли кўчатларини етишириша замонавий ва тежамкор
технологияларни қўйлаш**

Мамлакатимизда шолидан юқори ҳосил олиш, ахолининг гуруч маҳсулотига бўлган талабини қондириш ва импорт қилинаётган миқдорини камайтириб, валюта тежаш мақсадида тупроқ-иклим шароитларига чидамли сифатли дон кўрсаткичларига эга юқори ҳосил берадиган шоли навларини жойлаштириш, уларни етиширишни юқори самарали ресурстежамкор агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ўта мухим вазифалардан бирি ҳисобланади.

Ўтган йили мамлакатимизда 109,2 минг гектар майдонда шоли экилиб, ўртача ҳосилдорлик гектарига 34,8 центнерни, ялпи ҳосил 321,5 минг тоннани ташкил этди. Ушбу миқдор мамлакатимизнинг кун сайин ортиб бораётган ахолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлган гуруч маҳсулотига бўлган талабини минимал даражада қондира олмоқда, холос. Расмий маълумотларга кўра аҳоли талабини тўлиқ таъминлаш учун жорий йил 60 минг тонна атрофида гуруч маҳсулоти импорт қилинган.

Республикамизда ҳосилдорликни 30-40 фоизга бемалол ошириш учун ички интенсив имкониятлар мавжуд бўлиб, улардан энг асосийси, шолини кўчат усулида механизация билан етиширишдир.

Президентимизнинг жорий йил 2 февралдаги “Шоли етиширишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида шоличилик соҳасида илмий-тадқиқотларни кучайтириш юзасидан бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Бунда, 2021 йилда шоли майдонларининг 20 фоизида 2022 йилда эса камида 40 фоизида кўчатлаб экиш, 2023 йилдан бошлаб янада кенгайтириш чораларини кўриш тўғрисида топшириклар берилган.

Хитой олимлари томонидан шоли кўчатларини маҳсус кўчатхоналарда тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқилиши натижсида, шолидан йилига икки марта ҳосил олишга эришилмоқда. Бунда, олимлар шолининг эрта ва ўртапишар навлари уруғларини маҳсус кўчатхоналарга март ойининг иккинчи декадасида экиб, кўчатлар 25-30 кунлик бўлгандা, яъни апрель ойининг иккинчи декадасида асосий далага кўчириб ўтказилган ҳамда июль ойининг биринчи декадасида ҳосил йигиштириб олинган. Маҳсус кўчатхонада тайёрланган шоли кўчатлари иккинчи экин сифатида июль ойининг иккинчи декадасида асосий далага экиб, октябрь ойининг охирларида ҳосил йигиштириб олинган.

Ҳар қандай қишлоқ ҳужалик экини каби шолидан ҳам мўл ҳосил олишида қуйидаги учта асосий омил мухим ҳисобланади.

Биринчиси, шолининг энг истиқболли, серҳосил навлари ва уларнинг юқори тоифали уруғликлари;

Иккинчиси, шу нав уруғини экиш учун яхши унумдор ер-сув шароитлари;

Учинчиси эса, илғор технологияларга асосланган ҳолда яхши парваришилаш ҳамда ўз муддатида ҳосилни нес-нобуд қилмай ўриб-йигиб олишидир.

Шоличиликдаги бугунги куннинг асосий вазифаси, илғор мамлакатларга тенглашиш, истиқболли нав, технология ҳамда техникаларни олиб кириш ва жорий етишдир. Бунда асосан шолининг турли тупроқ-иклим шароитларида ҳосилдор ва тезпишар навларини аниқ дехончиллик юритиш тизимида мукаммал етишириш агротехникасини қайта яратиш билан бирга, уларнинг сифат кўрсаткичларига ҳам алоҳида эътибор талаб етилади.

Шоли уруғларини маҳсус кассеталарга экишида турли хил линиялардан фойдаланилмоқда ҳамда кўчатларни етишириш

учун маҳсус иссиқхоналар комплекси ишлаб чиқарилмоқда ва жорий этилмоқда.

Шоличилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан шоли кўчатларини тайёрлаш ва уларни парваришилаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Кўчат етишириш жараёни қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

Уруғликни шўр сувда саралаш. Бу усул сув зичлиги ошиши хисобига тўлиқ пишиб етилмаган донларнинг сув бетида сизиб чиқиши принципига асосланади. Бунинг учун сифими 40 л бўлган идишга 30 л миқдорида сув солиниб устига аста-секинлик билан ош тузи солинади ва араплаштирилиб турилади. Токи тузли эритмада парранда (товук) хом тухуми чўкмай сув бетида қалқиб туриши ҳолатигача туз солиб араплаштириш давом этирилади. Тухум сув бетига қалқиб чиқкандан сўнг туз солиши миқдори тўхтатилиб, тузли эритмада 10 кг шоли уруғлиги солиниб, аста-секинлик билан араплаштирилади. Шоли уруғларининг бир қисми эритма бетида қолиб, қолган қисми эритма тубига чўқади. Эритма бетига сизиб чиқкан уруғликлар олинниб, чиқига чиқарилади. Эритма тубига чўккан уруғликлар эса алоҳида идишга олинниб, тоза сувда 2 маротаба чайиб, сўнгра ёйиб қўйилиб, тезда қуритилади. Агарда уруғ тезда экиладиган бўлса, уруғлик кейинги технология босқичи бўйича дориланади.

Уруғликни дорилаш. 10 л сувга 10 гр миқдорида Селест-Топ (фунгицид, инкектицид, стимулятор) препаратидан солиниб, эритма тайёрланади ва уруғликлар ҳам солиниб, 24 соат давомида сақланади.

Уруғликни ивтиш ва нишлатиш. Дориланган уруғлар тоза сувда 2 маротаба чайиб олинниб, тоза сувда икки кун мобайнида ивтиб қўйилади. Ивтиш жараёнида ҳар куни суви алмаштириб турилади. Икки кундан сўнг уруғлар сувдан олинниб, илиқ сувда яхшилаб чайилади ва бўз ҳалталарга солиниб 48 соат ўраб, дорилаб қўйилади. Вақти-вақти билан ҳалталар устидан илиқ сув сепиб турилди. Шу 48 соат ҳалтада ўраб қўйиш давомида уруғларда 1-1,5 мм. катталикдаги муртак пайдо бўллади.

Тупроқ мухитини тайёрлаш ва кассеталарга жойлаштириш тартиби. Тупроқ ва гўнг алоҳида диаметри 2-3 мм бўлган элакдан ўтказилади. Тупроқка 10% миқдорида гўнг, 10% миқдорида қум ва 3% миқдорида аммофос араплаштирилиб, ҳар бир кассетага 2 кг миқдорида солинади ва бир текис қилиб ёйилади.

Уруғларни экиш. Тупроқ араплашмаси солинган ҳар бир кассетага 200 гр миқдорида нишлатилган уруғлик сепилади ва сепилган уруғ устидан 2-3 мм қалинликда тупроқ араплашмаси сепилади ва устидан ёмғирлатиб суфорилади. Кассеталар усти полистилен плёнкалар билан ёпилади. Уруғларни қийғос униб чиқишини таъминлаш мақсадида токчаларга (стеллаж) тахланиб, иссиқхонага жойланади.

Кўчатларни парваришилаш. Экилган уруғлар 48 соатдан сўнг тупроқ юзасига униб чиқа бошлаши билан устидаги полизтилен плёнка олиб ташланади. Униб чиқаётган ўсимликларга зиён келтирмаслик мақсадида вақти-вақти билан илиқ сув билан ёмғирлатиб суфориб турилади. Бу шароитда уруғлар асосан 5 кунда тўлиқ униб чиқади. Кўчатлар бир ҳафта давомида ҳар куни икки маротаба ёмғирлатиб суфориб турилади.

**Масъуджон САТТАРОВ, қ.х.ф.н., к.и.х.,
Муҳаммаджон ЭРГАШЕВ, қ.х.ф.н., к.и.х.,
Шоличилик илмий-тадқиқот институти.**

БОҒБОН БОҒ КЕЗАДИ

Мамлакатимизда кейинги йиллари об-ҳаво кескин ўзгариб бормоқда. Ёнгичарчилик кам бўлиб, сув танқислиги сезилмоқда.

Жорий йилда декабрь ва январь ойларида об-ҳаво совуқ бўлиб, февраль ойи бошида ҳарорат кескин исий бошлади. Натижада ўрик, олхўри, шафтоли, айрим худудларда гилос, эртанги олма ва нок навлари гуллай бошлаган вақтда февраль ойининг иккинчи ярмида ҳаво ҳарорати кескин пасайиб, $-7\text{--}11^{\circ}\text{C}$ гача совуқ бўлиши сабабли гуллаб турган дараҳтларнинг гулларини совуқ тўлиқ уриб зарарлади.

Март ойида ҳарорат анча кўтарилиб, кунлар исий бошлади-ю, март ойининг иккинчи ўн кунлигига яна ҳаво ҳарорати пасайиб, айрим вилоятларда ёмғир ва қор гуллаётган мевали дараҳтларнинг гулларини иккинчи марта зарарлади. Ана шу зарар етказилган боғлардан қўшимча даромад олиш мақсадида боғ қатор ораларига сабзавот, картошка экинларини экиб даромад қилиш мумкин.

Апрель ойининг бошидан ҳосилли боғларимизда гуллаб бўлган дараҳтларда ҳосил бўлган мева довуччаларини аниқлаб чиқиб, дараҳтларнинг меваларини сақлаб қолиш ҳамда сифатини ошириш мақсадида тезлик билан боғларга минерал ўғитлар солиб озиқлантириш зарур.

Бунда минерал ўғитлардан соғ ҳолда азотли ўғитлардан 100-120 кг., фосфорли ўғитлардан 70-90 кг., калий ўғитидан 45 кг. ҳисобида тупроқка чукур солиб кетидан суғориш керак.

Мамлакатимизнинг айрим вилоятларида совуқ урмаган мевали дараҳтларнинг гуллари кўп бўлиб, юқори ҳосил кутилмоқда. Оладиган ҳосилимизни сифатли қилиб етиштириш мақсадида дараҳтлардаги ҳосил бўлган меваларининг маълум бир қисмини камайтириш мақсадида уларда тоқалаш усули қўлланилади. Тоқалаш усули қўйидагича бажарилади: агарда мева бандида 4-5 та мева ҳосил бўлган бўлса, улар ичидан нимжон, ривожланиш даврида бир-бирига халақит берадиган мевалари (довуччалари) олиб ташланади. Бун-

Боғ ва токзорларда апрель ойида бажариладиган долзарб юмушлар



да мевалар бир-бирига тегиб турмаслиги керак. Агарда мева бандида 4-5 та мева бўлса, улардан 2 та мевани қолдириб, 2-3 таси олиб ташланади. Ушбу усулни уруғли мевалиларда (олма, нок, беҳи) ўтказиш зарур.

Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад, агарда гулдан сўнг чангланган меваларни қолдирсан, мева дараҳтларида ҳаддан ташқари кўп мева бўлиб, дараҳт ушбу мевалар яхши ривожланиб, сифатли мева бўлиши учун етарли миқдорда озуқа моддаларни етказиб бера олмайди. Дараҳт илдизидан меваларнинг ривожланиши учун етказиб берилаётган озуқа 4-5 та мевага эмас, балки 2 та мевага берилади. Натижада мева сифатли ва ўирик бўлиб етилади.

Боғларда тоқалаш усули тўғри ташкил қилиниб, ўз вақтида бажарилса, дараҳтлардаги мевалар яхши ривожланиб, бир хил шаклда сифатли маҳсулот олишга эришилади. Натижада олинган сифатли меваларнинг бир қисмини экспорт қилиш имкони туғилади.

Жорий йилда ҳавонинг совуқ бўлиши боис кўпгина касаллик ва заараркунандаларнинг замбуруғлари ўлган бўлиб, айримларнинг тухумлари сақланиб қолган бўлса, уларнинг ривожланишига йўл қўймаслик учун дараҳтлар гуллаб бўлгач, тезлик билан уларни касалликлардан ҳимоя қилиш мақсадида Бордо суюқлигининг 1% лиги билан (100 литр сувга 1 кг. мис купороси ва

шунча сўндирилмаган оҳак қўшиб) пуркаш зарур. Ушбу пуркашни 8-10 кун оралатиб, 1-2 марта қайтариш керак. Бундан ташқари, чукур таъсир этувчи фунгицидлар билан ишлаш ҳам яхши самара беради.

Бунинг учун дараҳтлар гуллаб бўлгач, Топсин-М (1 л/га) препаратини 0,1% қилиб сепилади. Вектра (0,3 л/га), Байлетон (0,2-0,3 л/га), Фоликур (0,25 л/га) препаратларидан ҳам фойдаланса бўлади.

Резавор мевали экинлардан қулупнайзорларда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, тупроқда намлик меърида бўлган вақтда қулупнайзор қатор оралари культивация қилиниб, тупатрофлари қўлда юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади. Апрель ойининг бошидан қулупнай қийғос гуллай бошлайди. Қулупнай қийғос гуллаш



даврида ҳаво ҳарорати ва тупроқ налигига қараб 1-2 марта суғорилади.

Қорағатзорлар қатор оралари 25-30 см. чукурлиқда юмшатилиб, гектарига 120-150 кг. соғ ҳолда азотли, 90-120 кг. соғ ҳолда фосфорли ўғит солиниб суғорилади.

Туп таглари 15-20 см. чуқурлиқда чопилиб юмшатилади ҳамда бегона ўтлардан тозаланади. Қорағат туплари қийғос гуллаётган вақтда қорағатзор бир марта сүфорилади.

Малиназорда эски, нимжон новдалари кесиб ташланиб, қатор оралари 15-20 см., туп оралари 4-5 см. чуқурлиқда юмшатилади. Малина новдалари узун ўсан бўлса, новданинг 150-160 см. дан юқори қисми кесиб ташланади. Малиназорга туп атрофлари юмшатилгач, эрта баҳорда азотли ўғитдан соғ ҳолда 50-60 кг. солиб, кетидан сүфорилади. Тупроқ намлигига қараб, малиназор апрель ойида 1-2 марта сүфорилади.

Иссиқхоналар ва хандақларда ўстирилаётган цитрус ўсимликлари (лимон, апельсин, мандарин) яхши ўсиб, ривожланиши ҳамда мева беришини яхшилаш мақсадида тупроқнинг намлик даражаси 70-80% ташкил этиши зарур. Март ойи охири, апрель ойи бошларида цитрус ўсимликлари ғунчалай бошлайди. Ғунчалаш босқичи суткалик

Юқоридаги минерал ўғитларни иккига бўлиб, иккى муддатда: ярми март ойи-охири апрель ойи бошида, қолган иккинчи қисми май ойи охири-июнь ойи бошларида берилади.

Цитрус ўсимликлари гуллаётган вақтда дарахтларда гулларнинг яхши чангланиши учун иссиқхона дарчалари очилиб қўйилади, яъни иссиқхонани шамоллатиб туриш зарур.

Кейинги йиллари иссиқхоналарда цитрус ўсимликларининг гуллаш даврида гулбанди ҳашаротлар билан зааррланиши кузатилмоқда. Бунда цитрус ўсимликлари юмшоқ сохта қалқондор, ўсимлик битлари, шира, каналар билан зааррланади. Бу вақтда иссиқхоналарни шамоллатиш билан бирга ҳашаротларга қарши гуллашдан олдин ва гуллашидан сўнг кимёвий препаратлардан ВЭРТЕ-МЭКС препаратини 0,5-0,8 фоизли эритмаси 5-6 кун оралатиб 2 марта пуркалади. Бунда ўсимликнинг барча қисми, айниқса, баргларини пастки тарафидан ҳўллаш зарур. Қорак уясимон замбуруулар барглар ювилгандан кетмайди. Барглар 1% ли Бордо суюқлигининг эритмаси ёки 0,5% мис, хлор оксиди эритмаси билан кўшимча пуркалганда, замбуруулардан холос этилади.

Баргларни вақти-вақти билан ювиб туриш ҳам фойда беради. Ка-

саллик ва зааркундаларга қарши иссиқхоналарда ишлов эрталаб ва кечга томон ёки булатли кунларда ўтказилади. Бошқа вақтда ишлаш мумкин эмас.



Токзорларда токлар ердан очилиб, симбағазларга кўтариб боғлангач, қатор оралари 25-30 см. чуқурлиқда ҳайдалиб, туп атрофлари кўлда чопилиб юмшатилади.

Куриб қолган туплар ўрнини тўлдириш учун ток тупларида қолдирилган узун новдалардан пархама (пархиш) қилиб тўлдирилади.

Ток туплари симбағазларга кўтариб боғлангач, токзорларга маҳаллий ўғитлардан гўнг 10-20 т/га, минерал ўғитлардан соғ ҳолда азотли 60 кг/га, фосфорли 45-50 кг/га, калий 30 кг/га ҳисобида солиниб сүфорилади.

Токзорларда касалликлар ривожланишининг олдини олиш мақсадида ток тупларида 2-3 та чин барг шаклланиши билан оидиум, антракноз ва милдую касалликларига қарши Бордо суюқлиги ёки ООК (олтингугурт оҳак қайнатмаси) ишлатилади. Пуркаш муддатлари 2-3 та чин барг пайдо бўлганда ООК билан иккинчи марта 10-12 кундан сўнг Бордо суюқлигининг 1% эритмаси билан ҳамда 12-15 кундан сўнг олтингугурт билан 1 гектарга 25-30 кг. ҳисобида чангланади.

Ушбу агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли қилиб бажарилса, боғ-токзорлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш имкони яратилади.

**Равшан АБДУЛЛАЕВ, қ./х.ф.н.,
Хилола АБДУЛЛАЕВА,
қ./х.ф.ф.д.(PhD),
Академик М.Мирзаев
номидаги БУвабИТИ.**



ҳаво ҳарорати 18-20°C ҳамда тупроқ ҳарорати 14,5-17°C бўлганда 25-28 кун давом этади.

Апрель ойи бошларида ҳаво ҳарорати 18-22°C бўлганда цитрус ўсимликлари гуллай бошлайди. Бу вақтда ўсимликларни озиқлантириш зарур бўлиб, ҳосилли дарахтларнинг ҳар бир тупи тагига 20-25 кг. чириган гўнг ва 80-120 г. азотли, 80-100 г. фосфорли ҳамда 40-60 г. калийли ўғитлар солиниб, туп таглари 25-30 см. чуқур юмшатилиб, сўнг сүфорилади.



САБЗАВОТКОР ИШЛАРИ ҚИЗФИН

Бу йил баҳор фасли ўтган йилларга нисбатан бироз совуқ келди ва ёғингарчиликга бой бўлмоқда. Бу эса сабзавот, полиз ва картошка экинлари етиштиришда миришкор фермер ва дехқонларимиздан жадаллаштирилган усулларни қўллашни талаб этади.

Экилган эртаги сабзавотларни дастлабки ўсув даврида шаффоф полиэтилен плёнка остида парвариш қилишлари ниҳолларнинг барвақт пайдо бўлишини ва ушбу экин ҳосилини оддий усулга нисбатан камида 15-20 кун эрта пишиб етилиш ва йигиб олиш имкониятини беради. Шу билан бирга, кечикиб экилган сабзавотларнинг ривожини тезлаштиришга имкон беради.

Ушбу ойда эрта кузги, тўқсонности ва эрта муддатда экилган сабзавот ва картошка экинларини парваришлаш ишлари ташкил этилади.

Эртаки оқбуш карам кўчатлари экилган эгатнинг оралари КРН-2,8А русумли культиватор билан 15-16 см чукурликда культивация қилиниб, ўсимлик атрофи юмшатилади, маъданли ўғитлар билан озиқлантирилади ва суғорилади.

Эрта муддатда экилган пиёз икки-уч марта, дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6-8 см га етганда, иккичи марта боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келганда ўтоқ ва ягана қилинади. Қатор ораларини юмшатиш ва бегона ўтларни ўйқотиш мақсадида КРН-2,8А русумли культиватори билан 15-16 см чукурликда ишлов берилади.

Сабзи ниҳоллари униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтларни ўташга ва ягана-лашга киришилади. Сабзи икки маротаба ўталади, дастлабки ўташ сабзи битта чинбарг чиқарганда, кейингиси эса 3-4 барг чиқарганда ўтказилади. Ҳар ўтоқ давомида ягана ҳам қилиб борилади. Бегона ўтларни ўйқотиш учун гербицилардан фойдаланиш мумкин.

Бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши - (Оксифлуорfen) 24%, Гоал 2Е эм.к., 24% Оксигард эм.к., 0.5-1.0 л/га, қўллаш муддати экинларни кў-

кариб чиқишигача тупроққа пуркалади. Бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга: сабзи далаларида бегона ўтлар 12-15 см бўлганда (Пендиметалин) 33% Стоп эм.к., 33% Стоп эм.к., 33% Фист эм.к. -2.3-4.5л/га. Қўллаш муддати экинларни кўкариб чиқишигача тупроққа пуркалади. Бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга: - (Сетксидим) 20% Набу эм.к. 3.5л/га, (Бромоксинил октаноат) 28% Ноугринэм.к.-1.5-2.0л/га, (Галоксифоп – R-метил) 10.4% Галоксифоп Супер эм.к., 10.4% Зеллек экстра эм.к., 10.4% Рамон супер Эм.к. – 1.0 л/га. Қўллаш муддати, бир йиллик бегона ўтлар 2-6 барг даврида ва кўп йиллик бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см бўлганда мазкур препаратларнинг биронтаси билан пуркаш бериш тавсия этилади.

Редис эрта баҳорда энг талабгир экин ҳисобланади. Ўсимлик 1-2 тадан чинбарг чиқарганда яганаланади ва бирйўла ўтоқ қилинади. Қатордаги ўсимликлар ораси тезпишар навлар учун 3-4 см, кечпишарларига эса 5-6 см да бир тупдан қолдирилади. Баҳордаги ёғингарчиликка қараб редиска 2-4 марта суғорилади, қатор оралари культивация қилинади, бегона ўтлар ўйқотилади.

Эртаги муддатда экиладиган картошка уруғлари униб чиқиш давргача ёғингарчилик кўп бўлиб, эгат устида қатқалоқ вужудга келган майдонларга уруғларнинг бир текис, тўлиқ униб чиқишини таъмин этиш қатқалоққа қарши бир-икки маротаба ишлов берилади. Майдонлар уруғлик тўлиқ

униб чиқкунча об-ҳаво ва ер шароитига кўра 1-2 марта суғорилади.

Апрел ойида кўчати билан экиладиган помидор, ширин қалампир ва бақлажон экинлари кўчатларини кўчатхоналарда сифатли тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Очиқ майдонда етиштириш учун қуйидаги маҳаллий навлар тавсия этилади: помидорнинг Барлос, Юлдуз, Дархон, Баходир, Ситора, ТМК-22, Авиценна, Шарқ юлдузи, Шафақ, Сурхон-142, Заковат, Нурафшон F₁, ширин қалампирнинг Дар Ташкента, Заря Востока, Зумрад, Наргиза, Тонг, Сабо, Шодлик, Маржона, бақлажоннинг Феруз, Аврора, Алмаз, Сурхон Гўзали навлари.

Кўчатларни етиштирилаётган кўчатларни ташки мухит шароитига чиниқтириш мақсадида, кўчатлар очиқ далага экишдан 6-8 кун олдин кўчатхона эшик ва дарчаларни вақти-вақти билан очиб туриш натижасида кўчатхона ҳаво ҳарорати ташки мухит билан тенглashingib, кўчатлар очиқ майдон ҳавосига мослашади.

Помидор, ширин қалампир ва бақлажонни илдиз қисми яхши ривожланган, бўйи 15-18 см, 5-7 та баргли, 40-45 кунлик, турли касалликлардан [оли кўчатлар танлаб олинади.

Кўчатлар экиш ишлари республиканинг жанубий вилоятларда эртаги навлар мартнинг 3-ўн кунлигига, ўрта ва кечпишар навлар эса апрелнинг 1-2-ўн кунлигига экилади. Марказий минтақада жойлашган вилоятларида эртапишар навларни апрелнинг 1-3-ўн кунлигига, ўрта ва кечпишарларни эса апрелнинг 2-ярмидан бошлаб май ойининг 1-ярмигача, шимолий минтақаларда эса эртапишар навлар кўчати апрелнинг 2-ўн кунлигига, ўрта ва кечпишарлари апрелнинг 3-ўн кунлиги ва майнинг 1-ўн кунлигига амалга оширилади.

Кўчат экишда ўсимликларни жойлаштириш схемаларига эътибор қаратиш лозим. Помидорнинг эртапишар ва ўртапишар навлари кўчати у қадар нишаб бўлмаган далаларда 70x25(30) см, текис майдонларда 90x25(30) см, узун палакли навлар 90x40 см, (140+70) x25 см, ширин қалампир 70x30 см ёки 90x25 см, бақлажон 70x30(40) см



ёки 90x25(30) см схемаларда экилади ва, албатта, суфорилади.

Экилган кўчатлар тўлиқ тутиб олгандан 10-12 кун ўтгач, уларга биринчи ишлов берилади. Бунда қатор оралари КРН-2,8А, КХО-4, КОН-2,8А русумли агрегатлар билан 12-14 см чукурликда юмшатилиди. Ўсимликлар атрофи ҳам енгил юмшатилиб ва минерал озиқалар солингач, суфорилади.

Биринчи ишлов ва суфоришдан 13-15 кун ўтгач, яна суфорилади ва тупроқка ишлов бериш имконияти бўлиши билан иккинчи ишлов тадбирлари ўтказилади. Бунда қатор оралари культиватор билан 15-16 см чукурликда юмшатилиб, ўсимликлар атрофидаги бегона ўтларни ўйқотиш учун яхшилаб чопиқ қилинади.

Шу билан бирга, ўртаги (муддат) оқбош карам кўчатлари жанубий минтақаларда 10-20 май, марказий минтақаларда 15 апрелдан 1 майгача ва шимолий минтақаларда 1-15 апрелда экилади. Кўчатлар 70x35(40) см схемада экилади. Кўчатларни экиб бўлгач, тўлиқ тутиб олишини таъминлаш учун суфориш тадбири амалага оширилади.

Оқбош карамнинг маҳаллий ўртапишар “Тошкент-10”, “Саратони” ҳамда “Термиз-2500” навлари экиш учун тавсия этилади.

Оқбош карам кўчатлари тўлиқ тутиб олганидан 16-18 кун ўтгач ўсимликларга комплекс ишлов берилади, бунда ўсимлик қатор оралари КРН-2,8А русумли агрегат ёрдамида 15-16 см чукурликда юмшатилиди. Ўсимлик оралари қўлда енгил чопиқ қилиниб, бегона ўтлардан тозалангач, суфорилади. Юмшатиш билан бирга ўсимлик минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Ўғитлаш тадбира бир гектар майдонга 20-25 тонна гўнг, соф ҳолда 150 кг азот, 100 кг фосфор, 50 кг калий берилиши керак. Фосфорли ўғитларнинг 70-75% ва калийнинг 50% ерга асосий ишлов пайтида берилади. Фосфорнинг қолган қисми ва азотнинг 50% биринчи ишлов пайтида, азот ва калийнинг қолган қисми карам бош ўрай бошланганда берилади.



Бодринг экинининг уруғлари жанубий минтақаларда 1-15 апрель, марказий минтақа вилоятларида 10-20 апрель, шимолий минтақаларида эса 20-30 апрелда экилади. Саралаб олинган сифатли уруғлар катта майдонларга СБУ-2,4А сеялкасида, кичик майдонларга кўл кучи ёрдамида 70x30 см, 90x20 см схемада, 4-5 см чукурликка экилади. Уруғ сарфи гектарига 4-5 кг. Бодрингнинг маҳаллий “Раний-645”, “Узбекский-740”, “Зилол”, “Наврўз” навлари ва ҳар бир ҳудуди учун тавсия этилган бошқа нав ва дурагайларни экиш тавсия этилади.

Уруғлар экилгандан сўнг ўсимлик ниҳоллари уруғ палла чиқарганда биринчи, битта чинбарг даврига киргандан кейин эса иккинчи марта яганалаш тадбирлари ўтказилади.

Ўсимлик қатор ораларига КРН-2,8А, КОН-2,8, КХО-4 русумли агрегатлар билан 15-16 см чукурликда ишлов береб, ўсимлик атрофини мунтазам юмшатиб, озиқлантириб борилади. Ушбу экин сувга анча талабчан экин бўлиб юқори ҳосилни асосий омили вақтида ва меъёрида суфориш ҳисобланади. Баҳорда экилган бодрингнинг ҳосил тўплаш ва ўсув даври одатда кечкисига қараганда узоқроқ давом этади. Экиннинг найчалаш – ҳосил тўплаш даври ёзнинг иссиқ пайтига тўғри келади. Ҳар қайси фазада ҳар



хил миқдорда сув талаб қилиши, ҳарорат шароитини эътиборга олиб сизот суви чукур жойлашган ерларда кўкламда экилган бодринг ҳар 7-8 кунда суфориб турилади. Ҳосил тўплаш даври бошланиши биланоқ экин тез-тез, ёппасига ҳосилга киргандা

эса ҳар қайси теримдан кейин, яъни камида 2-3 кун оралатиб суфорилади. Ана шундай қилинганда сизот суви чукур участкаларда эртаки бодрингга ўсув даврида 16-18, юза ерларда эса камроқ, 9-11 марта сув берилади.

Ўсув даври мобайнида бодринг ҳар икки-уч суфоришдан кейин қатор оралари 15-16 см чукурликда юмшатиб турилади.

Бодрингни озиқлантириша гектарига 20 тонна гўнг, соф ҳолда 180 кг азот, 100 кг фосфор ва 75 кг калий ўғити бериш тавсия этилади. Ерга асосий ишлов берилганда органик ўғитнинг ҳаммаси, фосфор ва калийнинг 75% солинади. Биринчи озиқлантириша фосфор ва калийнинг қолган 25%, азотнинг 50%, иккинчи озиқлантириша азотли ўғитнинг қолган 50% берилади.

Полиз экинлари уруғлари республиканинг марказий минтақасида жойлашган вилоятларда эртаги навлари 15 апрелгача, ўртагиси 20 апрелдан 10 майгача, кечкиси 15 майдан 10 июнягача, жанубий вилоятларда эртаги навлар 10 апрелгача, ўртагиси 10-20 апрелда, кечкилари эса 10-20 июняда экилади. Шимолий минтақаларда эртаги навларни 20 апрелгача, ўртагисини 25 апрелдан 10 майгача, кечкисини 20-30 майда экиш тавсия этилади.

Экиш учун қовуннинг эртапишар “Роҳат”, ўртапишар “Суюнчи-2”, “Олтин водий”, “Лаззатли”, “Олтингепа”, “Кичкентой”, “Обиноввот”, “Гурвак”, “Бўрикалла”, кечпишар “Тўёна”, “Гурлан”, “Амударё”, “Гулоби Хоразмий”, “Заргулоби”, “Саховат”, тарвузнинг эртапишар “Үринбой”, “Ширин”, “Манзур”, F₁ “Чиллаки”, “Крисби”, “Кримстар” ва ўрта эртапишар “Сурхон тонги” навларини экиш тавсия этилади.

Баҳорда кунлари исиши билан, тупроқ ҳарорати 14-15°C га етганда полиз экинлари уруғини экишга киришилади. Қатор оралари 210-280 см. ли кенг эгат олинади. Бу полиз экинлари қатор ораларига тўрт фидиракли тракторлар билан ишлов бериш имконини беради. Экиш шакли қовун учун (210+70):2x70, тарвуз учун (270+90):2x70 см. Уруғлар 3-6 см чукурликка экилади. Майдада уруғли қовун ва тарвузларни экиш учун гектарига 4 кг, иирик уруғли тарвузларни экиш учун 5-6 кг уруғ сарфланади.

**Рустам НИЗОМОВ, к./х.ф.д.,
Фахриддин РАСУЛОВ, к./х.ф.ф.д.
Сабзавот, полиз экинлари ва
картошканилик ИТИ.**



КАРТОШКАЧИЛИК РАВНАҚИ

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаши мақсадида барча имкониятларни тўлиқ ишга солиш ҳамда соҳани тубдан ислоҳ қилиши ва етишиширувчилар манбаатини рагбатлантириши ҳамда аҳолининг картошкага бўлган талабини қондириши, ургучлик тизимини йўлга қўйиши, сақлаши, чукӯр қайта ишилаши ва қўшимча қиймат занжирини яратиш бўйича давлат томонидан имтиёзлар берилиб, бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Республикада истеъмол ва уруғлик картошка етиширишни ошириш, картошкачилик соҳасида кластер ва кооперация механизмишини кенгайтириш ҳамда замонавий технологияларни жорий этишни давлат томонидан янада қўллаб-куватлаш, шунингдек, картошкага бўлган ички бозор талабини тўлиқ қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор билан 40 та туман картошка етиширишга, шундан, 23 та туман уруғлик картошка ва 9 та туман юқори авлодли уруғлик картошка етиширишга ихтисослаштирилди.

Ушбу туманларда 8 та картошкачилик кластерлари ташкил этилиб, уларга 2 471 гектар ер майдони уруғлик ва истеъмол картошка етиширишга ажратилиб, бу майдонларда картошканинг юқори авлодли уруғликларини етишириш йўлга қўйилди.

Олиб борилаётган испоҳотлар натижасида бир қатор ижобий ишларга эришилди. Жўмладан, “Бўстонлиқ картошкачилик маркази” кластер тизими асосида яхлит плантация майдонларда картошка етишириш йўлга қўйилган, натижада 2019-2020 йилда 700 гектар майдонда ёмғирлатиб сугориш ва механизациялаштириш тизимини жорий этиш ҳисобига гектаридан ўртacha 40-45 тонна ҳосил олишга эришилган.

Бундан ташқари, 50 минг тонна сифимли замонавий музлатичли омборхоналарда истеъмол ва уруғлик картошка сақлаш йўлга қўйилганлиги ҳисобига табиий йўқотиш 3-5 фойзни ташкил этимоқда.

Касалпиклардан ҳосил соғлом уруғлик картошкалар кўпайтишни йўлга қўйиш мақсадида Тошкент, Самарқанд, Наманганд Қашқадарё вилоятларида *in-vitro* лабораториялари ташкил этилиб, уруғлик картошка етишириш йўлга қўйилди.

Картошкачилик соҳасида дунёда 156 тадан ортиқ мамлакатларда ҳар йили 376,9 млн тоннадан ортиқ картошка етиширилиб, энг юрик ишлаб чиқарувчи давлатлар, жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Украина, АҚШ, Германия, Бангладеш, Польша, Франция ва Голландия давлатлари ҳисобланади. Ўзбекистон ушбу давлатлар орасида 23-уринни эгаллайди.

Республикамизда 2020 йилда барча тоифадаги хўжаликлирида 2,9 минг. тонна картошка етиширилди, шундан 1,5 минг. тонна фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига тўғри келади. Етиширилган ҳосилни 1,9 минг. тоннаси истеъмол учун, 550 минг тоннаси уруғлик учун ишлатилган.

Соҳага илмий-фан ютуқларини, замонавий етишириш технологияларини жорий этиш, маҳаллийлаштириш мақсадида илмий-тадқиқот институтлари томонидан илмий ишлар олиб борилмоқда.

Худудларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос, касалликка, иссиққа ва курғочиликка чидамли эртаки, ўртаки ва кечки юқори ҳосил берадиган навларини яратиш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган ва қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган картошканинг 131 та яқин навлари бўлиб, шундан, 19 та навлари

маҳаллий илмий-тадқиқот институтлари томонидан яратилган.

Кўп йиллик тадқиқотлар ва ҳамкорликлар натижасида бирин-кетин илмий ютуқларга эришила бошланди. Жўмладан, картошкани 11 та навлари ихтиро қилинди. Шу билан бирга, олимлар томонидан сўнгги 3 йилда 60 дан зиёд илмий мақолалар, шундан 15 таси нуфузли хориж журнallарида ва 10 тага яқин тавсияномалар чоп эттирилган.

Илм-фан-ишлаб чиқариш интеграцияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги ПҚ-5009-сон қарорига асосан Бўстонлик, Булунғур, Янгикўрон, Андижон, Олтиарик, Музработ, Мирзаобод туманларида сабзавот, полиз экинлари қаторида картошканинг бирламчи ургучилигини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ижросини таъминлашда белгилangan вазифалар амалга оширилмоқда.

Картошкачилик соҳасини ривожлантириш ҳамда янги навлар яратишида Бутунжаҳон картошкачилик Маркази (СИР) билан ҳамкорлика ишланмоқда ва ботаник уруғлардан картошка етиширишга катта ахамият берилмоқда. Хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш мақсадида хорижий давлатларда олим ва мутахассислар малакасини ошириш, тажриба алмасиш ҳамда инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти хузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Илмий изланишилар ва инновацион ишланмаларни молиявий қўллаб-куватлаш, картошка навлари селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

2021 йилда фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида жами 86,5 минг гектар майдонларда картошка экиш режалаштирилган, шундан, асосий майдонларга 50,7 минг гектар, боғ-ток қатор ораларига 3 минг гектар ва тақрорий майдонларга 32,8 минг гектар экиш белгилangan ҳамда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 3,2 млн. тоннадан (1,5 млн. тонна қишлоқ хўжалиги корхоналарида ва 1,7 млн. тонна дехқон хўжаликлари ҳамда аҳоли томорқа майдонларида) маҳсулотлар етишириш кўзда тутилган.

Эртаки картошка маҳсулотлари етишириш мақсадида фермер, дехқон ва тадбиркорлар томонидан асосий ва боғ-ток қатор ораларига белгилangan майдонларга картошка экинлари экиш ва уларни юқори ҳосилий уруғликлар билан таъминлашда бугунги кунда амалий кўмаклар берилмоқда. Бунинг натижасида аҳолининг картошка бўлган талабини қондириш ва ички бозорлардаги нарх-наволар барқарорлигини сақлаш имконияти яратилади.

**Фахриддин ҚИРГИЗБОЕВ,
Акмал МИРЗАЕВ,**
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Мева-сабзавотчилик, узумчилик, полизчилик ва картошкачиликни ривожлантириши бошкармаси.

СУВ ХЎЖАЛИГИДА ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯ УЙГУНИЛИГИ

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан соҳада илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш, илмий ютуқлар ва ноу-хауларни амалиётта жорий қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича 2018 йилда 6 та, 2019 йилда 15 та, 2020 йилда 25 та илмий-тадқиқот лойиҳалари амалга оширилди. Мазкур лойиҳалар доирасида 4 та ихтирога патент олинди, 8 та монография, 3 та ўкув кўлланма, Web of Science ва Scopus базасига кирган халқаро журналларда 150 дан ортиқ мақолалар чоп этилди. Илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари бўйича олинган натижалар сув хўжалиги тизим ташкилотларида амалиётта жорий этилди.

Ҳозирги кунда Сув хўжалиги вазирлиги тизимидағи Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида фаолият кўрсатा�ётган умумий ходимлар сони 110 нафарни, шундан илмий ходимлар сони 67 нафарни ташкил этади. Институтда 13 нафар фан докторлари ҳамда 20 нафар фалсафа доктори ва фан номзодлари фаолият юритмоқда, 16 нафар таянч докторант, 2 нафар докторант, 4 нафар стажёр-тадқиқотчи ва 15 нафар мустақил изланувчилар илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиб келмоқда.

2018-2020 йилларда институтнинг 19 нафар илмий ходимлари докторлик диссертация ишларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, илмий даражага эга бўлдилар, 4 нафар илмий ходимга профессор увони берилди. 2020 йилда 2 нафар тадқиқотчи Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясида сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Кейинги икки йил мобайнида институтнинг 17 нафар ёш илмий ходимлари Япония, Жанубий Корея, Россия, Хитой, Беларусь, Ҳиндистон, Германия каби чет давлатлардаги нуфузли илмий муассасаларда малака оширилдилар.

Ўтган 2020 йилдаги илмий фаолиятни таҳтил қиласидаган бўлсак, вазирлик хузуридаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот инститuti (ИСМИТИ) ҳамда Ахборот-таҳтил ва ресурс маркази (АТРМ), шунингдек, Тошкент ирригация

ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари инститuti (ТИҚХММИ) ва унинг Бухоро филиали томонидан ерлар мелиорацияси, насос станциялари ва энергетика, ирригация тизимлари ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда сувдан фойдаланиш йўналишларида 25 та илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари бажарилди.

Бундан ташқари, ИСМИТИда Инновацион ривожланиши вазирлигининг Даъват



илмий-техника дастурлари доирасида 2020 йилда 21 та илмий лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, 5 та фундаментал, 13 та амалий, ёш олимларнинг 2 та амалий ва 1 та инновация лойиҳалари доирасида тадқиқотлар бажарилди. Ўзбекистон Республикасининг сув хўжалиги ва мелиорация соҳалари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий-техника масалалари очилди. Шулардан асосийлари куйидагилар:

“Канал-насос станция” тизимини эксплуатация қилишда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида энергия тежамкор иш режимлари ишлаб чиқилди. Электр энергия йўқолишлари камайишини таъминловчи насос станция ва уларнинг барча энергия жиҳозларини эксплуатация режимлари такомилланадиган.



лаштирилиб, сув ресурсларини 7% гача ва талаб қилинаётган электр энергияни 1,5 фоизга камайтириш имконияти яратилди.

Йирик насос станцияларининг туташ иншоотларидаги аванкамераларни чўкин-

дилардан ҳимоя қилиш технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу технология амалиётга жорий қилиниши натижасида Амударё ҳавзасида фойдаланилаётган Йирик насос станцияларининг самарадорлиги 8-10% га оширилди.

Суғориш тармоқлари ҳамда гидротехника иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари учун кенг қўлланиладиган композит материаллар негизида арzon ва ресурстежамкор инновацион материаллар ишлаб чиқилди. Герметизация қилувчи битум-полимерланган материаллар ва гидроматлар, бетон материалларига кетадиган маблағларни 10-20 фоизга ҳамда сув ресурслари исрофини 6-7 фоизга камайтириш имконияти яратилди.

Ирригация тармоқларидаги каналларни томчилатиб суғориш тизимига мослаштириш технологияси такомиллаштирилиб, илмий ва технологик асослар ишлаб чиқилди. Ишланималар амалиётта татбиқ қилиниши натижасида томчилатиб суғориш тизимига сув етказиб берадиган ирригация каналларида беҳуда сарфланадиган сув ресурсларининг 5 фоизга қадар иқтисод қилинишига эришилди.

Паст босимли гидротехника иншоотлари заминларида оқувчанлик хусусиятига эга грунтлар мавжудлигидаги заминнинг уступорлигини таъминлашнинг хавфсизлик мезони ишлаб чиқилди. Юмшоқ грунтларда паст босимли гидротехника иншоотлари заминлари мустаҳкамлигини ҳисоблаш услублари тавсияномаси тайёрланди. Ишлаб чиқилган технология асосида иншоот заминининг мустаҳкамлигини таъминлаш иншоот остидаги фильтрацияни камайтириш ва унинг хавфли таъсирларини бартараф этиш, сарф-харажатларни 20-25% гача камайтириш имкониятини яратади.

Тошкент вилояти мағистрал каналлари сув ресурсларини гидрографик усул асосида бошқариш учун уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш усуллари такомиллаштирилди. Натижада тизимда сувни оператив равишида самарали бошқариш имкониятлари яратилиб, ирригация тармоқларидан ва манбадан олинадиган 5-7 фоиздан ошиқ сув ресурслари тежаб қолинди.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ буюртмасига асосан, “Тўпаланг” сув омбори ва унинг тўғони хавфсизлигини таъминлаш, Тўпаланг ГЭС кувватини 185 мВт га ошириш ҳамда

75 мВт кувватдаги Зарчоб ГЭС каскадини куришнинг илмий-техник параметрлари ишлаб чиқилди. “Тўпаланг” сув омбори сув ресурсларидан халқаро ICO ва ID стандартлари талабларига жавоб берадиган ичимлик суви ишлаб чиқаришнинг илмий-амалий тадбирлари ишлаб чиқилди.

Иrrигация мақсадларида қурилган ва фойдаланилаётган сув омборларини ирригация-энергетика мақсадларида фойдаланишинг “Хисорак” ва “Тўпаланг” сув омборлари мисолида илмий-техник ечимлари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Натижада сувдан фойдаланиш самарадорлиги 10-15 фоизга оширилди.

Шу билан бир қаторда, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти олимлари томонидан “Технолог” МЧЖК конструктор-мутахассислари билан ҳамкорликда барча бутловчи қысллари республикамизда ишлаб чиқариладиган ёмғирлатиб сугориш машинасини яратиш устида илмий-конструкторлик ишлари олиб борилиб, ёмғирлатиб сугориш машинасининг намунаси тайёрланди.

Ҳозирги кунда дунёнинг нуфузли илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда

грант лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жумладан, Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг Экология ва география институти билан ҳамкорликда “Иқлим ўзгариши шароитида Марказий Осиё суғориладиган худудларининг агромелиоратив параметрлари тадқиқоти” грант лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳани бажариш мuddати 2018-2024 йилларга мүлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда лойиҳа доирасида 1-босқич ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг Синьцзян филиали билан ҳамкорликда Хоразм, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида замонавий сугориш техника ва технологияларини жорий этишга қаратилган, умумий қиймати 175,0 минг АҚШ долларига тенг бўлган кўргазмали илмий-тадқиқот полигонлари ташкил этилмоқда.

Ушбу лойиҳа доирасида Сирдарё, Сардоба, Олтиариқ, Кармана, Косон ва Хонқа туманларида кўргазмали полигон ташкил этилди. Полигонларда инновацион сугориш техника ва технологиялари, сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланишда рақамли технологиялар,

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ноу-хаулар, тупрок унумдорлигини оширувчи ва шўрланиш даражасини камайтирувчи кимёвий-биологик препаратларнинг самарадорлиги ўрганилади. Шу билан бир қаторда, лоток сугориш тармоқларида деформация чокларини фольгоизол-праймир, эбоксид, эбоксид-каучукли композит материаллар билан мустаҳкамлаш ва таъмирлаш каби ишланмалар жорий этилди. Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган композит материаллардан тайёрланган лоток тармоқлари дала шароитида синовдан ўтказилади.

Амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари мамлакатимизда сув ресурсларидан самарави фойдаланиш, тежаш, сугориладиган ерларнинг сув таъминотини ошириш, шунингдек, сув ресурсларининг тақчиллиги шароитида сув хўжалигининг иқлим ва антропоген таъсирларга мослашишини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Сув хўжалиги вазирлиги
Матбуот хизмати.

ҲАР БИР ЁШГА БИР ГЕКТАР

лоийҳаси доирасида ёшларга ер ажратилди

ЛАВҲА

Яқинда Қўшқўпир туманида “Незахос” маҳалласида “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳаси доирасида семинар ташкил этилди. Унда туман ҳокими Ж.Раҳимов, туман халқ қабулхонаси мудири О.Бобоҷонов, МФЙ раислари, тегишли ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ёшлар иштирок этдилар. Ўша куннинг ўзида 6 ярим гектар ер майдони 21 нафар ишсиз ёшга 25 сотиҳдан ажратиб берилди.



Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, ўтказилган хатловлар натижасида туманда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 34366 нафар ёшлар аниқланиб, шулардан 3787 нафари ишсиз ёшлардир. Ёшлар муаммолари ўрганилганда эса, уларнинг 498 нафари тадбиркорликка ўқиш, 1131 нафари касб-хунарга ўқиш, 1071 нафари эса ўзининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кредит олиш истагини билдиришди.

Назокат МАШАРИПОВА,
Қўшқўпир тумани ҳокимлиги
ахборот хизмати раҳбари.

МАНГУБЕРДИ ИЗДОШЛАРИ

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жориййи йилнинг Ёшларни қўллаб-қувватлаши ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаши иили деб эълон қилиниши давлатимиз, жойлардаги ҳокимият идоралари томонидан ёшларга кўрсатилаётган эътиборни янада юқори погонага кўтарди десак муболага бўлмайди. Яқинда Хоразм вилоят прокуратураси томонидан Гурлан тумани ҳокимлиги ҳамда туман прокуратураси билан ҳамкорликда “Ёшлар билан бир кун” лойиҳаси доирасида ўтказилган бир қатор оммавий тадбирлар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мазкур тадбирлар доирасида аҳоли ва ёшлар иштироқида “5000 қадам” шиори остида юриш марафони ташкил қилиниб, унда 500 нафардан ортиқ аҳоли, шу жумладан, 400 нафарга яқин ёшлар иштирок этиши. “Янги аср” маҳалласида жойлашган Болалар мусиқа ва санъат мактабида ишсиз фуқаролар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркалари ўтказилди. “Шоддик” маҳалласида жойлашган мактабда эса “Спортни сев, спорт билан яша” шиори остида спорт тадбирлари ташкил қилинди. Тадбирда спортнинг стол тенниси, волейбол, шахмат, футбол ва бадиий гимнастика турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Шунингдек, мактаб худудида ташкил қилинган сунъий қопламали спорт майдончасини очиш маросими ўтказилди.



Бундан ташкари “Ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш”, “1+1” лойиҳасини амалга ошириш ва “Тадбиркорлик туризми”ни ташкил қилиш жараёнига ёшларни жалб қилиш мақсадида ёшлар “Малика Текс” МЧЖ ва “Гурлан экспорт” МЧЖ фаолияти билан танишдилар. Шунингдек, ёш-

ларнинг бандлигини таъминлаш учун Гурлан тумани Саҳтиён қишлоғи “Обод” маҳалласидаги “Бозор томат пастаси”




МЧЖ фермер ҳўжалиги худудидан “Обод” ва “Саҳтиён” маҳаллаларида яшовчи 38 нафар ёшларнинг ҳар бирига 0.25 гектардан, жами 9.5 гектар ер майдони ажратиб берилди.

Шунинг билан бирга, 13-сон Оилаский поликлини-



ган тиббий қўрик ўтказилди. Тиббий қўрикда вилоят марказидан “Мобил поликлиника” ва Гурлан ТТБдан: ЛОР,



офтальмолог, хирург, педиатр, онколог, эндокринолог, гематолог, психиатр, теританосил касалликлари, кардиолог, невропатологлар каби тор мутахассислар



жалб қилиниб, 163 нафар аҳоли тиббий қўрикдан ўтказилди. Тиббий қўрик натижасида 130 нафар фуқарода турли назологик касаллик аниқланиб, уларга амбулатор



ва стационар шароитда даволаниш учун ўйлланмалар топширилди. Жумладан, 2 нафар фуқаро вилоят тибиёт муассасаларида ётиб даволаниш учун белуп ордер билан таъминланди, 4 нафар ҳомиладор аёлларга Витрум пренатал комплекс витамин дори-дармон воситалари ва Антиструмин дориси, 60 ёшдан ошган 7 нафар фуқарога эса кальций препарати тарқатилди.

“Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” мақсадида 34 нафар ёшларнинг Шовот туманидаги 49093-сонли ҳарбий қисмга саёҳати ўюширилиб, ҳарбий қисмдаги шароит билан яқиндан таништирилди.

**Шукуржон СОДИҚОВА,
уз мухбиримиз.**

ҚИШЛОҚ АЁЛИ — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Қизлар борар, сулувлар борар, бу дунёнинг оқлигини кўтарганча бошида... Этаклардан тўкилади мисқоллаб-мисқоллаб терилган “оқ севинч” - умид... Юракда ёнишлар, хонишлар... Юракда ёқимли гулгула... Хирмонларда юксалади мисқоллаб-мисқоллаб тўкилган “оқ ўқинч” - армон.... Оппоқ-оппоқ чаманларга қоришиб кетади туйгулар....



ўсиб-униб келаётган қарокўзларининг шодумон, бекаму кўст улғайиши, баркамол вояга етиши учун бир жони минг ҳалак, ўн бармоғи ўн ҳунар, кези келганда қорнинг ҳам қаловини топгувчи удир! Ўзбек аёлининг бу фазилатларини чуқур билган ва эъзозлаган **Мұхтарам Юртбошимиз томорқадан мўл ҳосил олиш деган эзгу ғояни ўртага ташлаганларида, айнан, опасингилларимизнинг куч-кудратига, ишбилармонлиги ва уддабуронлиги-га таянганига шак-шубҳа йўқ.**

Ана шундай тиниб-тинчимас аёллардан Хонқа тумани “Олажа” қишлоғида истиқомат қилувчи Анбарой Раҳимова ўз томорқасида иссиқхона ташкил этиб, меҳнати орқасидан давлатимизнинг олий мукофоти — “Дўстлик” ордени билан тақдирланган бўлса, кўшқупирлик Наргиз Вапаева Ўзбекистон Дехқон ва фермерлар Кенгашининг “Намунали томорқа эгаси” кўкрак нишонига сазовор бўлиб, бу икки замондошимиз қишлоқ аёллари учун илҳом ва иштиёқ тимсоғига айланишиди.

Биласиз, кейинги уч-тўрт йилда Истиқолимиз карвони қадамларига шиддат инди, шаҳд инди. Шиддатли янгиланишлар, оламшумул ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳам жадал кириб келди. Биз энди олдинлари унча эшитмаган “кластер усули”, “кластерлар” деган сўзларни деярли ҳар куни бот-бот эшитадиган бўлдик. Айни кунда вилоятимизда пахтачилик соҳасида 11 та кластер корхоналари мавжуд бўлиб, уларда опти мингдан зиёд элдошимиз иш билан банд.

Татбиқ этилиш арафасида турган янги лойиҳалар ишга туширилгач, яна ўн бир минг иш ўрни яратилиши эвазига тизим салоҳияти саккиз баробарга, экспорт потенциали етти баробарга ошади, ишчи ўринлари сони эса ўн етти мингга етади.

Янгиланаётган Ўзбекистонимизда яқин йилларда ҳар бир соҳада шундай силжишларга эришиладиган бўлса, юртимизнинг эртанги қиёфасини, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини, алал-оқибат халқимиз фарновонлиги ва турмуш даражасининг юксалиш манзараларини тафаккур кўзи билан илғаш, тасаввур қилиш зукко муштариж учун унчалик қийин бўлмаса керак.

Қишлоқ аёлининг шукири, шукронаси ҳам шунда!

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
Маданият ходими,
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибаси.

Азиз муштариж, нигоҳингиз сатрлар узра сирғалар экан, ишончим комилки, кўз ўнгингиздан уфқларга тулашган пурвикор далалар, оқденгиз каби чайқалган пахтазорлар, елкасига бир қанор паҳта ортиб, дала қирғоғига ошиқаётган ўзбегим қизлари, күёш билан ранг талашган паҳта хирмонлари ўтган бўлса не ажаб...

Ҳа, бу манзаралар жаннатмонанд, бағри кенг, бепоён Ўзбекистонимиз қиёфасидан узилган бир парча сурат, ўз юртими бойликларга чулғаётган қишлоқ аёлларининг меҳру муҳаббати, ғайрат-шилоати, заҳмату саботининг саховатли куз қўйинидаги ҳаётидан бир тутам чизгидир, холос...

Ўйга чўмасиз... Яқингина ўтмиши мизда, бундан атиги ўттиз-қирқ йиллар олдин, шўро ҳукуматининг таъқиб ва тазийекли мағқураси дала аёллари бошига не-не кулфатларни согланини ҳикоя қилсангиз, бугунги авлодга гўё эртак-афсона тўқиётгандек кўринасиз... (Сўзимиз аввалида паҳтага бирда “оқ севинч”, бирда “оқ ўқинч” дея нисбат берганимиз ҳам шундан)

Ва не баҳтки, халқимизнинг, жафо-каш ўзбек аёлининг асрый орзуларини ушалтирган, аждодларимиз юрагида дард тутиб ётган армонлар ҳомиласидан туғилган нурли қисмат — Истиқлол бугун қишлоқ аёли пешонасидаги терларни артиб, нозик елкасидаги залворли юклардан халос этди, икки қўлуни оғир юмушлардан бўшатди... Уни эъзоз, ҳурмат ва мартабанинг баланд пиллапояларига олиб чиқди.

Келинг, фикримиз далили сифатида Хоразм аёлларининг Мустақиллик баҳш этган бебаҳо имконлар саодатидан нечоғлик баҳрамандлигини изоҳлаш учун қишлоқ хўжалиги соҳасида баъзи рақамларни келтирсак.

Бугунги кунда вилоятда аёллар бошқараётган фермер хўжаликлари сони 289 тани ташкил этиб, уларга жами 10 851 гектар ер майдонлари ажратилиган. Қувонарлisisи, фермер хўжаликлари раҳбарларининг 20 нафари қонида, жонида оқила, солиҳа момолардан ўтган заковат, жасорат, ғайрат-шилоат барқ уриб турган 30 ёшгача бўлган ёш қизлардир.

Улар мамлакатимизда фермерлик ҳаракати бошланган даврнинг илк қалдирғочлари сафида эл-юртга танилган, ҳосилдорликда бирор йили маррани бой бермаган Янгибозор туманидаги “Хушнуд” фермер хўжалиги раҳбари “Шуҳрат” медали соҳибаси Солияжон Матёқубова, Боғот туманидаги “Дилшода-Дилшодбек-Манзура” фермер хўжалиги раҳбари Ханифа Маткаримова, Янгибозор туманидаги Достонбек” фермер хўжалиги раҳбари Омонжон Холмурадова, Урганч туманидаги чорвачиликка ихтисослашган “Тўмарис нур” фермер хўжалиги раҳбари Мақсадуда Абдуллаева сингари илғор фермер опалардан ибрат олиб, дилларига улкан мақсадларини тукканлар. Дунё халқларини катта ташвишга қўйган пандемия туфайли бутун инсоният учун синовли келган 2020 йилда йил бўйи бу матонат соҳибаларининг далаларида иш тўхтамади. Натижада, йил якунлари бўйича Солияжон опа, Ханифа ва Омонжон опаларнинг Ўзбекистон Республикаси Дехқон ва фермерлар Кенгашининг “Илғор фермер” кўкрак нишонига сазовор бўлишгани ёш фермерларнинг кўзларини ҳавас ва интилиш учкунлари билан янада чақнатиб юборди.

Оила ўчогининг бекаси саналган ўзбек аёли боғбон ҳам, миришкор ҳам бўлиб кетаверади. Чунки, рўзгори обод,

Инсон умрини оқар дарёга ўхшатишади. Ташбех ўринли, табаррук заминда яшаётган инсон ҳам жўшқин дарё сингари доимо шошиб, улгурни қолмоқ ниятида кечган умридан қаноат қилмай, ўша узоқ, аммо машақатли довонлардан ошишга шошаверади. Қарабисзки, сочларида оппоқ қор сингари ҳаёт чизиқларининг бегубор маҳсулни униб чиқади...

— Мен даламга шошавераман, ўша томонлардан Раънохон опа тезроқ келинг деган овоз келаётгандай гёй, — дейди Уйчи туманидаги “Барногул — зиёфат” фермер хўжалиги раҳбари Раънохон Қориева. — Баъзан тушларимда ҳам кўраман. Мен далада туғилдим, шу замин менини, унинг ҳар бир қаричини авайлаб-асраси виждан амрига айланган. Эрта баҳордаги юмушлар анча мураккаб. Ахир баҳордаги меҳнат кузда ўз натижасини беради.

Унинг қабоқларидаги чизиклар ёшига нисбатан анчагина фарқ қиласди. Сабаби виждони поклиги, ёмонликдан йироқлиги, мөхрибон налиги, камтар устозлиги, ўзини ва ўзгаларни хурмат қила олишидай олийжаноб фазилати борлигидан бўлса не ажаб.

— Инсон дунёга келади, қаҷондир Аллоҳнинг ҳузурига боради, унинг саволларига жавоб берга оладими? Гуноҳлари бисёрми? Ана шуларни ўйлаб яшаш ҳар барчамизга насиб қилишини истайман, ёмонларга эса инсофтилайман, — дейди фермер.

Мен Раънохон билан бир пиёла чой устида узоқ гурунглashedим, унга боқиб ҳавас қилдим.

Ҳар йили режаларни ортиғи билан бажариб атрофдагиларга намуна бўлаётган фермер 2020 йили 62 гектар пахта майдонидан 42 центнер, 58 гектар ғалла майдонидан 75 центнердан ҳосил йигиб олиди. 5 сотихдаги иссиқхонасида бодринг, помидор, кўкят алмашлаб экиб, ишчилари билан баҳам кўради, ортиғ қолганини эл дастурхонига арzon нарҳда сотади. Ўғли Маъмуржон, қизи Барнохон бўлғуси шифокор. Уларга ҳам замин тайёrlаб қўйяй деб клиника очиши режалаштириб қўйиби.

— Техникаларим етарли, ишчиларим аҳил-иноқ. Техника қанот бўлса, барака аҳилликда, — дейди Раънохон.

Ўзим аёл бўлганлигим боис қаерга бормай, аёл қаҳрамон қидираман, унинг шиҷоатли, залворли феъл-атворини билгим, замондошларимга мақтангим келаверади. Мана яна ўша мен излаган аёллардан бири, Тўракўғон туманидаги “Каримжон Ёкубжон саҳовати” фермер хўжалиги раҳбари Юлдузхон Каримова.

Елиб-югуриб, “элим, юртимга нафим тегсин” қабилидаги ҳаракатларига тасаннолар айтгувчи қишлоқдошлари, туман раҳбарлари тавсия қилишиди.

— 2015 йили фермер бўлибдики, изланишдан тўхтамайди, бобо-дехонлардан билмаганларини ўрганиди, — дейди туман Фермерлар кенгашида фаолият юритувчи мутахассис Рустамжон Фаниев.

— Биз уни иш жараёнинда турли режалар билан шошиб кетаётганида учратдик.

— Узр, озгина вақтингизни оламиз. Сиз каби фидойиларни намуна қилиб ёзсан, кўрсатсан дегандик.

— Майли, майли, — дея саволларимизга камтарона жавоб қайтарди.

2020 йили 40 гектар пахта майдонидаги, 55 гектар ғалла майдонидаги ҳосиллар баракали бўлиб, берилган режаларни ортиғи билан бажариби.

— Ҳар йилги даромадимиздан қишлоқдошларим узоғини яқин, оғирини енгил қиласай деб дориҳона, новвойхонани ишга туширдик, — дейди Юлдузхон. — Мана сиз кўриб турган чойхонани бошқа кўринишга кептириб 100 ўринли болалар боғчасига ай-

лантирияпмиз. 15 нафар хотин-қизлар иш билан банд бўлишади. Худо насиб қиласа, Наврўз байрамига қадар очиш ниятимиз бор.

— Сизни чорвачилликка ҳам қизиқади деб эшитдим.

— Ҳада, туман Ҳалқ банкидан кредит олиб, 30 бош қорамолларни Германиядан келтирдик. Қандай бўлса, шундайлигича асраб-авайлаб, парваришлаб кўпайтияпмиз.

— Қилаётган ишларингиз оғир, аёлсиз, қийналиб қолмайсизми?

— Аспо, ўғлим Баҳромжон, механизаторимиз. Улугубек ва бошқа уста-шогирдларим бисёр, улар менга маслаҳатчи, ёрдамчи.

— “Шовот” номли қишлоқдан туман Кенгашига депутат бўлиб сайланган Юлдузхондан қишлоқ аҳли хурсанд. Уни соғлиги учун, ишлари бароридан келсин, дея қариялар дуода.

Биз ҳам омад тиладик, кўз тегмасин дея, Худодан сўрадик.

Ушбу туманда яна бир фидойи, шиҷоатли фермер бор дея, йўл бошлари ҳамроҳим Рустамжон.

“Тегирмон сарбони” номли фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммадғоғур Ҳакимовнинг дала шийпонига бордик, сұхбатлашчик. Шийпоннинг ўзи бир олам. Иссик суви, совук суви бор, бир неча хонадондан иборат ажойиб дам олиш маскани. Тартибинизомни хуш кўрувчи фермер далаасига ҳам меҳри ўзгача.

— Шу даладан ризқу-насиба теряпмизми, ерни увол қилишга ҳаққимиз йўқ, — дейди у. — Она заминни асрба-авайлаб, вақтида маҳаллий ва минерал ўғит берсақ, бегона ўт ва ҳашаротлардан ҳимоя қила олсан кутилган натижасини оламиз.

2020 йилдаги ҳосил ҳам чакки эмас, 78 гектар пахта майдонидан 42 центнер, 77 гектар ғалла майдонидан 72 центнердан ҳосил йигиб олган.

— Келгусида ўғлим Жасурбек билан маслаҳатлашиб кичик корхона очиш ниятида иш бошлагандик. Бинолар битди, яқин орада очилди, келинг. — Нималар ишлаб чиқармоқчисизлар?

— Қандолатчилик, тикувчилик, сартарошхона, новвойхона ва бошқалар, қишлоқдошларимиз талаб-истакларига қараб кўпайтираверамиз, — дейди қаҳрамонимиз. — 12 гектар жойда балиқхонамиз ҳам бор.

Бир фермерга шунча иш оғир эмасми?

— Қаноат, ақл, шиҷоат бўлса, дўстлар ёрдамида эришса бўлади.

Чорток туманидаги “Чорток Фарғона миришкори” номли фермер хўжалиги раҳбари Дониёр Одилов ҳам ёш бўлишига қарамай изланувчан, меҳнаткаш. Дадаси Давронбой акадан меҳнат сирларини, дала юмушларини ўрганди, маслаҳатлари билан раҳбарлик сирларини билип олди.

2020 йилда 110 гектар ғалла майдонидан 70 центтердан, 20 гектар пахта майдонидан 45 центнердан ҳосил йигиб олиб туман фермерлар орасида илфорлар сафидан ўрин олгани айни ҳақиқат.

— Келажакдаги мақсадларингизни билмоқчиман.

— Худо насиб қиласа кўп тармоқли фермер бўлиш ниятим бор, — дейди Дониёр. — Туман Агробанкидаги раҳбарлар билан маслаҳатлашиб Қозогистондан 200 бош қўй олиб келмоқчиман. Бог, балиқхона яратишни ҳам режага киритганимиз.

АЗИЗ МУХЛИС, МЕН СИЗЛАРГА ҲИКОЯ ҚИЛГАН ФЕРМЕРЛАР САХИЙ-САҲОВАТДА ҲАМ ЎРНАК. ФАҚАТ УЛАР ЎН КЎЛИНГ БИЛМАСИН ДЕГУВЧИ, ПОК ҚАЛБЛИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ.

Раъно ТОЖАЛИЕВА.

Суратда: “Каримжон Ёкубжон саҳовати” фермер хўжалиги раҳбари Юлдузхон Каримова.

Бугунги кунда фермерларни бўғини деб баралла айтишимиз мумкин. Улар мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин эгалламоқда. Дехқончилик маданиятини оширишда ўзларининг ҳиссаларини қўшаётган марду майдонлар десак, хато қилмаган бўламиз.

Самарқанд вилояти мулкдорларининг айни кунлардаги фаолиятини ўрганиш, муҳлисларга таништириш ниятида ўйлга отландим. Вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармасининг мутахассислари Сирожиддин Самадов, Анвар Бекбоевлар билан бирга Пахтачи туманида бўлдик. Ушбу тумандаги “Асқар Баҳтиёрович” номли фермер ҳўжалиги раҳбари Ислом Асракуловни ҳамроҳларим кўп тармоқли фермер ҳўжалиги раҳбари дея таништириши. 50 гектар пахта майдонидаги юмушлар аллақачон бошланиб кетган, яхоб суви берилиб, текисланган тупроқ чигит экишга шай ҳолда. 32 гектардаги ғалла майдони эса далага чирой бағишлаб, ям-яшил либосда бўй чўзмоқда. Кўрсангиз ҳавас қиласиз.

2018 йили Германиядан 33 бosh қорамол келтирган эдик. Шу йиль январ ойида яна шундай моллардан 65 тасини олиб келдик. – дейди Исломжон. – Айни вақтда қорамолларниг жами сони 150 бозни ташкил этмоқда.

1 гектару 30 сотих ердаги иссиқхонада бодринг ажойиб тароватда шифиллаб, кўзни кувнатади. Буларга қарай туриб, Исломжонга савол бераман:

Даромад ҳам шунга яраша бўлса керак?

Албаттага, ризқу насибага яраша. Биз акаларим Аброржон, Илҳомжонлар билан биргалиқда меҳнат қиласиз.

Барака аҳиллика. Исломжоннинг дадаси Баҳтиёр aka уста деҳқон, бригадир бўлиб ишлаган, ер билан тиллашиб, диллашиб юрадиган ажойиб инсон, – дея таърифлашибди қишлоқдошлари.

Камтар, камсуқум, меҳнатсевар Асракуловлар билан билан хайрлашиб, кўшни фермерлар билан танишмоқ ниятида ушбу тумандаги “Мирзаев Шуҳрат Кенжаевич” фермер ҳўжалиги раҳбари Шавкатжон Мирзаевнинг ҳузурига шошилдик. Қаҳрамонимиз бизни иссиқ қалб, аъло кайфият билан кутиб олди. Кўнгли очиқнинг йўли ҳам очиқ, деб бекорга айтишмаган доно ҳалқимиз. Ҳикоя қилмоқи бўлаётганимиз ушбу йигитнинг ишларига туманингина эмас, вилоятнинг уни таниган ҳалқи унга тасаннолар айтиётгани айни ҳақиқат. 45 гектар пахта

ИЗЛАНГАННИНГ ИМКОНИ КЎП

майдони экишга шай, чиройли кўринишда. 32 гектарлик ғалла майдонидаги бўғдой майсалари кун сайн эмас, соат сайн ўсмоқда. Сабаби, меҳр, меҳнат, ақл, сабротқат, фаросат бўлса, не ажаб.

Ҳар йили пахта ва ғаллани алмашлаб экамиз, режаларимизни ортиги билан бажариб келяпмиз, – дейди фермер. – 2017 йили Белоруссия давлатидан 100 боз қорамол олиб келган эдик. Айни кунларда уларнинг сони 200 тани ташкил этмоқда.

Сизни “Саховатли инсон, кам таъминланганларга сигир, ун ва бошқа нарсалар тарқатишади” деб мақташди.

Опа, дилдан чиқкан ҳомийликлар айтилмайди.

Баракалла, эр йигитнинг жавоби.

Айни кунда бир суткада 120 тонна бўғдойни қайта ишладиган ун заводи ҳам куриб битказилиб, эл-юртга арzon нархда сифатли ун тарқатилмоқда. Ортиб қолгани кўшни мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Мақтаниши хоҳламай, жимгина турган Шавкатжонни секингина сұхбатга totamiz.

Кутубхона ҳам ташкил этилиб, инновацион лойиҳалар асосида безатилганини кўриб, гувоҳ бўлиб турибмиз. Қанча китобхону қанча китобларингиз бор?

Опа, санаганимиз йўқ, кун сайн кўпайтиряпмиз.

Бу ерда жуда кўп китоб бор, кутубхона каттагина. Китоблар ажойиб тартиб билан таҳлаб кўйилган, биз ҳам кириб, китоб ўқиб турамиз, – дейди туман фермерлари кенгаши раҳбари Баҳтиёр Ўрунов.

Бир қанча инсонларни иш билан, маош билан таъминлаб, ўзининг ҳам даромади бисёр бўлаётган қаҳрамонимизга омадлар тилаб хайрлашдим.

Пахтачи туманидаги саёҳатимиз давом этар экан, ажойиб, ишбилармон, ўз дили орқали ернинг тилини биладиган фермерларимиз борлигидан завқландик.

“Мирзаев Шуҳрат Кенжаевич” номли фермер ҳўжалиги раҳбари Шавкат Мирзаев ҳам ўзига яраша ижодкор, меҳнатсевар, изланувчанлигини эштиб, унинг балиқчилик тармоғидаги фаолияти билан қизиқиб қолдик ва унинг ҳузурига йўл олдик. “Балиқ-Ал-Саид” номли фермер ҳўжалиги раҳбари Дишод Каримовнинг айтишига кўра, унинг балиқчилик соҳасидаги фаолияти 2010 йилда 21 гектар майдонда бошланган атрофидаги Ўрмончилик ҳўжалиги қарамоғида бўлган ерларни аста-секин туман раҳбарлари билан келишган ҳолда тозалаб, юзага келтирган ҳовузнинг ҳажми буғунги кунда

75 гектарни ташкил этмоқда.

Айтишга осон, катта майдонда олий сифатли балиқ етиштиришнинг ўзи бўлмайди, – дейди Дишод. – анча-мунча қарама-қаршиликларга, зиддиятларга дуч келдик. Аммо давлатимиз раҳбарининг балиқчилик ҳўжаликларини ривожлантириш бораси да ги ташаббусларига қатъият билан таянган ҳолда ишлайвердик.

Яқинда семинар ҳам ташкил этибисиз?

Семинар яхшиликка, меҳр-оқибатга умид қилиб, билмаганларни ўрганиб, билгандарини намуна қилмоқ ниятида ўтказилди.

2021 йил 14 март куни ташкил этилган семинарга Қозогистон, Қирғизистон, Россиянинг айрим ўлкаларидан ҳамда республикамизнинг балиқчилик соҳасига қизиқсан вакиллари ташриф буюриди. Ҳамма курсанд, фаол, анжуман қизиқарли таклиф ва тортишувлар асосида ўтди, – дейди туман ҳокимининг қишлоқ ҳўжалиги бўйича ўринбосари Голиб Абсанов. – айни кунда балиқхона учун ажратилган 75 гектар ерлар тозаланиб, гўнг солинмоқда.

Гўнгнинг хосияти, аҳамияти нимада? – сўрайман мен. – Ер юмшайди, балиқлар учун ем хисобланадиган айримчувалчанглар ва бошқа ҳар хил фойдали ўтлар кўпяди. бу каби тўйимли овқатлар ҳисобига балиқлар сони кўпаяди, сифати яхшиланади.

Сизнинг сув ҳавзангизда қандай балиқлар мавжуд?

Ҳавзамизда карп, зоғора, оқ дўнгпешона, чипор, оқ амур, Вьетнам карпи, карпкор, Вьетнам телапеяси ва яна шунга ўхшаш бир қанча балиқ турлари парваришиланмоқда.

Шогирдларингиз бисёрми?

1.5 мингдан зиёд.

Мазкур туман худудидан чиққач, Ургут туманидаги “Мулла қишлоқ насл черв” фермер ҳўжалигига ҳам кўп яхши ишлар бажарилаётганигина ва унинг раҳбари Сирожиддин Султонов ҳам қизиқувчан, ўз соҳасининг миришкори эканлигини эштиб, ўша жойларда ҳам бўлдик.

180 боз Австрия қорамолларимиз бор, – дейди фермер. – Уларни рацион асосида парваришилайпмиз. 94 гектар ер майдонига озуқабон экинлар эканмиз. Туманимиз раҳбарлари бизга қўшимча сифатида яна ер ажратиб беришса, моллар сонини кўпайтириб, элимиз дастурхонига кўпроқ сут ва гўшт маҳсулотларини етказиб берган бўлур эдик.

Орзуларингиз амалга ошсин!

Ўз мухбирумиз.

ЎЗБЕКНИНГ БЕК БОЛАСИ

**Фарғоналиклар азалдан
декончиллик сир-асрорларини
пухта ўзлаштирганларини сабаб,
доимо республикамиз қишлоқ
хўжалик ходимлари орасида ўз
ўрни ва мавқеига эга.**



Айниқса, Бешарик тумани фермер хўжаликларининг бугунги кунда қўлга киритаётган ютуқлари диккатга сазовор. Туманинг асосий экин майдонлари чўл ва дашт худудларида жойлашганлиги сабаб бу майдонларга уруф экиб, юқори ҳосил кўтариш дехқондан узоқ йиллик меҳнат ва тажриба талаб қиласди.

— Туманимиздаги 185та фермер хўжалиги аъзолари 20960 га экин майдонида меҳнат қиласди — дейди туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлигини агротехникалар бўйича ўринбосари Элдоржон Нормуродов. — Жорий йилги ҳосил учун 9314 гектар майдонга ғалла экиб, айни кунларда ўғитлаш ишларини олиб бораётган бўлсак, 7995 гектар майдонга пахта уруғларини қадаш учун ҳаракатларни бошлаб юборганимиз. Туманимиз фермер хўжаликлари раҳбарлари замон билан ҳамнафас олға интилишмоқда. Жорий йилда кўптармоқли хўжаликларда бўш ишичи ўрни янада ортиб бориши кутилмоқда. Чунки, хўжаликлар ўз фаолиятларини янада кенгайтириш устида иш олиб бормоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш имзимки, юртимизда ёш фермерларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сабаби, ушбу машаққатли касбни давомчилари ёшлар. Кўплаб ёшларимиз мана шу эътибор сабаб ўз лойиҳалари билан туман ҳокимиятига мурожаат қилишмоқда. Шундай ёшларимиз бири “Иномжон Абдумалик” ғаллачилик кластери раҳбари Алибек Абдумаликов. Бу йигитни туманимиз фермерлари ҳазил аралаш “Ўзбекнинг бек боласи Алибек” дейишади. Эндиғина 28 ёшга тўлган бўлса-да, ўзини

ғайрати, интиливчанлиги ва уддабуронлиги билан ажralib туради.

— Болалигим ғалла ва пахта майдонларида ўтган,— деб гап бошлади Алибек. — Бобом Иномжон Абдумаликов 2006 йили 56 гектар экин майдони билан фермер хўжалигини ташкил қиласди. Бу орада Тошкент Аграр университетини иктисад факультетини тамомлаб, 2015 йил “Ohangaron Chichken Industriy” корхонасида иш бошладим. Қишлоқка келганимда бобом экин майдонларига етаклаб бориб, ғалла ва пахта кўчатларини кўрсатди, “Ҳосилни бор қиласиган, фермерни эътибори” деб соатлаб дехқончиллик сир-асрорлари ҳақида сўзлаб берарди. Бобомнинг менга бўлган эътибори сабаб 2017 йил қишлоғимга қайтиб келдим ва хўжалик раҳбари сифатида иш бошладим. Экин майдонларимизнинг 20 гектари шўрланиш юқори бўлганлиги сабаб пахта ва ғалладан ҳосил олишнинг имкони йўқ эди. Шунинг учун йиллар давомида шоли экиларди. Мана шу майдонларда агротехник тадбирларга алоҳида эътибор қаратдик. Заканлар қазилиб, маҳаллий ўғитга куч бердик. Натижা ёмон бўлмади. Икки йил деғанда ер ўз ҳолатини тиклай бошлади. Ўтган 2020 йил ҳосили учун 175 гектар экин майдонига ғалланинг маҳаллий Давр навини экиб, ҳар гектар майдондан 75 центнердан ҳосил кўтариша муваффақ бўлдик. 55 гектар майдонга экилган Наманган-77 навли пахтамиз ҳам 40 центнердан ҳосил бериб, халқимиз олдида юзимизни ёруғ қиласди. Албатта, мана шу олинган даромадлар ҳисобидан 12 нафар доимий ишчимизга ҳар ой ўртача

4 млн сўмдан, 44 нафар мавсумий ишчиларга эса 2 млн сўмдан маош тарқатдик. Намунали дала шийпонимизда қозонимиз 2 маҳал қайнади. Кам таъминланган оилаларга, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларга моддий ёрдам кўлини чўздиқ. Фермер факат ғалла ва пахта ҳосилини кутиб яшаса, унинг фаолиятида орта чекиниш кузатилиши барчага маълум. Шунинг учун хўжалик таркибида кўшимча хўжалик ташкил қилиш мақсадида 2017 йил “Ёшлар келажагимиз” дастури асосида имтиёзли 200 млн сўм кредит олиб тухумга ихтисослашган Ломан-Сенди зотли 5000 бosh жўжа харид қилиб парваришлай бошладик. 5 нафар қишлоғимиз ёши астойдил меҳнат қилишиб. Натижা ҳам ёмон бўлмади. Ҳозирги кунда 15000 бosh жўжани 12 нафар доимий ишчи билан парваришлайпмиз. Техника – дехқоннинг қаноти. Йиллар давомида замонамизнинг олди қишлоқ хўжалик техникаларини харид қилиб келдик. Айни кунларда хўжалигимиз техникалари кўшини фермер хўжаликларининг экин майдонларида шартнома асосида хизмат кўрсатяпти. 2021 йил мен учун ҳам, хўжалигимиз аъзолари учун ҳам муваффақиятли келди. Сабаби, худудимиздаги 15 нафар фермер хўжалиги билан келишган ҳолда “Иномжон Абдумалик” ғаллачилик кластери ташкил қиласди. Айни кунларда 927 гектар майдонда парваришланаётган ғаллани ўғитлаш ишларини амалга ошироқдамиз. Март ойи юртимизда байрамлар ойи. Шу фурсатдан фойдаланиб ҳурматли аёллар, қизларимизни Халқаро хотин-қизлар куни билан ҳамда барча юртдошларимизни Наврӯзи олам билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Хаётин оқар сувга менгзашади. Инсон ҳам шу ҳаёт гаштини сурар экан, ўзидан яхши ном қолдириш учун ҳаракат қиласди. Алибек гарчи ёш бўлсада, олдига қўйган мақсади катта. Келажакда янги-янги цехлар қуриб, янада кўплаб қишлоқ ёшларини доимий иш билан банд қилиш, ўз маҳсулоти билан дунёга танилишни мақсад қиласди.

**Каримжон ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.**

Суратда: “Иномжон Абдумалик” ғаллачилик кластери раҳбари Алибек Абдумаликов.

“ШОББОЗ”НИЙГЕ БУГУНГИ КАМОЛИ

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманиндағы “Шоббоз” ММТПси кейинги йилларда қишлоқ хұжалигининг барча тармоқлари жадал ривожланаётган жамоалардан бири ҳисобланади. Айниқса, буни етакчи тармоқлар – пахтачилик, ғаллачилик, чорвачиликдан олинаётган маҳсулотларнинг йил сайин кескин күпаяётгандықтан күришими мүмкін.

Шоббозлар ўтган йили 890 гектар ер майдондаги пахтадан 2600 тоннадан күпроқ хомаше жамғаришиб, бу борадаги режаларини туманда илғорлар қаторида уddyлладилар. Ҳар гектар майдондан олинадиган ҳосил миқдори ҳам анча ошди. 261 гектар майдонни әгаллаган бүгдейдан 1000 тоннага яқин дон жамғарилди. Жамоада қишлоқ хұжалигининг бошқа тармоқлари – чорвачилик, полиз-сабзавотчилик, боғдорчилек, балиқчилик соҳаларидан ҳам күнгилдагидек ҳосил күтарилди. Құлға киритилган бу муваффакиятларда “Шоббоз” ММТП худудидагы “Рахматулла Чаман”, “Еқубов Жонибек”, “Үсқинов Құдрат”, “Жавохир-Шарофхон” фермер хұжаликлари аъзоларининг ҳиссалари катта бўлди. Бу жамоаларда етиширилган ҳосил ҳар гектарга 40-50 центенерни ташкил қилди. Режалар ҳам шунга яраша 120-130 фоизга уddyлланди.

Шуни алоҳида таъқидламоқчимизки, қўлға киритилган муваффакиятлар билан чекланмаётган хұжалик дәхқонлари 2021 йил ҳосилига ўтган йилдан қизғин киришдилар. Пахтачилик учун ажратилган 890 гектар ер майдони чукур шудгор қилиниб сугорилди. Дала бошига ҳар йилгига қараганда мўл-кўл маҳаллий ўғит ташиб келтирилди. Ички сугориш шоҳобчалари қазилиб, лойқадан тозаланди. Чигит қадашда фойдаланиладиган техника воситаларини таъмирлаш эрта поёнига етказилди.

Маълумки, Қорақалпоғистонда, жумладан, Беруний туманида март ойининг иккинчи ўн кунлиги табиии жиҳатдан жуда оғир бўлди. Кетма-кет ёқкан ёмғирлардан сўнг қалин қор ёғди. Лекин шоббозлик дәхқонлар табиатнинг бу ўжарлиги олдида довдираф қолмадилар. Азamat фермерлар ерларга оби-ҳаёт таратиш, маҳаллий ўғит тайёрлаш ишларини бир зумга ҳам пайсалга солмадилар.

Фидокорона мөхнат ўз самарасини кўрсатди “Шоббоз” ММТП худудидаги фермер хұжаликлари шу кунларда эрта тобга келган ер майдонларига чигит қадашни бошлаб юбордилар.

Шунинг билан бир қаторда, фермер хұжаликлирида 261 гектарни әгаллаган кузги бүгдей майдонларини парваришилаш, жумладан, уларни маҳаллий ва минерал ўғитлар аралашмаси билан озиқлантириш оби-ҳаётга қондириш ишлари ҳам жадал суратларда давом эттирилмоқда. Ғалла майдонларida суспензия тадбирларини амалга ошириш режалари ишлаб чиқилиб, бу борада отрядлар шакллантирилди. Бегона ўтлар тарқалиши башорат қилинган майдонларга зарур бўлган гербицид дориси ҳисоб-китоб қилиниб, унинг захираси яратилди. Бу борада шоббозлик дәхқонларга “Беруний бүгдей кластер” МЧЖ ходимлари яқиндан ёрдам бермоқда. Натижада ғалла майдонларida юқори ҳосилдорликка эришиш учун зарур маддий ресурслар тўлиқ яратилди.

Юқорида таъқидлаганимиздек, “Шоббоз” ММТПси ҳудудидаги фермер хұжаликлари кўп тармоқли. Бундан ташқари, ихтинослашган фермер хұжаликлари ҳам талайгина. Шулардан бири, Рўзимбой Мадаминов раҳбарлик қилаётган “Шоббозлик Отахон” ва Одилбек Олламов раҳбарлигидаги “Хаёт” фермер хұжаликлариридир.

“Шоббозлик Отахон” фермер хұжалиги ташкил топганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Ана шу қисқа муддатда фермер хұжалиги иқтисодий жиҳатдан бақувват жамоага айланди. Ҳар йили давлатга 3,4-4 тонна гўшт, 5 тоннадан кўпроқ сут топшириб, йилни 90-100 миллион сўм фойда билан якунлайди. Хұжаликда 10 нафар ишчи фаолият кўрсатади. Улар ойлик маошлари ва устама пулларини мунтазам олиб туришибди. Уларнинг тўй-маракаларига ҳам моддий ёрдам кўрсатилади.

Жорий йилда Қорақалпоғистонда қиши совук келди. Бундай пайтда молбоқарлардан шижаотли меҳнат ва катта тажриба талаб қилинади. Энг асосий дикқат эътибор қора мол ва сигирларни қишдан соғлом ҳамда тўқ чиқаришга қаратилади. Бу борада молбоқарлардан Мурод ва Жахонгир Отахонов, соғувчи Феруза Йўлдошеваларнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар бўрдоки ва соғин сигирларни вақтида озиқлантириб, оғилхоналарда мўттадил ҳароратни сақлаганлиги боис жониворлар қишдан соғлом чиқдилар.

Айни кунларда “Шоббозлик Отахон” фермер хұжалиги ишчилари 17 гектар ер майдонига озуқабоп экинлар уруғи сепишиб, тўла ундириб олишиб. Озуқабоп лавлаги, маккажӯхори, йўнгичка майдонларида ҳам иш қизгин.

“Хаёт” фермер хұжалиги ҳақида ҳам ана шундай илик гапларни айтиш мүмкін. Асосан бўрдоқчилик ва сутчилик, жун етиширишга ихтинослашган. Ўтган йили давлатга 30 тонна сут, 2 тоннага яқин гўшт топширилди. 600 баш кўй-эчидан 7 тонна жун қирқиб олиниди. 12 нафар ишчи фаолият кўрсатади. Шунинг 2 нафари соғувчи. Ҳар томонлама қулай бўлган “Чорвадорлар уйи” уларнинг ихтиёрида. Маошларини вақтида олиб туришибди. Салкам 50 гектар ер майдонига шу кунгача озуқабоп экинлар экиб бўлинди. Кўй-кўзилари туманнинг “Тошхирмон” массивидаги чўл зонасида боқилмоқда.

“Шоббоз” ММТПси аъзолари ўзининг хушманзара боғроғлари, ширин-шакар қовунлари билан ҳам машхур. Бир пайтлари бу жамоада етиширилган “Шоббоз бешаги” қовуни собиқ СССРнинг “Халқ хұжалиги ютуқлари” кўргазмасининг олтин медалига сазовор бўлган.

Бугунги кунда хұжаликдаги боғдорчилек ва полизчилик билан шуғулланаётган фермерлар шу анъанани давом эттириб келмоқдалар. Буни Раъно Йўлдошева раҳбарлик қилаётган “Раъно Камолова” фермер хұжалиги мисолида кўришими мүмкін. Фермер хұжалиги ҳар йили давлатга полиз, сабзавот ва мева маҳсулотлари топшириш режасини ортиғи билан бажариб келади. Ўтган йили 15 тонна олма, 17 тонна узум, 10 тонна ўрик, 10 тонна қовун етиширилди. Мазкур томорқалардан олинган соғ фойда 100 миллион сўмдан ошиб кетди. 12 нафар ишчи боғбон доимий иш билан таминланган. Боғдорчилек ва полизчиликка мослаштирилган 5 та техника соз ҳолда ишлаб турибди.

Баҳорнинг ушбу кунларидаги фермер хұжаликларида иш қизғин. 15 гектарни әгаллаган ер майдонларига қовун-тарвуз экиб бўлинди. Боғларда эса мевали дараҳтлар мева туғиб, мўл ҳосилдан дарак бермоқда. Биз ҳам юраги яратиш, фидокорона мөхнат иштиёқида ёнган шоббозлик шоввоз фермерларга муваффакиятлар тилаб қоламиз.

Раимбой ҚОЗОҚОВ,
յуз мухбиримиз

РЎЗИМБОЙ ОТАНИНГ ТУРФА ОЛАМИ

Хорзм вилоятининг Шовот туманида истиқомат қилувчи 71 ёшни қаршилаган Рўзимбой ота иссиқхоначилек, томорқачилек соҳасида катта тажрибага эга. Республика телевидениесининг "Агро олам" кўрсатувида унинг ишлари оммага ҳавола қилиниб келаётганлиги бејиз эмас.

Қишлоқда туғилиб ўсган Рўзимбой Отажонов болалигидан томорқа ва дала ишларига қизиқарди. Ҳайдовчилик курсини битказиб, ҳўжаликда ишлади. 1973 йилнинг кузида қишлоқ ҳўжалиги институтига ўқишига ҳужжат топшириш учун Тошкента бориб, тайёрлов курсида таълим олади. Институт яқинидаги лимонарияга бехосдан кириб қолади. Қишлоқ боласи эмасми, иссиқхона ишларига қизиқиб, шу ерда қолиб ишлайди.

— Лимонарияда қолиб иш ўргандим, ётогим ҳам шу ерда эди. 1974 йилда институтга сиртдан ўқишига киргач, Хоразмга қайтдим. 1980 йилдан ҳўжалиқда сабзавотчилик агрономи бўлиб ишладим. Иссиқхонада кўрганим, ўргантанларимни хеч унгутмадим,— дейди Рўзимбой ота. — Аҳмаджон Абдуллаев ҳўжалик раиси эди. Илк бор 7 сотих жойда иссиқхона қилдик. Улар ангар типидаги биринчи авлод иссиқхонаси эди. Ҳозиргилар бешинчи авлод ҳисобланади.

Ҳар бир давр ўзига хос. Кейинчалик "Соҳибкор" жамоа ҳўжалиги раиси Аҳмаджон ака картошкачиликка эътибор қаратди. Илк бор Хоразм шароитида ёзда картошка етишириб, гектаридан 25-30 тоннадан ҳосил олинди.

Йиллар ўтди. Рўзимбой Отажонов 1986-1991 йиллар "Ленинград" ҳўжалиги раиси сифатида хайрли ишларни амалга ошириди. Дастрлаб 1 гектар ерга иссиқхона қуриб, ишга тушириди. Даромадига 7000 аҳолиси бўлган қишлоқ йўллари асфальт қилинди, 600 гектар бое барпо этилди. Қишлоқда 3 та замонавий боғча қурилиб, ишга туширилди, 30 фоиз болажонлар бочага жалб этилди. Ота ўшлар тарбияси борасида бундай деди:

— Истроил давлати нима учун ривожланган? У ерда бюджет даромадининг 5 фоизи маориф соҳасига ажратилар экан. Бугун бизда ҳам болалар тарбиясига Президентимиз эътибор қаратмоқда, фахрланмасдан иложимиз йўқ! Ақлининг чироғи илм, балодан кутулиш куроли илм, деган донишмандларимиз. Бола тарбиясига катта эътибор бермоқ керак. Ўқиган ва доно устозлар тарбиясини олган инсонлардан етакчилар, ўз касбининг мукаммал мутахассислари етишиб чиқади.

Бугунги ишларнинг мевасини 20 йилдан кейин кўрасиз. Жамиятни ривожлантирадиган ўшлар баҳтини тилаймиз.

Бугун отанинг 3 қизу бир ўғли, 10 невара ва бир эвараси бор. Ҳаммаси оиласи, олий маълумотли, саодатли яшамоқдалар.



Санобар она Мадримова билан 48 йил бирга яшаган отаҳонимизнинг оиласида ҳамма дэҳқончилик сирларидан огоҳ. Онаҳон томорқа ва иссиқхона ишларида ҳам ҳамкорлик қилади. Фарзандларидан Ҳамза Отажонов "Рўзимов Ҳаётбек" фермер ҳўжалиги раҳбари. 11 гектар ердан иборат боғдорчиликка асосланган ҳўжалик мева етишириш йўналишида иш олиб боради. Отанинг маслаҳати билан асаларичилик, иссиқхоначилекни ривожлантириди. Бу йил балиқчиликка ҳам эътибор қаратмоқда.

Рўзимбой ота Шовот туман қишлоқ ҳўжалиги бўлимида уруғчилик агрономи, кейинчалик, Шрейдер корпорациясининг кўчачилек бўлимида, Урганч шаҳрининг Хоразмий номидаги марказий майдонида қўкаламзорлаш ишлари раҳбари бўлиб ишлаб, умри давомида узлуксиз меҳнат қилди.

Изланувчан, тадқиқотчи Рўзимбой ота нафақага чиққач, иссиқхона ишларига эътиборни кучайтириди. Ҳозирги кунда унинг мўъжазгина хонадонидаги иссиқхонасида Ўзбекистон табиий кўчачилигидан ташқари, тропик, субторопик мева ва гул кўчачлари, турфа олам жамланган. Тиним билмайдиган отаҳон 100 дан зиёд гул кўчачлари, жумладан, декоратив гуллар, лимон кўчачлари етишириди. Бежиримгина бу иссиқхонада мева туғиб турган, узоқ ўлка дараҳлари бор. Ҳиндистоннинг шифобаҳаш ўсимликларидан папайя, шу каби банан, мандариннинг 12 тuri, манго ўсимлиги, киви, апелсин, хуллас нима истасангиз шу ерда бор. Бегомия, агава, монтана гули, ҳалқ орасида "аждар гули" дейиладиган агаванинг бир тури, шу каби анвойи гулларни кўриб ҳайратландим. Кивини ташқи шароитга мослаштириш учун иш олиб бормоқда.

— Ҳеч ким қилмаган нарсани қилиб, янгиликни ҳётга тадбиқ этган инсон дэҳқондир, — дейди Рўзимбой ота.

Мичуричини отамизнигҳар куни иссиқхонада гуллар, мевалар, ўсимлик дунёси билан ўтаётганидан бўлса керак, ҳали тетик, соғлом, ҳар бир ўсимликнинг тарихини, келиб чиқишини айтиб беришдан чарчамайди. Бир куни телевидениедан көлишса, бир куни яна кимларидир тажриба ўрганишга ташриф буюради. Шу боис унинг уйи ҳамиша гавжум. Урганч шаҳридан келган лимонсевар меҳнат фахрийси Баҳтиёр Бакиев, шоир Тожибой Бозорвлар бу турфа оламдан завқ олдилар. 15 сотих бу иссиқхонада нима керак дессангиз топилади.

— 3 сотих кўчаччиликдан 30 миллион сўмга яқин даромад оламиз. Мевалар ўзимизнинг оила учун сарфланади. Хуллас, турфа оламга қизиқишм оиласизни соғ, тоза ва сифатли маҳсулотлар билан таминланишида қўл келмоқда, — дейди Рўзимбой ота фахр билан. Биз отага соғлик, узоқ умр тилаб у билан хайрлашдик.

Суратларда: Рўзимбой Отажонов иссиқхонада;

Мәҳмонлар Баҳтиёр Бакиев ва Тожибой Бозорвлар иссиқхона ишлари билан танишмоқдалар.

Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.



Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотларини кўриб, инсон қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқлигига амин бўламиз, унинг нималарга қодир эканлигидан ҳайратларга тушиб, тасаннолар айтамиз. Вилоят марказидаги бунёдкорлик, гўзаллик барча туманлар аҳолисининг қалбига кўчгандай, гўё. Хушмуомалик, самимийлик - бухороликларга хос фазилат.

БУХОРОЛИК МИРИШКОРЛАР

Шоғиркон туманидаги “Арипов Нодиржон Тоҳирович” фермер хўжалиги раҳбари Нодир Ариповни туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Машраб Исомов тавсия қилганида, ҳайрон қолмадик. Сабаби бошқа туманлар фермерлари билан суҳбатлашганимизда, “Шоғирконга борсангиз, Нодиржонни топинг, у меҳнаткаш, ташаббускор, ажойиб фермер” дея таъриф берганди.

Айтганлари айни ҳақиқат экан. 24 гектар ғалла майдонида кўм-кўк буғдойлар бўй чўзиб, ёмғир сувидан роҳатланиб, самога қуллуқ қилганча бош эгиб, келинчакдай салом беришарди.

— Ўтган йили 70 центнердан буғдой йиғиб олгандик, — дейди Нодиржон. — Бу йилги ниятимиз 80 центнер.

Аллоҳим қўлласин, пахта учун ажратилган 40 гектарлик майдон яхоб суви берилиб, сифатли шудгордан чиқарилган ҳолда экишга шай қилиб қўйилган.

— Ўтган йили пахтанинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олган эдик, бу йилги режамиз 48 центнер. Бизга ишини яхши эплолмаган бир фермернинг 57 гектарлик ерини кўшиб беришган эди. Бу ерни серҳосил заминга айлантириш учун анча-мунча тер тўкишимизга тўғри келди, обитобига келтириш осон бўлмади, — дея гапида давом этди фермер.

Булардан ташқари, 7 гектарли боғ, 42 оила асалари, 20 бош қорамол ҳам фермер хўжалиги аъзоларидан ўзига яраш меҳнату

эътибор талаб қиласди.

Жондор туманида ҳам илғор фермер хўжаликлари кўплигини анчадан бери биламан. Боиси, ушбу туманга ҳар йилги ташрифимда меҳнат аҳлининг меҳмондўстлигидан, нон-тузидан баҳраманд бўламан. Мана, яна ўша ажойиб, ҳазилкаш фидойилардан бири “Ўлмасбек-Рухшона” фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Муродов. У ишчиларига меҳрибон мураббий, маслакдош, ҳар бир ишни қойиллатувчи, камтаргина фермер.

— 200 бош чорва молимиз бор, 2019 йили Украинадан олиб келганимиз. Чорвамиз учун 35 гектар сувлоқ еримиз, 60 гектар яйловимиз бор. Кези келганда туманчорвачилик бўлимига, қишлоқ хўжалигидаги раҳбарларимизга раҳмат айтиб қўймоқчиман. Чунки биз нима таклиф билан чиқсан, қандай ёрдам сўрасан, қўллаб-куватлашади, кўмакларни аямайди.

Бухоро туманидаги “Озодбек Давронов” фермер хўжалиги кўп тармоқли. Унинг раҳбари Олимжон Баҳромов билан мулоқотда бўлсангиз, маза қиласиз. Олимжон бутунлай бошқача дунё, ҳазилкаш, бағрикенг, ўзбекча айтганда “бир қоп ёнғоқ”. Ҳар йили режаларни ортиғи билан бажариб келаётган фермернинг доимо кайфияти чоғ, руҳи тетик, бир бурда нонини ўзгалар билан баҳам кўради.

— Ўтган йили 25 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан, 57 гектар пахта майдонидан 42

центнердан ҳосил йиғиб олдик. 50 бош голланд қорамолларимизни эса рацион асосида парваришляпмиз, — дейди у. — 1 гектарлик иссиқхонамиздан ҳам унумли фойдаланамиз. Помидор, бодринг, ҳар хил кўкатларни алмашлаб экамиз, меҳр билан ишлов берамиз. 2 гектар боғимиз ҳам бор. Хуллас, ишлайман деган йигитта минг ҳунар ҳам оз.

Ромитан туманида эса “Кўхна Бухоро” фермер хўжалиги раҳбари Шуҳрат Нозимовни иш жараёнида учратдик, фаолияти билан танишдик ва дилдан суҳбатлашдик.

— Ўтган йили 35 гектар пахта майдонидан 42 центнердан, 100 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олгандик, — дейди Шуҳратжон.

— Бу йилги режаларимиз янада улкан. Худо насиб қиласа, пахтадан 45, ғалладан 75 центнердан ризқу насиба ундириб олиш ниятимиз бор. 15 гектарлик боғимиздаги турли бўйи-бўйига мос экилган мевали дарахтларга қараб хурсанд бўласиз. Бир гектар иссиқхонадаги экспортбоп қип-қизил помидорлар кўзингизни ўйнатади. Бир қисмини элимиз дастурхонига, бозорларимизга чиқарсан, қолганини хорижга экспорт қилмоқчимиз.

Гапни умумлаштириб айтганда, бухоролик фермерлар билан суҳбатлашсангиз, кўнглингиз ярайди. Бағрикенг, саховатли, бири-биридан кам бўлмаган фидойиларга ҳавас қиласиз.

Ўз мухбиримиз.

Кейинги йилларда иқтисодиётимиzinинг муҳим тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор муносабатларини ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар ўзининг юксак са-мараларини бермоқда. Бу синалган усул фермерлик ҳаракати бўлиб, у дунёнинг тараққий топган давлатлари тажриба-сида ўзини ҳар томонлама оқлагандир. Шу ўринда кейинги йилларда жойларда фермерлик истиқболига қаратилган испоҳотлар туфайли, мулкчиликнинг мазкур янги шаклини босқичма-босқич ривожлантириш муҳим ҳамда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Айниқса, маҳсулотни етиштириб, уни қайта ишлаш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш фермерларнинг асосий мақсадига айланган. Бу борада эса улар ҳам қўшимча тармоқлар со-нини кўпайтиришга тинимиз ҳаракат қилишмоқда.

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида ҳам фермерларга ярати-лаётган шарт-шароитлар, халқимиз дастурхонини тўкин этишга пухта замин ҳозирлангани, туманда қишлоқ хўжалигининг ибратли мактаби яратилгани, соҳада катта тажриба тўплангани улкан зафарлар қўлга киритилишига мустаҳкам асос бўлмоқда. Тумандаги қишлоқ мулкдори – ёш фермер Мұҳаммадиев ернинг ҳар қаридан унумли фойдаланадиган ва юкори ҳосилни кўзлайдиган мириш-



ИМТИЁЗ ВА ИШОНЧ – ТАРАҚҚИЁТГА ҚАДАМ

дим этган “Ёшлар кепажагимиз” Давлат дастури асосида имтиёзи банк кредити олиб, тошни қайта ишлаш мини-цехини ташкил этдик, шу асосда маҳаллий ёшларимиздан 6 нафари ишли бўлди. Келгу-сида режаларимиз яна кўп, – дейди ёш фермер.

Албатта, ёш фермерларнинг келгуси қадамларига, аввало, яратилаётган имкониятлар пиллапоя бўлиб хизмат қилмоқда. Тумандаги яна бир ёш фермер Машхур Бозоров ҳам шу каби яратилаётган имкониятлардан



унумли фойдаланиб, жорий йилда хўжалигида томчилатиб суфориш технологиясини жорий этишни ва шу орқали экин майдонидаги сув танқислиги муаммосини бартараф этишни кўзлаётган экан.

Фермерларга, тад-биркорларга яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида гап кетар экан, энг авалло, уларнинг замерида аҳоли манфаати устувор эканлигини англаш кийин эмас. Вилоятнинг Косон туманида ҳам ишнинг кўзини биладиган чорвадорлар кўплаб топилади. Чорва ўйналишида тақдим этилаётган имтиёзлар уларни келгуси янги режаларга унданмоқда. “Истиқтол” хусусий корхонасига қарашли чорва комплекси раҳбари ўринбосари Элдор Қурбоновнинг маълум қилишича, яқиндан жорий этилаётган маҳсулот ишлаб чиқаришига нисбатан бериладиган субсидиялар уларга янги берилган имконият, рафбат.

– Бугунги кунда корхонамида сут-чилик йўналишидаги 530 бош наслли қормоллар парваришиланмоқда. Кунига 1 минг 200 литр сут соғиб оламиз, маҳ-



корлардан. Ўзи тиниб-тинчимайдиган фермер Фурқат хўжалик аъзоларидан ҳам шундай ҳаракатни талаб қиласидиган одам. Шунинг учун ҳам барча экинлардан ҳамма далаларда мўл ҳосил етиштирилади, режалар ортифи билан адо этилади.

– Биз ёш фермерларга яратилган имкониятлардан фойдаланиб, йилдан-йилга хўжалигимизнинг тармоқларини кенгайтириб бормоқдамиз. Бугунги кунда ғалла, паҳтадан ташқари, балиқчилик, чорвачилик ва қайта ишлаш ўйналишларини ташкил этганимиз. 2019 йилда, юртимиз ёшларига кенг имкониятлар так-

супотни тўлиқ ўзимиз қайта ишлаймиз. Янги имкониятлар бизни қувонтириди, эндиликда яна наслли қорамоллар олиб келишни ва сут ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни кўзлаб турибмиз, – дейди тадбиркор.

Тумандаги “Обод замин” фермер хўжалиги аъзолари ҳам 2021 йил дастури асосида хориждан 120 бош наслли қорамоллар олиб келишни режалаштираётган экан.

– Режаларимиз амалга ошса, қўшимча 8 нафар қишлоқ ёшларини ишга оламиз, сут етиштиришни кунига бир ярим минг литрга оширамиз, – дейди хўжалик иш юритувчиси Махмуд Умаров.

Шубҳасиз, бугунги куннинг фермери – чинакам мулкдор. Яратилаётган бу каби имтиёз ва имкониятдан фойдаланиб астойдил мәҳнат қилса, албатта, роҳатини кўрайяпти. Йилдан-йилга да-ромади, имкониятлари ортиб бормоқда. Асосийси, улардаги бугунги ишонч, шижаот ва ташаббус келгуси фаровон-лик ва тараққиётга замин бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Ўз мухбири.

АСАЛ – ШИФОБАХШ НЕЙМАТ



Асал шифобахш неъмат. Ундан олинган гулчанг, прополис, асалари заҳри, асалари сути, асалари муми инсон саломатлиги учун жуда муҳимдир.
Дарҳақиқат, асалнинг дармондорилик хусусиятларидан ҳалқимиз хабардор.
Қадимги замонлардан бошлаб ота-боболаримиз асалнинг шифобахш хусусиятларидан унумли фойдаланишган.

Ҳалқимизда “Чарчасанг ҳам асал егин, зериксанг ҳам асал егин” деган хикматли сўзлар бор. Чунки асал инсонга кувват, дардга даво экани аллақачон и с ботланган.

Асал доривор, мўъжизали неъмат бўлиб, бобокалонимиз Абу Али ибн Сино замонасидан бошлаб асалнинг дармондорилик хусусиятларидан

ҳалқимиз хабардор. Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, аграр соҳани, шу жумладан, асаларичиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда қабул қилинаётган Дастанларнинг амалга оширилиши натижасида янги ҳўжалик юритувчи субъектлар ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилмоқда. Бу борада Навоий вилоятида ҳар йили йили соҳадаги 1000 дан ортиқ асаларичилик субъектлари томонидан, 42 мингдан ортиқ асалари оиласини парваришлаш эвазига, 1 минг 70 тонна асал маҳсулоти етиширилмоқда. 2021 йилда вилоятда асаларичилик ҳўжаликларини ташкил қилиш дастури бўйича жами 35 та лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган бўлиб, шу аснода янгидан 60 та иш ўринлари яратилиши кутилмоқда. Навоий вилояти иқлими кескин континентал бўлиб, ёзи иссик, қиш ойлари совуқ бўлади. Навоийлик асаларичилар ана шу иқлимини инобатга олиб, асаларичиларни кўпроқ кўчириш йўли билан асал олади. Эрта баҳорда қайрагоч, терак, бодом, ўрик, гилос, шафтоли каби дараҳтлар гуллагандага гулчанг сероб бўлади, оз миқдорда гулшира

ҳам келади, натижада асалари оиласи тез ривожланади.

Бугунги кунда вилоятда асаларичилик билан шуғулланувчи оиласий тадбиркорлар сони талайгина. Улардан бири Навбаҳор туманида истиқомат қилаётган асаларичи Олтин Жумаев ҳам кўп йиллардан бўён мазкур соҳа билан шуғулланиб келмоқда. Хонадонида айни пайтда 200 та асалари оиласи парвариш қилингати.

– Бизнинг соҳада салгина эътиборсизлик кўзлаган натижани қўлга киритиш имконини бермайди. Йил давомида бир асалари оиласидан 4 марта ҳосил олинади. Биз асаларичиликни эрта баҳорда қўшни Нурота, Хатирчи ва Қўшработ туманлари далаларига олиб борамиз. Сабаби, у ерларда асал олиш учун етарли озуқа мавжуд бўлади. Баҳорги асал эса энг доривор ҳисобланади. Машаққатлар замирида меҳнатимизнинг totлироҳати бизга доим таскин беради. Асаларичилик инжиқ ва мешаққатли иш. Меҳнатимиз оғир, ариларни ўндан ортиқ мавсумий касалликлардан ҳимоялаш учун тинмай ҳаракат қиласиз. Ҳар соҳанинг баланд-пости бўлганидек, бу соҳада ҳам анча-мунча қийинчиликлардан ўтишга тўғри келади. Ишимиз йил сайнин ривожланмоқда. Ҳосилдорлик замирида тинимсиз меҳнат, табиат инжиқликларини енгиз, кулаги шароит, илфор технологияларни кўллаш мушассам, – дейди асаларичи Олтин Жумаев.

Албатта, бугун асаларичилик соҳасида юз бераётган ўзгаришлар, яратилётган имкониятлар натижасида олдинлари тансиқ бўлган, шифобахш бебаҳо неъмат бўлмиш соғ асал бозорларимизда кўпайиб, аҳоли дастурхонига арzon нархларда етиб бориши таъминланмоқда.

Ўз мухбиришим.



ТАРМОҚЛАР ҲАЁТИ



ЯЙЛОВЛАРДА КҮКЛАМ НАФАСИ

чорва-насл маркази туман вакили Тохир Рахимов, "Қизилча наслчилик" МЧЖ директори Икром Абдиев.

Мамлакатимизда қоракүлчилек тармоғида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш, наслчилик ишларини такомиллаштириш орқали сифатли қоракүл тери етиштириш, чўл озукабоп экинлари уручилиги майдонларини ташкил этиш ва яйловлар ҳосилдорлигини ошириш ҳамда қоракүлчилек субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида сўнгги йилларда қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Қишининг қор-қировли кунлари, аввало, чўпончўликлардан ўта ҳушёрликни ва сабрни талаб этган бўлса, кўклам келиши билан яйловлар, қир-адирлардаги чорвадору чўпонларнинг оғири енгил бўлди. Бу йилги кўкламга яхши кайфият билан қадам қўйган нуроталик тажрибали чорвадорларнинг ҳам асосий мақсадлари қоракүл қўйлар туёғини кўпайтириш бўлгани ҳолда улкан режаларни кўзламоқда. Бугунги кунда туманда барча қоракүл наслчилик МЧЖларда тўл мавсумига етарлича тайёргарлик кўрилиб, амалий ишлар бошланди. Жумладан, "Қизилча қоракүл наслчилик" МЧЖда мавсум пухта тайёргарлик билан кутиб олинди.

— Жамиятимиз таркибида 21 минг 93 бош майдада шохли мол бўлиб, шундан она қўйлар 13 минг 600 бошни ташкил этади, — дейди МЧЖ директори Икром Абдиев. — Бугунги вазифамиз соҳамизни ривожлантириш, шу орқали аҳолига арzon ва сифатли гўшт маҳсулотлари етказиш, бежирим ва сифатли қоракүл терини хориж давлатларига экспорт қилишdir. Бизда асосан териси сифатли ва талабигир бўлган кўк қўйлар бокилади, мақсадимиз уларни янада кўпайтиришдан иборат.

Шунингдек, тумандаги "Нурота" қоракүл наслчилик МЧЖнинг тажрибали чорвадорлари ҳам ўтган қиши гарчи об-ҳаво ўз ҳукмини ўтказса-да, ўз имкониятларини тўғри баҳолаб, вақтида кўрилган тадбирлар натижасида қаҳратоннинг синовларидан беталофат ўтиб олди. Ҳозирда улар об-ҳавога умид боғлаб, бошланган мавсумга масъулият билан киришишган. Қиру адирларда ниш ураётган майсага қараб таскин бўлаётган жамият аъзоларига отарларда ўтган қишилов даври олдидан жамғарилган мўл дағал хашак захираси қўл келди. Шундай

бўлса-да, чўл чорвадорининг нигоҳи доим кукка қадалган, у ҳамиша баҳорнинг майнин ва ҳаётбахш ёмғиридан умидвор. Бугун "Нурота наслчилик" масъулияти чекланган жамиятни отарларида жами 38 мингдан ортиқ майдада шохли мол бор. МЧЖ бош чорвашуноси Ўразбой Жузбоевнинг маълум қилишибча, ҳозирда бу ерда Россия Федерациясидан олиб келинган "Оренбург тивити" эчкилари ҳам боқилаётган экан.

— Тўл мавсуми давомида мазкур ноёб эчкилар сони ошиб боряпти, — дейди Ўразбой Жузбоев. — Айни кунларда бор эътиборимизни тўл мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиб олишга қаратганмиз. Режаларимиз кўп, шулардан энг муҳими, тивитдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратишdir.

Бугун қоракүл соҳасига кимки даҳлдор бўлса, барчанинг эътибори тўл мавсумига қаратилган. Пахтачи туманидаги "Қарнобота наслчилик" МЧЖ аъзолари ҳам тўл мавсуми олдидан 32 та отарни, ёпиқ қўралар, сунъий қочириш пунктларини жорий таъмирлади. МЧЖ директори Анвар Рўзиевнинг айтишича, бу йилги мавсум давомида мавжуд 11 минг бош совлиқдан олинадиган қўзиларнинг аксарияти ўстиришга қолдирилиши кўзда тутилмокда. Уларнинг ўсиш имкониятларини амалга ошириш мақсадида профилактик эмлаш ва қатор тадбирлар олиб бориляпти. Бунда эса мавсумолди амалий кўнникмалари пайдо бўлиши учун ўтказилган ўкув семинарлари, пухта тайёргарликлар қўл келмоқда.

Албатта, қоракүл соҳаси ходимларининг муҳим мавсумга масъулият билан ёндашувлари ва тармоқ ривожи йўлидаги улкан режалари худудда чорва сони ошишига, соҳасининг ривожланишига, экспорт ҳажми кўпайшига, пировардида маҳаллий аҳоли ва давлат даромадлари ошишига хизмат қиласди.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
уз мухбиримиз.

Суратларда: "Нурота қоракүл наслчилик" МЧЖ бош чорвашуноси Ўразбой Жузбоев жамоа аъзолари билан.

"Қарнобота наслчилик" МЧЖ аъзолари.



ЛОЙИХАДАН – НАТИЖАГАЧА



Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида ҳам озиқ-овқат дастурининг муҳим тармоғи ҳисобланган гүшт, сут маҳсулотлари етиширишга алоҳида этибор қаратиб келинмоқда. Айни пайтда тумандаги 38 та фермер хўжалигида хориждан олиб келинган 3200 дан ортиқ наслии қорамол парваришланмоқда. “Н.К.Мрамор” фермер хўжалиги 2020 йил дастури асосида Эстониядан 54 бosh симментал зотли қорамол келтирилган эди.

— Хориждан наслии қорамол олиб келувчиларга тақдим этилаётган субсидия маблағлари бизга анча енгилликлар яратмоқда. Ушбу имтиёзлардан фойдаланиб, келгусида четдан яна қорамол олиб келишни, сутни қайта ишлайдиган мини- завод қуришни режалаштириб турибмиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Рашид Нарзиев. — Шунингдек, туманда 2021 йилги дастурларнинг амалга оширилиши натижасида янги хўжалик юритувчи субъектлар, лойиҳаларга асосланган тармоқлар ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда.

— Туманимизда йилдан-йилга ишга тушаётган лойиҳалардан кўзланган асосий мақсад, авваламбор, чорва наслини яхшилаш. Буни амалга оширишда хорижий давлатлардан келтирилаётган наслии қорамоллар билан бир қаторда, сунъий уруғлантириш ветеринария пунктлари фаолияти орқали фермер хўжаликлари ва аҳоли қўлидаги қорамоллар наслини яхшилашга эришишини мақсад қилганимиз. 2021 йил дастури асосида лойиҳаларни шакллантиришни бошладик. Яқинда туманимиздаги “Ангаролмос” фермер хўжалигига хориждан 40 бosh наслии қорамоллар олиб келдик, — дейди Чорва насл марказининг тумандаги вакили Шаҳбоз Кубаев. — Мазкур фермер хўжалиги раҳбари Жафар Болтаевнинг ташаббуси билан йил якунiga қадар, сутчилик йўналишида яна янги лойиҳалар ҳам ишга тушиши ва шу асосда хўжалиқда яна 10 та янги иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган.

Вилоятнинг чорвачиликка ихтисослашган ҳудудларидан яна бири Нуробод туманида ҳам жорий йилда чорвачиликка ривожига оид 8 та лойиҳа шакллантирилмоқда ва шу аснода 45 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Туманда қорамолчилик, қўйчиликни отакасб қилиб олган фермер ва чўпонлар дашт шароитининг ўзига хос машақатларига қарамай, гўшт, сут маҳсулотлари етишириб келишитди. Ана шундай хўжаликлардан бири “Моҳинур нуробод ўлдузи”да 2019 йилги дастур асосида Германиядан олиб келинган 78 бosh, шунингдек, сутчилик йўналишига мўлжалланган “Нуробод тикланиш” фермер хўжалигида эса 20 дан ортиқ наслии қорамол бўқилмоқда. Фермер хўжалиги раиси Абдулла Фаниев



Мамлакатимиз тараққиёти, ҳалқимиз турмуш фаровонлиги дастурхонимиз файзу баракаси, барча соҳа катори, қишлоқ хўжалиги истиқболига ҳам боғлиқ. Шу боис, сўнгги йилларда иқтисодиётимизнинг мазкур муҳим тармоғини ривожлантириш, самарадорлигини ошириш масаласи устувор аҳамият касб этмоқда. Айниқса, соҳада муҳим бўғин ҳисобланган чорвачилик йўналишини кенгайтиришга, шу мақсадда бозор муносабатларини ва хусусий мулқчилик шаклини ривожлантиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар ўзининг самараларини бермоқда.

2021 йилда яна хориждан 40 бosh қорамол олиб келишни ва қўшимча янги иш ўрни яратишни режалаштираётган экан.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, Нарпай туманида айни пайтда 89 минг 212 бosh йирик шохли мол мавжуд бўлиб, шундан сигирлар 39 минг 246 бoshни ташкил этади.

— Туманимизда қорамоллар наслини яхшилаш мақсадида ветеринария бўлимимиз томонидан кўпгина амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, бугун аҳоли ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги сигирларни сунъий уруғлантиришга мўлжалланган, барча маҳсус воситалар билан жиҳозланган 14 та участкамиз фаолият олиб боряпти, — дейди туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи И. Мухаммадиев. — Албатта, бу ҳам туманда чорва наслини яхшилабгина қолмай, гўшт ва сут маҳсулотларининг кўпайишига хизмат қиласди.

Тумандаги шихоатли ёш фермер Фарруҳ Хўшиев 2021 йилда Нидерландиядан 160 бosh голштин зотли қорамоллар олиб келишни кўзлаётган экан.

— Лойиҳамиз ишга тушса, кунига 10 тоннадан ошиқ сут ишлаб чиқариш имконига эга бўламиз, бундан ташқари, 10 та янги иш ўрни яратмоқчимиз, —дейди фермер.

Нарпай туманига ёндош Пахтаки туманида эса барча тоифа буйича жами 92 минг 821 бosh йирик шохли мол парваришланмоқда. Қорамол наслини яхшилаш бўйича туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига қарашли 15 та сунъий уруғлантириш пунктлари хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Туманимиздаги мавжуд қорамоллар наслини яхшилаш мақсадида, туман ветеринария бўлимимиз томонидан 2021

йилда 1 минг 810 доза наслии буқа уруғлари олиб келиниб, 1 минг 206 бosh сигир ва ундан катта урғочи таналар сунъий уруғлантирилди, — дейди туман ветеринария бўлими бошлиғи М.Мавлонов.

— Бу каби ишларимизни йил якунiga қадар жадал олиб борамиз. Мақсадимиз, қисқа мuddатда чорва наслини яхшилашга эришиш.

Албатта, вилоятда чорва наслини яхшилаш мақсадида олиб борилаётган бу каби ишлар самарасида, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиши билан бир қаторда, озиқ-овқат нархи арzonлашиши ва ҳудуд иқтисоди юксалишига эришиш мақсад қилинган.

Ўз мухбириимиз.

Суратда: “Н.К.Мрамор” фермер хўжалиги раҳбари Рашид Нарзиев, чорва насл маркази вакили Шаҳбоз Кубаев ҳамда туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи ўринбосари Отабек Машарипов.

ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ УМУМИЙ ВА МАҲСУЛДОР ПОЯЛАРИ СОНИГА ТАКРОРИЙ ВА ОРАЛИҚ ЭКИНЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

This article talks about the change in the indicators of the number of productive stalks of common wheat, depending on the type of repeated and intermediate crops. Based on the data obtained, the effect of repeated and catch crops on the total number of productive stalks of common wheat during 2018-2020.

Қишлоқ хўжалик экинларни алмашлаб экиш донли экинлар учун муҳим ҳисобланниб, кузги буғдой уларга ўта талабчан. Экинларни алмашлаб экиш бегона ўтларга қарши курашишда, тупроқда намлини тўплаш ва сақлаб қолиш ҳамда тупроқдаги озукавий режимини яхшилаш орқали кузги буғдойдан юқори ҳосил олиш имконини беради. Буғдой учун энг яхши ўтмишдош тупроқ кўп миқдорда озиқа моддаларини қолдирадиган экинлар – кўп йилик ўтлар, дуккакли ўсимликлар, оралиқ экин ва кузги экинлар. Оралиқ ва тақорорий экинлар гектарига 5-6 тонна ер устки ва ер остки қисмларини қолдириб, сўнгра ўзидан кейин экилган ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини яхшилади.

Юқоридагиларни инобатга олиган ҳолда, Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш мақсадида қисқа ротацияли ғўза-фалла навбатлаб экиш тизимида тақорорий экин сифатида мош ва маккажӯҳори, оралиқ экин сифатида перко ва жавдар экинларидан сидерат сифатида фойдаланиб тажрибалар олиб борилди. Ғўза-фалла алмашлаб экиш тизимларида олиб борилган тажрибамиизда юмшоқ буғдойнинг ўсимлик бўйи ва маҳсулдорлик кўрсаткичларига қисқа навбатлаб экиш тизимида экилган тақорорий ва оралиқ экинларининг таъсири ўрганилди.

Ғўза-фалла қисқа навбатлаб экиш тизимларида тажриба бошланиш йили, (2018 й.) навбатлаб экиш тизимларига фон яратиш мақсадида тажриба тизимига мувофиқ 3,8,9,10,11-вариантларда буғдой ғўзадан кейин парвариш қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, ушбу 2018 йил варианtlардан олинган натижалар бир-бира яқин бўлиб, тегишли равишида ғўза ўрнига буғдой парваришланган варианtlарда ўсимлик бўйи 104,5 см. дан 107,2 см. гачани, умумий поялар сони 627,1-630,1 донагачани ташкил қилган бўлса, шаклланган маҳсулдор поялар сони 353,6-362,6 донага тенг бўлди. Буғдой иккинчи йил ўстирилган 3-вариантда умумий ва маҳсулдор поялар сони бошқа варианtlарга нисбатан кам бўлиб, ўсимлик бўйи 104,5 см., умумий поялар сони 625 донга, маҳсулдор поялар 353,6 дона бўлганлиги аниқланди.

Тажрибада тақорорий ва оралиқ экинлар ўрнига буғдой иккинчи (2019) йили парваришланганда ўсимлик бўйи, умумий ва маҳсулдор поялари сонига сезиларли таъсири кўрсатди. 1-жадвал натижалари таҳлил қилинганда, варианtlарда юмшоқ буғдой ўсимлиги бўйи 103,1 см. дан 114,8 см. гача ўзгариши кузатилди. Ғўзадан кейин буғдой парвариш қилинган 1-вариантда ўсимлик бўйи 105,2 см, умумий

поялар сони 633 м²/дона, маҳсулдор поялар сони 365 м²/дона, 3-вариантда учинчи йил буғдой парваришланганда бегона ўтлар кўп бўлганлиги сабабли кўрсаткичлар бироз паст бўлганлиги кузатилиб, ўсимлик бўйи 103,1 см, умумий поялар сони 619 м²/дона, маҳсулдор поялар сони 343,2 м²/донани ташкил этди.

1-жадвал.

Юмшоқ буғдой ўсимлигининг бўйи, умумий ва маҳсулдор поялари сони.

| № | Тажриба тизимидағи варианtlар раками | Тажриба варианtlари | Умумий поялар сони, м ² /дона | Маҳсулдор поялар сони, м ² /дона | Ўсимлик бўйи, см |
|----------|--------------------------------------|-------------------------|--|---|------------------|
| 2018 йил | | | | | |
| 1 | 1 | Буғдой+ғўза | Ғўза парваришланган | | |
| 2 | 3 | Буғдой+буғдой (назорат) | 625 | 353,6 | 104,5 |
| 3 | 8 | Ғўза+буғдой | 628 | 362,4 | 108,8 |
| 4 | 9 | Ғўза+буғдой | 630,1 | 356,4 | 107,2 |
| 5 | 10 | Ғўза+буғдой | 629 | 359,3 | 106,2 |
| 6 | 11 | Ғўза+буғдой | 627,1 | 362,6 | 107,1 |
| 2019 йил | | | | | |
| 1 | 1 | Буғдой+ғўза | 633 | 365 | 105,2 |
| 2 | 3 | Буғдой+буғдой (назорат) | 619 | 343,2 | 103,1 |
| 3 | 4 | Буғдой+мош+перко | 665 | 380 | 114,8 |
| 4 | 5 | Буғдой+мош+жавдар | 656 | 374,6 | 112,6 |
| 5 | 6 | Буғдой+макка+перко | 643 | 370,3 | 110,2 |
| 6 | 7 | Буғдой+макка+жавдар | 636 | 367,6 | 108,1 |
| 2020 йил | | | | | |
| 1 | 1 | Буғдой+ғўза | Ғўза парваришланган | | |
| 2 | 3 | Буғдой+буғдой (назорат) | 616,0 | 331 | 101,8 |
| 3 | 8 | Буғдой+мош+перко | 652 | 377,5 | 111,4 |
| 4 | 9 | Буғдой+мош+жавдар | 643,9 | 374,3 | 109,2 |
| 5 | 10 | Буғдой+макка+перко | 640 | 371 | 107,8 |
| 6 | 11 | Буғдой+макка+жавдар | 634 | 369,2 | 106 |

Тажрибанинг 4,5-вариантларида тақорорий экин мош ва оралиқ экинлардан перко ва жавдар экилгандан кейин парвариш қилинган юмшоқ буғдойда ушбу кўрсаткичларда бироз юқори натижага қайд этилиб, тегишли равишида 114,8-112,6 см; 665-656 м²/дона; 380-374,6 м²/дона бўлганлиги аниқланди (1-жадвал). Тажрибанинг 6, 7-вариантларида юмшоқ буғдой тақорорий экин маккажӯҳори ва оралиқ экинлардан перко ва жавдардан кейин парваришланган буғдой кўрсаткичларида ҳам натижалар шунга яқин бўлиб, 110,2-108,1 см; 643-636 м²/дона; 370,3-367,6 м²/донани ташкил этди.

Тажрибаларимизда ўрганилган тақорорий дуккакли-дон, айниқса, оралиқ экинларнинг сўнгги ижобий таъсири юмшоқ буғдойнинг белгиланган навбатлаб экиш тизимларида учинчи, яъни 2020 йил парвариш қилинишида ҳам кузатилди. Жадвал маълумотларига қараганда, энг юқори натижага буғдой+мош+перко вариантда ўсимлик бўйи 111,4

см, умумий поялар сони 652 м²/дона, маҳсулдор поялар сони 377,5 м²/дона бўлганлиги аниқланиб, ҳар йили буғдой ўстирилган (3- вар) варианта нисбатан ўсимлик бўйи 9,6 см га, умумий поялар сони 36,1 м²/дона, маҳсулдор поялар сони 46,5 м²/дона ортиқ бўлганлиги аниқланди. Буғдой+мош+жавдар варианта нисбатан ўсимлик бўйи 2,2 см га, умумий поялар сони 8,1 м²/дона, маҳсулдор поялар сони 3,2 м²/дона, буғдой+макка+перко қилиб экилган 10-варианта нисбатан 3,6 см, 12 м²/дона, 6,5 м²/дона, буғдой+макка+перко қилиб экилган 11-варианта нисбатан 5,4 см, 18 м²/дона, 8,3 м²/донага кўп бўлганлиги аниқланди.

Кисқа навбатлаб экиш тизимларида тақорорий ва оралиқ экинларнинг экилиши маҳсулдор поялар сонининг ошиб бори-

шини таъминлаб, сурункали равишда буғдой парваришиланганда далани бегона ўтлар босиши натижасида маҳсулдор поялар шаклланишининг йилдан-йилга пасайишига олиб келди.

Хулоса. Кузги юмшоқ буғдой маҳсулдорлиги буғдойнинг озиқа унсурлари билан таъминланиш даражаси ва иқлим шароитига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Шу билан бирга, тақорорий экин сифатида мош экини ва ундан сўнг оралиқ экинлардан сидерат сифатида перкодан фойдаланилганда кузги юмшоқ буғдойнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларига ижобий таъсир этганлиги кузатилди.

Нилуфар БАХРОМОВА, таянч докторант,
Холида ТОФАЕВА, стажёр тадқиқотчи,
ДДЭИТИ Қашқадарё филиали.

АДАБИЁТЛАР

1. Бўриев А., Санақупов А., Саримсоқова Ф. “Кузги буғдойнинг хўжалик-биологик кўрсаткичларига ўтмишдош экинларнинг таъсири” // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналининг илмий иловаси – “Агро илм”, 2008, №4(8). й. 23-24-б.
2. Вьюшко А.А., Шевченко С.Н. Пшенице – высокое качество. // Земледелие. 2000, №4, стр. 17.
3. Расулов А, Кашкаров Н.К, Гаффаров М.Д. После промежуточной культуры. // “Сельское хозяйство Узбекистана”, Т. 1987. №2, стр.18.4. Каландаров П.И., Матякубова П.М., Газиева Р.Т. Сушка и контроль влажности зерна и зернистых материалов. -Т. “ТИИМСХ”. 179 с.
4. P.I.Kalandarov., Z.M.Mukimov., O.S.Logunova. Analysis of hydrothermal features of grain fnd instrument desulphurization of moisture control. Tashkent state technical university named after Islam Karimov. technical science and innovation. №1/2020. PP. 117-122.

UDK: 361.42+72

ТАДҚИҚОТ

ARPA URUG'LARINING DALA UNUVCHANLIGIGA EKISH ME'YORLARINING TA'SIRI

Barley (Hordeum-L) is a family of annual and perennial herbaceous plants belonging to the cereal family. About 30 species are known in Eurasia and America. In agriculture, barley has been cultivated in Central Asia (southern Turkmenistan) since the 12th-10th millennia BC. Homeland Central Asia. Barley (N. sativum) is grown in many countries around the world. According to their biological properties, barley is divided into spring and autumn varieties.

Arpa (Hordeum-L)-g'alladoshlar oilasiga mansub bir va ko'p yillik o'tsimon o'simliklar turkumi. Yevrosiyo va Amerikada 30 ga yaqin turi ma'lum. Dehqonchilikda arpa O'rta Osiyo (Turkmaniston jan.) da miloddan avvalgi 12–10 ming yillikdan ekib kelinadi. Vatani O'rta Osiyo. Ekma arpa (N. sativum) jahondagi ko'pgina mamlakatlarda yetishtiriladi. Biologik xususiyatlari ko'ra, arpa bahori va kuzgi turlarga bo'linadi. Arpaning ildiz to'plami popuksimon: asosiy ildiz haydalma qatlama rivojlanadi. Poyasi poxolpoya, 4–6 ta bo'g'imli, bo'y 30–35 sm dan 130–134 sm gacha. Bargi barg plastinkasi, barg qini, tilcha va qulochchalaridan iborat, boshqa g'alla o'simliklarining bargidan ko'ra kengroq. To'pguli boshoq. Mevasi pardali yoki yalang'och don rangi sarg'ish, och jaigarrang va och kulrang. 1000 ta doni vazni 20–60 g. Arpaning vegetatsiya davri 55–110 sutka (nav xususiyatlari va ekiladigan hududga qarab). Arpa eng tezpishtor don ekinidir. Arpa o'zidan changlanuvchi o'simlik, guli yopiq. Maysalari 4–5 da unib chiqadi, o'sib rivojlanib borishi uchun qulay harorat 20°C. Arpa o'gtillarga talabchan. Yuqori hoslil olish uchun gektariga 30–45 kg N (azot), 45–60 kg P₂O₅ (fosfor), 60 kg K₂O (kaliy) solinadi.

G'allachilik o'simlikshunoslikning asosiy tarmog'i bo'lib, aholini oziq-

ovqat, chorvachilikni yem-xashak, sanoatni xomashyo bilan ta'minlaydi. Shuning uchun O'zbekiston respublikasida don ishlab chiqarishni ko'paytirish qishloq xo'jaligining eng muhim muammolaridan biri hisoblanadi. Mamlakatimiz mustaqillikka erishgandan keyin Prezidentimiz rahbarligida qishloq xo'jaligi sohasida chuqur islohotlar o'tkazildi. Shu jumladan, g'allachilikni rivojlantirish bo'yicha Prezidentimiz va O'zbekiston hukumati tomonidan qarorlar qabul qilindi. Respublikamiz Prezidenti Sh.Mirziyoyevning «O'zbekiston uchun, xalqimiz uchun iqtisodiy mustaqilligimizga erishishda g'allaga bo'lgan ehtiyojimizni o'z kuchimiz bilan qondirishning ahamiyati haqida ortiqcha gapirishning hojati yo'q» (2017) deb ta'kidlagan teran ma'noli so'zlari zamirida g'allaning Respublikamiz hayotida nechog'lik ahamiyatga ega ekanligini to'la tasavvur qilish mumkin.

1-jadval

Arpa urug'larining dala unuvchanligiga ekish me'yorlarining ta'siri (2019- 2020 yy)

| Ekish me'yori, gektariga mln/ urug' | Abulqosim | | Temur | |
|--|--|-------------------------|--|-------------------------|
| | 1 m ² unib chiqqan o'simlik soni, dona | Dala unuvchanligi, % | 1 m ² unib chiqqan o'simlik soni, dona | Dala unuvchanligi, % |
| 2,5 | 207,5 | 83,0 | 209,0 | 83,6 |
| 3,5 | 283,9 | 81,1 | 282,8 | 80,8 |
| 4,5 | 356,4 | 79,2 | 351,5 | 78,1 |
| 5,5 | 419,1 | 76,2 | 414,7 | 75,4 |

Arpaning O'zbekiston Respublikasi Davlat reyestriga kiritilgan "Temur" va "Mavlono" navlari tadqiqot obyekti bo'lib hisoblansa, Qoraqalpog'iston respublikasi sug'oriladigan yerlarida kuzgi arpani ekish me'yorlari va chuqurligini uyg'unlashgan holda o'rganish tadqiqot obyekti bo'lib xizmat qiladi. Dala tajribalari ToshDAU Nukus filialidagi tajriba maydoni va uy sharoitida 2019-2020-yillarda davomida o'tkazildi.

Tuproq va o'simlik namunalalarining tahlili laboratoriya amalga oshirildi. Tajribalarni o'tkazishda «Dala tajribalarini o'tkazish uslublari» (O'zPITI, T., 2007), B.A.Dospexovning «Metodika polevogo opita» (1985), don sifati «Metodicheskiye rekomendasi po osenke kachestva zerna» (1977), «Metodi biohimicheskogo issledovaniya rasteniy» (1987) uslublaridan foydalanildi.

Tajribalarimizda ekish me'yorlari urug'larning dala unuvchanligiga sezilarli ta'sir qildi. Urug'larning dala unuvchanligi ekish me'yorlariga va navlarga muvofiq "Abilqosim", "Temur" navlari bo'yicha 76,2 dan 83% gacha va 75,4 dan 83,6% gacha o'zgarib turdi (1-jadval). Urug'larning dala unuvchanligi ko'pchilik hollarda laboratoriya

unuvchanligidan kam bo'ladi. Urug'larning dala unuvchanligi urug'larning sifatiga, agrotexnikaga, tuproq-iqlim sharoitiga, urug'lar, maysalarning kasallik va zararkunandalar bilan zararlanishiga hamda boshqa omillarga bog'liq bo'ladi

Tadqiqotlarimizda (1-jadval) "Abulqosim" navi getktariga 2,5 mln. unuvchan urug' ekilganda dala unuvchanligi muvofiq holda 83,0; 83,6% bo'ldi. Ekish me'yori getktariga 5,5 mln. unuvchan urug' bo'lganda dala sharoitidagi unuvchanlik 2,5 mln. unuvchan urug' ekilganga nisbatan "Abulqosim" navida 6,8%, "Temur" navida esa 8,2% kamaydi.

Xulosa. Xulosa o'rnida shuni aytish joyizki, ekish me'yori oshib borishi bilan urug'larning dala sharoitida unuvchanligi kamayib boradi.

Xalida MATJANOVA, b.f.n., dotsent,
Baxitgul QURBANIYAZOVA, q.x.f.n., dotsent,
Gulmira ERJANOVA, magistrant,
Ra'no JUMATOVA, assistant,
ToshDAU Nukus filiali.

ADABIYOTLAR

1. Dala tajribalarini o'tkazish uslublari, O'zPITI, -Toshkent, 2007.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. –Москва, «Колос» 1985,
3. Ataboyeva Н., Qodirho'jayev O. O'simlikshunoslik. – Toshkent, «Yangi asr avlodи», 2006. – B. 300.
4. Yorqulova Z., Xalilov N. Kuzgi arpaning o'sishi, rivojlanishi va hosildorligiga ekish muddatlari va o'g'itlash me'yorlarining ta'siri // Agrar fani va ishlab chiqarishni rivojlantirishda yosh tadqiqotchilarining o'rni va istiqboldagi vazifalari. Stajyor-tadqiqotchi-izlanuvchi, katta ilmiy xodim-izlanuvchi va mustaqil tadqiqotchilarining ilmiy-amaliy anjumani to'plami. I-qism. Samarqand, 2012. 100-103- b.
5. Mamatqulov A. Bahorgi arpa duragaylarida mahsuldar tuplanish belgisining irsiyanishi // O'zbekistonda g'allachilikning yaratilgan ilmiy asoslari va uni rivojlantirish istiqbollar. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi ilmiy maqolalar to'plami. – Jizzax, «Sangzor», 2013. 67–69-b.

УЎТ: 633.511/631.5

ТАДҚИҚОТ

АДИРЛИ ТУПРОКЛАРДА НЎХАТНИНГ ТУПРОК ЧУНУМДОРЛИГИ ВА АЗОТ ТЎПЛОВЧИ БАКТЕРИЯЛАРГА ТАЪСИРИ

В статье представлены результаты изучения влияния гороха на плодовитость земли и азотовырабатываемость бактерий и приведены полезные знания.

The article presents the results of studying the influence of peas on the fertility of the earth and nitrogen production of bacteria and provides useful knowledge.

Маълумки, ҳар бир тупроқ ва ўша ердаги иқлим шароитlaridан келиб чиқиб ҳамкор экинларни танлаш учун тажribalар орқали аниқланди, бунда, албатта, навбатlab экишда уларнинг илдизларида ижобий ассоциация, яъни ўзаро биринчи маҳсулотнинг иккинчи хил турнинг ўсишига ижобий таъсири ёхуд бутунлай зарарли маддаларни ахратиб, мутлоқ салбий таъсири этиши мумкин. Шунингдек, гўза ёки бедага у ёки бу даражада салбий таъсири этувчи begona ўтларнинг кўпайиб кетиши экилган беда ёки ҳар қандай экиннинг илдизларини ўстирмайди. Агар экинлар тўғри алмашиниб экилса, тупроқдаги чиринди ва азот микдори тупроқ унумдорлигига боғлиқ бўлишилиги Д. Умарова, Н. Беседин, Қ. Мирзажонов (1990), М. Тоҷиев (2009) тадқиқотларида кўrsatilgan.

Фаргона вилояти адирли ерларида 2016 йилдан бўён олиб борилган стационар тажribalardar nухатni "Лаззат" navi bilan olib borilgan tajribalarda doimo fўza kuzgi buғdoy bilan na-vbatlab ekib kelingan variantlar nazorat sifatiida, tajriba

вариантлariда buғdoy shudgorlaniб (nam suvidan сўнг) nухатning urugini nitrugrin bilan ishlaniб, kўchat sonlari 100, 150, 200 ming dona қилиб belgilandi. Shunga kўra, urug' sарфи 8% ortiq ekiлди. Tup sonlarininng turplicha қилиб oliniшига sabab, azot ўғитini 70, 100, 140 kg/га mikordorda ekiшdan oлдин 40% ni, gуллашдан oлдин 60% ni kultivator ўғitlagich bilan 15-16 см. чукурликka berildi. Tажriba tizimida 100, 150, 200 ming kўchat ikki xil N,P,K-70, 100, 140 kg/га, назоратда esa shudor 20-25 см. чукурpicda ўғitsiz xайдалди, kўchat soni 150 ming tupni koldirishi rejalahstiрилган.

Тадқиқot ishlariда ўсимлик ildizini barcha variantlarda 5 ta tupa 35 см. gacha chukurlikda tranne usulida kavlanib, sувга тўлдирилди. Бунинг ҳар бир тури ekiш schemasiga kўra tup atrofifidan $60 \times 10 = 600$, $60 \times 15 = 900$, $60 \times 5 = 300$ см² ni tashkil etdi.

Olinigan maъlumotlarda nухатni fazalar bўйичa bўйи, shoхlari, dukkaklari fунчалаш, gуллаш boшланганnda ёppasiga gуллагандагi ildizlardagi tуганаклар soni kavlanib, водопро-

вод сувида ювиб олинганда ўғитсиз экилган варианта умуман шаклланмади, чунки аввал бу ерларга дуккаклилар экилмаган. Нўхатни экишдан олдин 70 кг/га соф азот берилганда, барча вариантида кўчат сонидан қатый назар, туганаклар гунчалаш (шоналаш-дуккак ҳосил қилиш) фазасида тупроқнинг 3-8 см. чукурлигига, ўғит миқдори 100 кг/га бўлганда 7-10 см. қаватда 150 кг/га азот солинганда 6-16 см. қаватларида ҳосил бўлишилиги аниқланди. Эслатиб ўтиш жоизки, нўхат ҳам бошқа дуккаклилар каби тупроқ намлиги таъсирида туганак бактериялар шаклланишига ўта таъсири этиши кузатилди. Масалан, биринчи ўғитлашда йиллик азотнинг 40 фоизи экишдан олдин солинганда, намлик 65% бўлганида биринчи сувни беришга тўғри кепди, намлик 75% ортганда, туганаклар йирик илдизларда ҳам кейинги (2-3 тип) ён илдизларда ҳам 3-4 кун ичидаги кузатилди, бунда туганаклари лупа орқали саналди.

Кўриниб турибдики, туганакларнинг сони кўчат сонига боғлиқ бўлиб, азотли ўғитлар таъсирида катта ўзгаришларга учрамайди. Бунинг биологик ҳосиятидан келип чиқиб хулоса қилинса, азотли ўғитлар солинганда туганаклар ўсишдан тўхтайди, баъзан, масалан, 150 кг/га фосфорсиз ва калийсиз ўстирилганда, ўсиш, умуман, эркин ҳаво азотини ўзлаштириши тўхташлиги аниқланди.

Туганаклар сонига азотли ўғитнинг таъсири.

| № | Кўчат сони | Азот миқдори, кг/г | 20.04 | 30.05 | 1.05 | 10.05 | 20.05 | Умумий вазни, г |
|---|------------|--------------------|-------|-------|------|-------|-------|-----------------|
| 1 | 100 | 70 | 25 | 44 | 25 | 214 | 318 | 3.6 |
| | 150 | 70 | 19 | 31 | 113 | 224 | 302 | 3.4 |
| | 200 | 70 | 13 | 16 | 48 | 200 | 18 | 0.3 |
| 2 | 100 | 100 | 35 | 60 | 95 | 288 | 304 | 8.3 |
| | 150 | 100 | 25 | 78 | 112 | 316 | 340 | 6.0 |
| | 200 | 100 | 23 | 18 | 49 | 86 | 25 | 1.3 |
| 3 | 100 | 150 | 31 | 28 | 33 | 301 | 300 | 10.2 |
| | 150 | 150 | 26 | 30 | 24 | 214 | 280 | 8.1 |
| | 200 | 150 | 18 | 17 | 30 | 101 | 30 | 0.8 |

Нўхат ўсимлиги илдизидаги туганаклар сонига азот ўғитининг таъсири.



Нўхат ўсимлигининг илдизидаги азотсиз ва азот 100 кг/га берилгандаги илдизи.

1-расм. Азотсиз назорат.

2-расм. 100 кг/га азот солинган назорат.

Демак, нўхат ўсимлигига туганак бактерияларни шаклланиши учун 70 кг/га соф азот ўғити етарли бўлиб, намлик ва озиқланиш майдонига кўпроқ боғлиқ бўлиб, фотосинтетик барг сатҳи меъёрида ишламаганлиги сабабчидир.

Ўсимлик ўсиши билан илдизлар ўртасидаги, жумладан, туганак бактерияларнинг шаклланиши илдиз ўйғонлиги, улардан ўсиб чиқаётган ёнилдизлар бакувватлигига боғлиқ бўлишилигини расмлардан кўриш мумкин.

Демак, нўхат ўсимлигининг илдизлари ҳам гектардаги кўчат сонига, мева шоҳларининг ўсиши эса қўёш нурининг тушиш даражасига боғлиқ эканлиги, туганаклар сонига туп озиқланиши ўта таъсири этди. Биринчи марта адирли ерда экилганлиги учун нитрагин билан ишлаш лозим.

Мадина ГАЙБУЛЛАЕВА,
ФарДУ ўқитувчиси.

АДАБИЁТЛАР

- Курсанов Л. Транспорт ассимилятов растений. Москва, Наука, 1976.
- Бекназаров Б. Ўсимликлар физиологияси. Тошкент. Мехнат, 2009.
- Назаров М., Мирзажонов К., Ибрагимов О. Деҳқончилиқда тежамкор технологиялар. Тошкент, 2014.

УЎТ: 635. 21:631. 52.

ТАДҚИҚОТ

КАРТОШКАНИНГ ЯНГИ “БОГИЗОГОН” НАВИНИ ЭКИШ ТАРТИБИ

The article presents the results of studying the growth, development, productivity, total and marketable yield, the yield of seed tubers and the multiplication factor of a new medium-early potato variety Bogizogon at an early and two-yield crop. The highest yield (34.9-47.0 t/ha), the multiplication factor (4.7-4.8) at the potato variety Bogizogon at an early and two-yield crop was obtained with a two-line-ribbon planting method. At the same time, the highest marketable yield (34.4-46.5 t/ha) and an increase in yield per hectare of 3.8-7.4 tons were noted.

Кейинги йилларда картошка экининг йирик туганакмевали (Аладин, Аризона, Савиола, Кондор, Пикассо, Яроқли-2010, Эволюшн, Воларе, Сильвана, Лизетта, Роко, Арсенал, Алмера каби) навларининг кенг жорий этилиши ҳосилдорликнинг ошишига олиб келса-да, лекин уруғлик туганаклар ҳосили чиқими

ва кўпайиш коэффициентининг етарли даражада эмаслиги қайд этилмоқда.

Айрим ўтказилган тадқиқотларда кечки картошканинг ўртапишар “Сулев” ва “Лорх” навларини 90+30x20 см схемада кўшқаторлаб экиш уруғлик картошка ҳосилдорлиги, уруғбоп туганаклар чиқимига ижобий таъсири этиши

қайд қилинган. Лекин картошка экини турпи муддат (эртаги, кечки) ва усулларда (одатдаги ва иккисинлик экинлар сифатида) етиширилганда йирик туганакли тезпишар ва ўртатезпишар навлар ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, уруғбоп туганаклар чиқими ва кўпайиш коэффиценти етарлича ўрганилмаган.

Шуни ҳисобга олиб, биз 2015-2017 йиллар мобайнида Самарқанд вилояти Оқдарё туманида жойлашган Самарқанд ветеринария медицинаси институти ўкув-тажриба хўжалигининг эскидан сугориладиган ўтлоқ тупроқлари шароитида маҳсус дала тажрибаси ўтказдик.

Тажрибада обьект сифатида картошканинг янги ўртатезпишар "Боғизоғон" нави олиниб, эртаги ва иккиҳосилли экин сифатида 3 усулда - 70x19 (анъанавий), 90x15 (кенг қаторлаб) ва 90+30x22 см (кўшқаторлаб) тартибида экиб, ўзаро таққосланди (1-жадвал).

Кўшқаторлаб 90+30x22 см тартибда экилганда ўсимлик ўсув даври 88 кунни ташкил этиб, энг юқори ўсиш ва ривожланиш, бақувват палак шакпланиб, маҳсулдорлик кўрсаткичлари бир туп туганак ҳосилли навлар бўйича 1188 грамм, битта туганак масасининг 135 граммгача ортишини таъминлади. Кенг қаторлаб ва кўшқаторлаб экиш усулларида ўсимлик атрофи (бўғзи) тупроқ билан етарлича таъминланиб сув, озиқа ва, айниқса, ёруғликдан фойдаланишга кулагай шароит яратилиши билан асосланади. Юқоридаги қонуният картошка ўрганилган навда иккиҳосилли 1-жадвал.

Картошка Боғизоғон навини турли етиштириш ва экиш усулларида ўсиши, маҳсулдорлиги, товар ва уруғбоп ҳосил чиқими ҳамда кўпайиш коэффициенти (2015 - 2017 йиллар)

| № | Етиштириш ва экиш тартиби | Уруғбоп туганаклар унвучанлиги, % | Ўсув даври, ўн ҳисобда | Ўсимлик бўйи, см туглаш даврида) | Поя сони, дона | Бир тупнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари | | | | Ҳосилдорлик, т/га | Шундан | | | | Экиш месёри, т/га | Кўпайиш коэффициенти | |
|---|---------------------------|-----------------------------------|------------------------|----------------------------------|----------------|--|------------|---------|----------------------------|-------------------|--------|---------|-------|-------|-------------------|----------------------|-----------------------|
| | | | | | | палак | туганак | туганак | битта | | товар | уруғбоп | ҳосил | ҳосил | | | |
| | | | | | | массаси, гр | ҳосили, гр | сони | туганак ўртача массаси, гр | | ҳосил | ҳосил | т/га | % | т/га | % | |
| Эртаги экин сифатида етиштирилганда | | | | | | | | | | | | | | | | | 1,1 - 2,5 т/га |
| 70x19см(наз.) | 99 | 88 | 92 | 4,7 | 372 | 809 | 8,0 | 101 | 39,7 | 39,1 | 98,5 | 12,4 | 31,6 | 4,0 | 3,1 | | |
| 90x15см | 97 | 89 | 98 | 5,0 | 416 | 1012 | 8,7 | 116 | 45,3 | 44,8 | 98,9 | 14,8 | 33,1 | 4,0 | 3,7 | | |
| 90+30x22см | 98 | 89 | 105 | 5,1 | 424 | 1188 | 8,8 | 135 | 47,0 | 46,5 | 99,0 | 18,3 | 39,3 | 4,0 | 4,8 | | |
| ЭКФ₀₅= | | | | | | | | | | | | | | | | | 1,1 - 2,5 т/га |
| Иккиҳосилли экин сифатида етиштирилганда | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 70x19см(наз.) | 92 | 84 | 86 | 3,4 | 345 | 765 | 6,8 | 113 | 31,4 | 30,6 | 97,6 | 12,4 | 40,5 | 3,5 | 3,5 | | |
| 90x15см | 93 | 88 | 90 | 3,9 | 356 | 802 | 7,0 | 115 | 32,8 | 32,2 | 98,1 | 13,4 | 41,6 | 3,5 | 3,8 | | |
| 90+30x22см | 92 | 88 | 89 | 4,0 | 360 | 819 | 7,0 | 117 | 34,9 | 34,2 | 98,7 | 16,3 | 47,3 | 3,5 | 4,7 | | |
| ЭКФ₀₅= | | | | | | | | | | | | | | | | | 0,9 -2,8 т/га |

Барча ўрганилган экиш усулларида гектарида туп қалинлиги бир хил, яъни 74000 донани ташкил этди. Делянканинг майдони қатор ораси 70 см бўлганда 112 м², 90 см - 144 м², 90+30x22 см схемада - 192 м². Қайтариқлар сони 4 та бўлди.

Экиш баҳорда 8-10 марта 6-8 см, ёзда янги ковланган туганаклардан 28-30 ионда 8-10 см чуқурлиқда амалга оширилди. Янги ковланган туганаклар иккиҳосилли экин сифатида экишолди ўстириувчи стимуляторлар эритмасида (100 литр сувда 1 кг тиомочевина, 1 кг радионли калий, 0,5 г гиббериллен, 2,0 г қаҳрабо кислотаси ва 5-10 л Рослин) 2-3 дақиқа ишланиб, нишлатилди. Гектарига N₂₀₀ P₁₆₀ K₁₀₀ килограмм меъёрда берилиб, 8 марта 1-2-5 тартибида сугорилди.

Дала тажриба участкасида кузатиш, ўлчаш ва ҳисоблашлар ҳамда парваришлар тадбирлари умумиқабул қилинган услуб ва тавсиялар асосида олиб борилди.

Олинган натижаларга кўра, эртаги экин сифатида картошка "Боғизоғон" навини экиш анъанавий усулда 70x19 см тартибида амалга оширилганда, ўсув даври 88 кунни ташкил этиб, гуллаш даврида ўсимлик бўйи 92 см, поя сони 4,7 дона, бир туп палак массаси 372 г, туганак ҳосили эса 809 граммни, тупдаги битта туганак ўртача вазни 101 грамм эканлиги маълум бўлди.

Картошка кенг қаторлаб 90x15 см тартибида экилганда, анъанавий 70x19 см тартибида нисбатан ўсув даври барча синаланган етиштириш усулларида 1-4 кунга узайгани, ўсимлик бўйи 4-6 см, зиёд бўлгани, бир туп палак вазни 11-44, туганак ҳосили эса 37-203 грамма юқори эканлиги аниқланди.

екин сифатида ўстирилганда ҳам қайд этилди.

Умумий ҳосилдорлик картошка "Боғизоғон" навида етиштириш ва экиш усуллари бўйича кескин фарқланди.

Картошканинг "Боғизоғон" нави эртаги экин сифатида анъанавий 70x19 см тартибида экилганда ҳосилдорлик гектаридан 39,7 тоннани, шундан товар ҳосил 39,1 тонна ёки 96,8-98,5 фоизни, уруғбоп ҳосилдорлик эса 12,4 т/га ни, кўпайиш коэффициенти 3,1 ни ташкил қилди. Кенг қаторлаб 90x15 см тартибида экилганда эса ҳосилдорлик гектаридан 45,3 тоннани, уруғбоп ҳосил 14,8 т/га ни, кўпайиш коэффициенти 3,7 эканлиги қайд этилди.

Кўшқаторлаб экиш усулида ҳосилдорлик гектаридан 47,0 тоннани ташкил этиб, энг юқори уруғбоп ҳосилдорлик (18,3т/га) ҳамда кўпайиш коэффициенти (4,8) экиш 90+30x22 см тартибда амалга оширилганда олинди. Худди шунга ўхаш маълумотлар картошканинг ўрганилган мазкур нави иккиҳосилли экин сифатида экилганда ҳам кузатилди.

Демак, картошканинг йирик туганакли "Боғизоғон" навини эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида кўшқаторлаб 90+30x22 см тартибида экиш, анъанавий 70x19 см тартибида экишга нисбатан бир хил (74 минг) туп қалинлигига гектаридан энг юқори (47,0 т/га) ҳосилдорликни ҳамда кўпайиш коэффициентини (4,8) таъминлаш имконини беради.

Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ,
қ.-х.ф.д., профессор,
Ирода ЛУКОВА,
мустақип излануви.

АДАБИЁТЛАР

1. Т.Э.Остонақулов, А.Х.Ҳамзаев. "Ўзбекистонда картошкачиликнинг илмий асослари". Т., Фан. 2008. 443 б.
2. Остонақулов Т.Э. Ўзбекистонда туганакмевали экинлар. Монография. Тошкент. "Наврӯз" нашриёти. 2020. 324 б.
3. Б.А.Доспехов - "Методика полевого опыта" - М., Колос, 1985. 271-294 с.
4. Веб сайтлар: <https://agrofak.com/rastenievodstvo/kartofel/html>

— ТОПИНАМБУРНИНГ “ФАЙЗ-БАРАКА” ВА “МҮЖИЗА” НАВЛАРИ ЎСИМЛИКЛАРИДАГИ ПОЯЛАР СОНИГА ЭКИШ-МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ —

Topinambur, like other root crops (potatoes, sweet potatoes), have the ability to produce several main stems at the same time, and these stems develop from the “eyes” of the stems. According to the results obtained on the effect of planting dates on the number of stems in the varieties “Fayz-Baraka” and “Miracle”, a small difference was found.

Топинамбурнинг биологик фаоллиги билан иммунитетни рағбатлантирувчи, антитоксик, антистресс, адаптоген ва антиоксидантлик хусусиятларга эга эканлиги бугунги кунда олимлар томонидан расмий тан олинган. “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навларининг ўсимликларидағи поялар сонига экиш муддатларининг таъсири бўйича олинган натижаларга кўра ўзаро кичик фарқланиш аниқланди. Жумладан, «Файз-Барака» навида 5 апрелда экилган туганакларда 3,1 та, 15 апрелда экилган туганакларда 2,6 та, 25 апрель ва 5 майда экилган туганакларда эса 2,4 тадан поялар шаклланган бўлса, ушбу кўрсаткич “Мўжиза” навида экиш муддатига боғлиқ ҳолда 3,3 дан 2,7 донагача камайиб борди. Маълумки, ҳосилдорликнинг ошиб боришида (фотосинтезда) поялар ва барг сони муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу фарқланишининг сабаби шундан иборатки, эртароқ экилган туганаклардан (кулай икlim шароитида) поялар эртароқ пайдо бўлади ва ривожланади.



1-расм. Топинамбурнинг “Файз-Барака” нави туганакларини экиш муддатлари бўйича ўсимликтининг асосий пояси баландлиги ва поялар сони.

Бизнинг таҳрибаларимизда экиш муддатларининг ораси бир ой бўлиб (5 апрель-5 май) охирги экиш муддатидан кейин июнь-июль ойларида ҳаво ҳарорати жуда ўқори (+ 40..45°C) бўлганлиги сабабли ўсимликларда янги пояларнинг пайдо бўлиши камайди (1-расм).

“Мўжиза” навида ҳам топинамбур уруғлик туганакларини экиш муддатига боғлиқ равиша ўсимлик асосий поясининг баландлиги турлича бўлди. Туганакларни экиш муддатлари

эрта бўлган варианtlарда ўсимлик бўйи баланд, экиш муддати кечикиши билан ўсимлик поясининг бўйи ҳам пасайиб бориши кузатилди. Битта ўсимлиқдаги поялар сони ҳам худди шундай ўзгаради, яъни 5 апрелда экилганида ўртacha 3,2 дона, 25 апрелда ва 5 майда экилганида эса тегишли равиша 2,3 ва 2 дона пой ҳосил бўлган. Олинган натижаларга кўра, ўрганилган топинамбур навларида ўсимликларидағи поялар сони туганакларни экиш муддатига боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланди. Туганаклар кеч муддатларда экилганида поялар сонининг тегишли равиша камайиши кузатилди (2-расм).



2 - расм. Топинамбур “Мўжиза” нави туганакларини экиш муддатлари бўйича ўсимликтининг асосий пояси баландлиги ва поялар сони.

Топинамбурнинг ўсиши ва ривожланиши учун қанчалик қулай шароит яратилса ва етарли даражада парвариш қилинса, шунчалик кўп яшил масса ва туганак ҳосили олинади. Шу боис, тадқиқотларимизда турли экиш муддатларининг топинамбур туганак ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди.

Хулоса. Топинамбурнинг “Файз-Барака” ва “Мўжиза” навлари эрта муддатда (5 апрель) экилганда поялар сони, унинг ўсиш суръатлари, туганакларнинг сони, вазни кечки муддатларга нисбатан ўқори бўлиши аниқланди. “Файз-Барака” навида вегетация даври 164 кунни ва “Мўжиза” навида 168 кунни ташкил этди.

Айгул ЖАНГАБАЕВА,
доцент, к./х.ф.ф.д. (PhD),
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети.

АДАБИЁТЛАР

- Мавлянова Р.Ф. Изучение топинамбура в Ташкентской области. //Аграр фани: ютуқлари ва истиқболлари. Респ. науч.-пр. конф. Ташкент. 2002.
- Мавлянова Р.Ф. Культура топинамбура и её потенциал для использования. //Ўзбекистонда яратилган топинамбур индустриясининг салоҳияти: корпоратив инновацион ҳамкорлик натижалари ва истиқболлари. Респ. илмий-амалий конф. – Тошкент. 2013.
- Аманова М., Мавлянова Р., Рустамов А. Топинамбур экини уруғчилиги бўйича тавсиянома. Т: «Фан», 2011.
- Амонова М.Э., Ахмедов Т., Хасанов Х. Андикон вилояти ўтлоқ-ботқоқ тупроқларида «Файз-барака» навларини мақбул экиш муддатлари. //Ўзбекистонда яратилган топинамбур индустриясининг салоҳияти: корпоратив инновацион ҳамкорлик натижалари ва истиқболлари. Респ. илмий-амалий конф. – Тошкент. 2013.

ЗАРАРКУНАНДА РИВОЖИ УНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ КУТИБ ТУРМАЙДИ

В статье приведены результаты последних исследований годы по определению динамики численности, временносности вредителей сельскохозяйственных культур и меры борьбы с ними в агробиоценозе Каракалпакстана.

Қишлоқ хўжалиги экинлари турлари жорий этилган ноёб навлар ва кўлланиладиган агротехник тадбирлар таъсирига боғлиқ бўлмаган ҳолда далада зааркунандалар учун мақбул абиотик, биотик шароит пайдо бўлганда сони ёппасига кўпайиб ўсимликлар билан озукланиши натижасида ўсиб ривожланиши ва меъерида ҳосил тўпланишига салбий таъсир этиши исботланган.

Сабаби экинлар турлари ривожланиш биоэкологиясига боғлиқ ҳолда дала да зааркунандалари тарқалиб, ҳар йили битта ёки кўргина турлари катта зарар берадиган бўлса, бошқалари тиним даврида ёзни ўтказади. Мазкур турлардан қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини ҳимоя қилиб қолиш учун ҳар йилдаги абиотик омиллар элементларига боғлиқ бўлган кураш тадбирлари олиб борилмоқда. Ташкиллаштириш усульнинг биологик ва иқтисодий самара дорлиги зааркунанданинг ривожланиш фаоллигидан ташқари усульнинг мақбул шароитда олиб борилишига боғлиқ эканлиги илмий тадқиқотлар натижасида ўз исботини топган.

Тўғри, барча қишлоқ хўжалиги экинлари турларида мавжуд бўлиб зарар келтирадиган зааркунандаларга қарши уйғунлашган қарши кураш тизими ишлаб чиқарилган ва биотопларда самарали кўлланилоқда. Шунга қарамасдан, ҳар йили ушбу салбий таъсир натижасида ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлиб, олинган ҳосилнинг сифат кўрсатичлари пасайиши кузатилмоқда.

Муаммонинг асосида бугунги кунда қишловга кетган ва қишлодан чиқиб ерга баҳордан бошлаб қишлоқ хўжалик экинлари далаларида ривожланадиган зааркунандалар турларини тўғри башорат қилиб, сонини бошқарадиган усувларни мақбул муддатларда ишлатилмаётганлиги ҳисобга олинди.

Қорақалпоғистон агробиоценозида экилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари турларида ривожланган айрим зааркунандалар тарафидан ҳисобга олиш.

талааб этиладиган ҳосил нобуд бўлаётганлиги бу борада бугунги кун талашиба тўла жавоб берадиган тадқиқотлар олиб боришина тақозо этади.

Ҳар йили мазкур агробиоценоз шароити қишлоқ хўжалиги экинлари турларида зааркунандаларга қарши қолиб борилаётган тадбирлар таҳлили шуни тақозо этадики, тавсия этилган кураш усувларини мақбул муддат ва меъерида олиб борилганда бугунги кунда нобуд бўлаётган ҳосил тўла ҳимоя қилиб қолинган бўлар эди.

Ҳар йили гўза даласида зарар келтирадиган тунламларнинг (кузги ва гўза тунлами) тухумларига қарши кураш биолабораторияда кўпайтирилган трихограмма, гўза тунлами куртига қарши бракон энтомофаги, сўрувчиларга қарши олтинкўзи тарқатиб, биологик усуслин татбиқ этиш натижасида ҳосил ҳимоя қилинмоқда.

Бундан ташқари, ўтган икки йил давомида сабзавот-полиз экинларида зааркунандалардан тамаки трипсси (*Thrips tabaci* Land), полиз шираси (*Aphis gossypii* Glov), ўргимчаккана (*Tetranychus urticae* Koch), помидор зангканаси (*Aculops lycopersici* Massee), дала қандаласи (*Lugus pratensis* L), беда қандаласи (*Adelphocoris lineolatus* Coeze), карам куяси (*Plutella maculipennis* Curt.), қовун пашшаси (*Myiopardalis pardalina* Big.), бүфдоидай бүфдоидай трипсси (*Haplothrips tritici* Kurd), бүфдоидай шираси (*Schizaphis graminum* Rond), заарарли хасва (*Eurygaster integriceps* Put), картошкада картошка куяси (*Phthorimaea opercufella* Zell.), қизил бошли шпанга (*Epicauta erythrocephala* Pall.), шоли далаларида ихтисослашган турлардан қалқонсиман чаён (*Apus cancriformis* Schaff.), Лептестерия чаёни (*Leptestheria danalacensis*), мева боғлари турларида олма меваҳўри (*Laspeyresia* (*Caryocapsa*) pomonella L.), ўрик-қамиш шираси (*Hyalopterus pruni* geoffr), шафтоли шираси (*Myzodes persicae* Sulr.), катта шафтоли шираси (*Pterochloroides persicae* Chol), мева канаси (*Bryobia redikorzevi* Reck) ва қалқондорлардан эса *Parlatoria oleae* Colvee. (бинафша ранги), *Diaspiiotus perniciosus* Comst. (Колифорния), *Parthenolecanium corni* Boische. (Акация сохта) турлари тарқалиб, сонини зарар келтириш мезонидан паст даражада камайтириш мақсадида асосан кимёвий кураш тадбирлари олиб борилди.

Бундан ташқари, ўтган икки йил давомида сабзавот-полиз экинларида зааркунандалардан тамаки трипсси (*Thrips tabaci* Land), полиз шираси (*Aphis gossypii* Glov), ўргимчаккана (*Tetranychus urticae* Koch), помидор зангканаси (*Aculops lycopersici* Massee), дала қандаласи (*Lugus pratensis* L), беда қандаласи (*Adelphocoris lineolatus* Coeze), карам куяси (*Plutella maculipennis* Curt.), қовун пашшаси (*Myiopardalis pardalina* Big.), бүфдоидай бүфдоидай трипсси (*Haplothrips tritici* Kurd), бүфдоидай шираси (*Schizaphis graminum* Rond), заарарли хасва (*Eurygaster integriceps* Put), картошкада картошка куяси (*Phthorimaea opercufella* Zell.), қизил бошли шпанга (*Epicauta erythrocephala* Pall.), шоли далаларида ихтисослашган турлардан қалқонсиман чаён (*Apus cancriformis* Schaff.), Лептестерия чаёни (*Leptestheria danalacensis*), мева боғлари турларида олма меваҳўри (*Laspeyresia* (*Caryocapsa*) pomonella L.), ўрик-қамиш шираси (*Hyalopterus pruni* geoffr), шафтоли шираси (*Myzodes persicae* Sulr.), катта шафтоли шираси (*Pterochloroides persicae* Chol), мева канаси (*Bryobia redikorzevi* Reck) ва қалқондорлардан эса *Parlatoria oleae* Colvee. (бинафша ранги), *Diaspiiotus perniciosus* Comst. (Колифорния), *Parthenolecanium corni* Boische. (Акация сохта) турлари тарқалиб, сонини зарар келтириш мезонидан паст даражада камайтириш мақсадида асосан кимёвий кураш тадбирлари олиб борилди.

Бундан ташқари, ўтган икки йил давомида сабзавот-полиз экинларида зааркунандалардан тамаки трипсси (*Thrips tabaci* Land), полиз шираси (*Aphis gossypii* Glov), ўргимчаккана (*Tetranychus urticae* Koch), помидор зангканаси (*Aculops lycopersici* Massee), дала қандаласи (*Lugus pratensis* L), беда қандаласи (*Adelphocoris lineolatus* Coeze), карам куяси (*Plutella maculipennis* Curt.), қовун пашшаси (*Myiopardalis pardalina* Big.), бүфдоидай бүфдоидай трипсси (*Haplothrips tritici* Kurd), бүфдоидай шираси (*Schizaphis graminum* Rond), заарарли хасва (*Eurygaster integriceps* Put), картошкада картошка куяси (*Phthorimaea opercufella* Zell.), қизил бошли шпанга (*Epicauta erythrocephala* Pall.), шоли далаларида ихтисослашган турлардан қалқонсиман чаён (*Apus cancriformis* Schaff.), Лептестерия чаёни (*Leptestheria danalacensis*), мева боғлари турларида олма меваҳўри (*Laspeyresia* (*Caryocapsa*) pomonella L.), ўрик-қамиш шираси (*Hyalopterus pruni* geoffr), шафтоли шираси (*Myzodes persicae* Sulr.), катта шафтоли шираси (*Pterochloroides persicae* Chol), мева канаси (*Bryobia redikorzevi* Reck) ва қалқондорлардан эса *Parlatoria oleae* Colvee. (бинафша ранги), *Diaspiiotus perniciosus* Comst. (Колифорния), *Parthenolecanium corni* Boische. (Акация сохта) турлари тарқалиб, сонини зарар келтириш мезонидан паст даражада камайтириш мақсадида асосан кимёвий кураш тадбирлари олиб борилди.

Қарши кураш усульнинг мақбул муддат ва меъерида олиб борилмаган жойларида бир неча марта тақорорий кимёвий ишлов ўтказилишига қарамасдан кутилган самара олинмаганлиги туфайли ҳосилнинг камайиши кузатилмоқда. Мазкур жараён ушбу йил давомида янада тақорорланиши, мақбул шароит ва муддатта кураш тадбирларини олиб бориш учун тайёргарликнинг суст кетиши, ҳосилнинг нобуд бўлаётган ҳосил тўла ҳимоя қилиб қолинган бўлар эди.

Мазкур агробиоценоз шароитида олиб борилаётган усульнинг биологик ва иқтисодий самарадорлигини ошириш учун ишни кечитирмай, бугундан бошлаб ташкиллаштириш талаб этилади.

Қорақалпоғистон шароитида олиб борилаётган бу борадаги илмий тадқиқотлар натижасида ҳар йили ҳавонинг $+2^{\circ}$ ва $+5^{\circ}\text{C}$ кўтарилиши март ойининг иккичи ва учинчи ўн кунликларига тўғри келиб, қишлаётган зааркунандаларнинг қишлоқ жойидан чиқишини белгилаб беради. Апрель ойи иккичи ва учинчи ўн кунлигига деярли зааркунандаларнинг 90-95% қишловдан чиқиб ривожлана бошлайди. Биринчи галда дала четидаги ўсаётган бегона ўтларга тўпланиб, май ойидан бошлаб маданий экинларга миграция қиласи.

Натижада ширалар турлари ривожланиши бошлаган биотопларда март ойининг иккичи ва учинчи ўн кунликдан бошлаб далада биолабораторияда кўпайтирилган олтинкўз, тунлам тухумларига қарши трихограммани профилактик кураш тадбири сифатида тарқатиш керак.

Мазкур агробиоценоз шароитида олиб борилаётган тадқиқот ва кузатувлар натижаларири қишловдан чиқсан зааркунандаларнинг далада ёппасига ривожланиши оддий башорат қилиш усули, мавжуд ўрикларнинг гуллаши белгилаб беради.

Қорақалпоғистон шимолий ҳудуд туманларида (Чимбой, Кегейли, Нукус) олиб борилган кузатувлар натижасида 2014 йилда ўрик 7 апрель, 2015 йилда 5 апрель, 2016 йилда 12 март, 2017 йилда 6 апрель, 2018 йилда 28 март, 2019 йилда 19 март, 2020 йилда 14 март санасидан бошлаб гуллаганлиги ҳисобга олинди.

Кўрсатилган кунлардан эътиборан далада номлари зикр этилган зааркунандалар тарафидан ҳисобга олиш.

нандалар кўпайиши ҳисобга олиниб, гектарига биолабораторияда кўпайтирилган олтинкўзни гектарига 500-3000 дона ҳисобида тарқатиш талаб этилади. Ҳисобга олинган санадан 10-15 кун ўтиши билан далада тунламлар тухуми пайдо бўлишини ҳисобга олиб, ушбу жойлар тўғри аниқланиб, биолабораторияда кўпайтирилган трихограмма энтомофагини гектарига 200000 дона ҳисобида тарқатиш мақсадга мувофиқдир.

УЎТ: 632.9:632.154.

БОДОМНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Бодом – ёнғоқсимон мевалилар туркумига мансуб бўлиб, мамлакатимиз ҳудудида жуда кенг тарқалган, қадимдан парваришланиб келинадиган дараҳтлардан биридир. Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш долзарб бўлиб, буларнинг ичидаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш устувор масалалардан бири қилиб белгиланган.

Бодом (*Amygdalus communis L.*) - раъндошлар (аноргуллилар оиласи) га мансуб дараҳт ва бутадир. Ҳозирги кунда бодомнинг 40 га яқин тури маълум. Осиё шимоли ҳамда Марказий Америкада, Европанинг жанубида, Ўрта Осиёда тарқалган. Ўзбекистонда 5 тури мавжуд бўлиб, улардан, асосан, ширин мағизли бодом (*A. communis L.*) экилади, қолганлари ёввойи ҳолда учрайди. Ўзбекистоннинг денгиз сатҳидан 1000-1200 м. баландликгача бўлган тоғли зоналарида (Фарғона водийси, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент вилоятларида) ўстирилади. Меваси пўст (пишганда ёрилиб кетади) билан қопланган қаттиқ қобикили данак (ёнғоқча) бўлиб, июль, сентябрь ойларида пишади. Мағзи таркибида 35-67% ёғ, 30% гача оқсил моддалар, шунингдек, қанд, елимсимон моддалар (аччиқ бодом таркибида 2,5% гача амигдалин) бор. Пўчоғи навига қараб юпқа (фалвирак), ўртача ва қаттиқ, мағзи эса ширин ёки аччиқ бўлади. Унинг хўжалик аҳамияти катта. Бодом, асосан, ширин мағзи учун этиштирилади.

Натижада қиши давомида биолабораторияда кўпайтирилган энтомофагларнинг табиий популяцияси кўпайиб, вегетация даври охиригача даладаги заараркунандалар сонини иқтисодий заарар мезонидан пастда ушлаб туриш ва сонини бошқариш имконияти яратилади.

Тавсия этилган тадбирлар ташкиллаштирилган далада ҳар йили заараркунандалар сони кам бўлиб, тўғри

ва сифатли олиб борилмаганда эса, биотопларда заараркунандалар турлари кўпайиб, ҳосилни нобуд этиши илмий тадқиқотларда тўла исботини топган. Шу боис, мазкур тадбирни ўз даласида жорий этиб самарадорлигига эътибор беришни тасвия этамиз.

Елмурат ТОРЕНИЯЗОВ,
ТошДАУ Нукус филиали директори,
қ.х.ф.д., профессор.

ТАДҚИҚОТ

The article presents the results of research on the study of the main pests of almonds. Studies have shown that the main pests of almond agrobiocenosis in the family Lepidoptera are almonds (*Erschoviella musculana Ersch.*), Oriental fruit on the branches, unequal silkworm on the leaves (*Lymantria hidli wood* (*Lymantria hidri wood*)) and tanym. It has been noted that walnut is the dominant species of pest among the pests that have been observed to cause damage. In almonds, the biological efficacy of insectoacaricides such as Entovant 15% em.k., and Delfos 36% em.k.

Ўрмонзорларда барпо этилаётган бодомзорлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун эрта баҳордан то ҳосил пишиб этилгунга қадар ўсимликка ҳамда унинг ҳосилига заарар келтирувчи турли хил заараркунанда ҳашаротларнинг республика миз иқлим шароитида тур таркиби, тарқалиши, заарар келтириш даври, заарлаш дараҷаси, биоэкологик хусусиятларини аниқлаган ҳолда, юқори биологик ва иқтисодий самара берадиган, ўйғунашган кураш тизимини ишлаб чиқиши ва амалиётта татбиқ этиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ўрмон агробиоценозида бодомнинг асосий заараркунандалари сифатида куйидаги заараркунандаларни кўрсатиш мумкин. Бодомга 20 тур, жумладан, яримқаттиқ қанотлилар (қандалалар) – *Hemiptera* туркумига мансуб 3 тур, тенгқанотлилар (шираплар) – *Homoptera* туркумига мансуб 3 тур, қаттиққанотлилар (қўнғизлар) – *Coleoptera* туркумига мансуб 6 тур, тангақанотлилар (капалаклар) – *Lepidoptera* туркумига мансуб 5 тур ҳашаротлар зарар келтириши аниқланган (Мирзаева С.А., Азнабакиева Д., Джураева И. 2017).

Олимлар Белоруссия шароитида бодом ва грек ёнғогининг *Juglans regia* L. турида каналарнинг янги *Aceria aerinea*, *Nalepa*, 1891, *Acariformes: Eriophyidae* турларини аниқлаган. Белоруссияда 2012 йилгача ушбу заараркунандалар

қайд қилинмаган. Ушбу турлар, асосан, Жанубий ҳудудларда, Марказий Европа, Кичик Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатлари, Австралия, Янги Зеландия каби давлатларда кенг тарқалган.

Ўзбекистон шароитида бодомнинг асосий заараркунандаси ёнғоқ меваҳўрининг *Sarrothripus musculana* Ersch., тури *Cymbidae* оиласига мансуб заараркунандаларнинг бодом ва ёнғоқ ҳосилдорлигини 40-50% айрим туманларда 80% пасайтиришини ҳамда ушбу ёнғоқ меваҳўрига қарши кураш чоралари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Ўрмон агробиоценозида бодом заараркунандаларининг тур таркибини ўрганиш мақсадида адабиётлар таҳлил қилинганда, Ўзбекистон шароитида ушбу экинларнинг заараркунандаларига биологик ва экологик хусусиятлари, тарқалиши, заарар келтириш дараҷаси ва уларнинг миқдорини бошқариш бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади. Шу мақсад сабабли, биз ўз тадқиқотларимизни ўрмонзорларда бодом заараркунандаларининг тур таркиби ва миқдорини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бордик.

Тадқиқотлар Фарғона водийси шароитида бодомчиликка ихтисослашган хўжаликларда амалга оширилди.

2018-2020 йиллар давомида олиб борилган тадқиқотларимизда тангақанотли (*Lepidoptera*) лар туркумига кирувчи зааркундалар бодомнинг мева, барг ва новдаларига жиддий зарар етказиши аниқланди.

Бодом дараҳтида тангақанотли (*Lepidoptera*) лар туркумига мансуб асосий зааркунданда ҳашаротлардан бодом мевасига ёнғоқ меваҳўри (*Erschoviella musculara Ersch.*), новдаларига шарқ меваҳўри, баргларига тенгиз ипакчи (*Lymantria dispar L.*) ва танасига ҳидли ёғоч ўймакори (*Cossus cossus L.*) зарар келтириши кузатилди. Учраган зааркундалар ичидаги вайтларда ёнғоқ меваҳўрининг зарари ортиб бормоқда.

Бодом мевалари, одатда, ушбу меваҳўр билан 20-30% гача, баъзи ийллари эса 60-80% гача заарлана-ди. Мевалар заарланиши икки хил, яъни данаги қотмаган ёш меваларда курт ядронинг марказини еб қўйиши натижасида мевалар тўклилиб кетади, пўчоғи қотган меваларда эса курт факат мева ёнлиги билан озиқланиб, унинг бутун этини еб қўяди ва фақат ташки пўстлоғини қолдиради. Натижада, мева бутунлай қораяди ёки унда тўқ-кўнгир чизиклар ва доғлар ҳосил бўлади. Зааркундандинг 2-3-авлод куртлари тана ёриқларida қишлиайди.

Тадқиқот натижаларидан хулоса қилиб айтганда, ўрмонзорларда етиштирилаётган бодомга тангақанотли (*Lepidoptera*) лар туркумига мансуб асосий зааркунданда ҳашаротлардан ёнғоқ меваҳўри (*Erschoviella musculara*

Ersch.), новдаларига шарқ меваҳўри, баргларига тенгиз ипакчи (*Lymantria dispar L.*) ва танасига ҳидли ёғоч ўймакори (*Cossus cossus L.*) зарар келтириши кузатилди. Учраган зааркундалар ичидаги вайтларда ёнғоқ меваҳўри доминант тур зааркунданда эканлиги қайд этилди.

Бодомда меваҳўрларга қарши Энтовант 15% эм.к., ва Делфос 36% эм.к. каби инсектоакарицидлар тавсия этилган сарф микдорида кўлланилса, 86,5-87,2% гача биологик самараордликка эришилди.

Анвар ҲАСАНОВ,
ТошДАУ тадқиқотчиси,
Аъзам ФОФУРОВ,
илимий ходим,
Ўсимликлар карантини
илимий-тадқиқот маркази.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзаева С.А., Азнатакиева Д., Джираева И. Ореховая плодожорка (*Sarrothripus musculara Ersch.*) – опасный вредитель в условиях Узбекистана. В кн.: Проблемы современных интеграционных процессов и пути их решения. Сборник статей Международной научно-практической конференции. В 2-х частях. 2017. Стр. 10-13.
2. Озолин Г.П. Вредители и болезни грецкого ореха и меры борьбы с ними. Стр. 70-72 в книге: Шамсиев К.Ш., Александровский Е.С., Озолин Г.П. и др. Орехоплодные в Узбекистане. Ташкент: «Мехнат», 1990, 144 с.
3. Аминов М., Абдураҳимов А. Ўзбекистон вилоятлари. Қорақалпоғистон. – Тошкент.: Қомуслар бош таҳририяти, 1995. 128 б.
4. Ахмедова Ф.Г. Материалы к микрофлоре юго-западных отрогов Тянь-Шан. – С.101-107 в кн.: Материалы 1 координационного совещания микологов Республики Средней Азии и Казахстана. Изд. АН Кирг. ССР. Фрунзе, 1960. С.184.

УЎТ: 632.2.7+937.

ТАДҚИҚОТ

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИДАГИ ПОМИДОР КУЯСИ (*TUTAABSOLUTA*) ВА УЛАРГА КАРШИ КИМЁЗИЙ КУРАШ ЧОРАПARI

*The article describes the tomato stalks that occur in vegetable agrobiocenosis and their damage to agricultural crops, as well as methods of chemical control of the pest. According to the results of the study, modern chemicals were used against tomato moth (*TutaabsolutaMeyr*) in the conditions of Andijan region. Of the drugs used, Entovant Pro gave the highest results. When Entovant Pro was administered at 0.25 kg / ha, 89.1% biological efficacy was achieved by day 7.*

Помидор энг муҳим ва қимматли сабзавот экинларидан бири ҳисобланади. Унинг пишган меваси ниҳоятда лаззатлилиги, парҳезлилиги билан ажralиб, таркибида турли витаминалар, минераллар, тузлар органик кислоталар ва углеводларни сақлайди. Лекин, помидор мевасининг таркиби ўзгарувчан бўлиб, у экин навига меваларнинг пишиш даражасига ҳосилни йигиши муддатига ўстириш шароити ва технологияси каби омилларга боғлиқ.

Сабзавот экинининг асосий зааркундаларидан бири помидор куясидир. Помидор куяси – асосан, помидор, (*Lycopersicon esculentum*) картошка, (*Solanum tuberosum*) бақлажон (*S. Melogena*) итузум, (*S. Nigrum*) ёввойи помидор, (*Lycopersicon hirsutum*) ва тамаки (*Nicotiana glauca*) экинларини заарлайди. Бу ҳашаротнинг капалаги асосан кечқурун ҳаракатланади. Бир йилда 6-12

мартағача авлод бериб кўпаяди. Помидор куяси баргнинг (бир текисда) паренхима тўқималари билан озиқланиб, унинг орқа ва олд томонидаги эпидермис қатламишнинг қолдиради.

Бу зааркунданда республикамизда 2015 йилда Навоий, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳамда Фарғона водийсининг айрим иссиқхоналаридаги ҳамда очиқ даладаги сабзавот экинларидаги учраган, 2016 йилда эса барча вилоятларнинг сабзавотга ихтисослашган хўжаликларида тарқалганилиги кузатилди. Бу ҳашаротнинг капалаги асосан кечқурун ҳаракатланади. Бир йилда 6-12 мартағача авлод бериб кўпаяди. Ўсимликка, асосан, унинг куртлари заар келтиради. Куртлари помидор барглари паренхима қаватини еб, мевасини эса тешиш кириб, озиқлана бошлайди. Куртлари 4 ёшни ўтаб озуқага тўйғач, ғумбакка айланади. Ўзбекистон шароитида

помидор куясининг битта авлоди учун (20-25°C) ўртача 22-25 кун вақт керак бўлади.

Зааркунанданинг янги шароитга тез мослаша олиши туфайли ҳозирда республикамизнинг деярли барча ҳудудларига тарқалган. Мамлакатимиз шароитида ушбу тур зааркунанданинг озуқа экин турларини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотда Андижон вилояти Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ўқув-тажриба хўжалиги шароитида помидор экини тадқиқ этилди. Кузатувлар 2020 йил давомида апрель ойидан август ойигача олиб борилди. Унга кўра, бир қатор помидор ўсимликлари чинбарг чиқариш давридан то пишиш давригача учраган помидор куясининг барча ривожланиш босқичларидан намуналар йигилди. Намуналар экин майдонларининг 10 жойидан заарланган барглар текширилди. Ўсимликларнинг помидор куяси билан заарланыш даражаси Танский, (1985), турли даражада заарланган ва назоратдаги заарланманган ўсимликлардан олинган ҳосил А.П. Де Милло (1980), Б.Д. Азимов (1995) услуби бўйича қиёсий тақослаш йўли билан аниқланди. Тадқиқотда микроскоплардан: МБС-2; МБИ-3; электрон микроскоп Телса-БС-613 (чех.); термостатнинг MEMMERT E05273 русумли ва бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланилди. Кимёвий препаратлардан Вертимелек, Энтовант-про, Индоксамектин кабилар кўлланилди.

Натижаларга кўра, тажрибада помидордаги помидор куясига қарши Энтовант Про (Индоксакарб 30%) 0,25 кг/га, Индоксамектин (Индоксакарб 7,5%+Абамектин 1,8%) препарати 0,2 л/га, андоза сифатида эса Вертимелек, 1,8% эм.к. 0,25 л/га миқдорларида сарф меъери бўйича кўлланилди. Препарат кўллашдан олдин ҳар бир ўсимлиқдан 10 та баргдаги личинкалар аниқланади. Бунинг учун ҳар бир вариантнинг 20 жойида 10 тадан 200 та барг бўлиб, улар орқали ҳар 10 та баргдаги личинкалар сони аниқланади.

Юқоридаги жадвалда помидор куясига қарши вертимелек, 1,8% эм.к кимёвий препаратини андоза сифатида кўлланган 2-вариантда 1 туп помидор экинида ўртача 10,2 дона зааркунанда борлиги аниқланди. Препарат кўлланилгандан сўнг, тажрибанинг 3-кунида 55,1%, 7-кунида 73,15, 14 кунда

71,2% ва тажрибанинг 21 кунида 52,2% биологик самарадорликка эришилди.

Тажрибамизнинг 3-варианти, яъни зааркунандага қарши Индоксамектин (Индоксакарб 7,5%+Абамектин 1,8%) препарати кўлланилди. Ушбу вариантда 1 туп помидор экинида ўртача 9,9 дона зааркунанда борлиги аниқланди. Препарат кўлланилгандан сўнг, кузатувларимизнинг 3-кунида 55,2%, 7-кунида 66,1%, 14-кунида 71,2% ва кузатувларимизнинг 21 кунида 50,1% биологик самарадорлик аниқланди.

Тажрибамизнинг 4-варианти, яъни зааркунандага қарши Энтовант Про (Индоксакарб 30%) препарати кўлланилди. Ушбу вариантда 1 туп помидор экинида ўртача 11,01 дона зааркунанда борлиги аниқланди. Препарат кўлланилгандан сўнг, кузатувларимизнинг 3-кунида 74,1%, 7-кунида 89,1%, 14-кунида 83,1% ва кузатувларимизнинг 21 кунида 80,1% биологик самарадорлик аниқланди.

1-жадвал.

Помидор куясига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги (АҚХАИ ўқув-тажриба хўжалиги, 2020 й).

| № | Тажриба вариантлари | Препарат сарф миқдори, кг/га | Бир ўсимлиқдаги зааркунандаларнинг сони, дона | | | |
|-----------------------|---|---------------------------------------|--|--|------|------|
| | | | Препарат сепишдан олдин | Препарат сепилгандан кейинги кунларда | | |
| | | | | 3 | 7 | 14 |
| 1 | Назорат | - | 9,8 | 10,2 | 12,6 | 13,8 |
| 2 | Вертимелек, 1,8% эм.к. | 0,3 | 10,2 | 4,7 | 2,9 | 3,1 |
| 3 | Индоксамектин (Индоксакарб 7,5%+Абамектин 1,8%) | 0,2 | 9,9 | 4,2 | 3,1 | 3,3 |
| 4 | Энтовант Про(Индоксакарб 30%) | 0,25 | 11,01 | 3,6 | 2,1 | 2,7 |
| Биологик самарадорлик | | | | | | |
| 1 | Назорат | - | 9,8 | - | - | - |
| 2 | Вертимелек, 1,8% эм.к. | 0,3 | 10,3 | 55,1 | 73,1 | 71,2 |
| 3 | Индоксамектин (Индоксакарб 7,5%+Абамектин 1,8%) | 0,2 | 9,9 | 55,2 | 66,1 | 64,2 |
| 4 | Энтовант Про(Индоксакарб 30%) | 0,25 | 11,01 | 74,1 | 89,1 | 83,1 |

Хулоса. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлди, помидор экинидаги помидор куясига қарши Энтовант Про (Индоксакарб 30%) препарати 0,25 кг/га меъёрида кўлланилганда 7-куни 89,1% биологик самарадорлик аниқланди. Кўлланилган бошқа турдаги кимёвий воситаларда биологик самарадорлик нисбатан кам кузатилди. Помидордаги куялар миқдорини бошқаришда Энтовант Про (Индоксакарб 30%) препаратини 0,25 кг/га меъёрида кўллаш тавсия этилади.

Умиди ИСАШОВА,
к./х.ф.ф.д., доцент,
Гулнора НАЗИРОВА, магистрант,
Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти.



АДАБИЁТЛАР

- Хўжаев Ш., Холмуродов Э.А. “Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология”. Тошкент. 2014 йил
- Sulaymonov, B. A., Isashova, U. A., Rakhmanova, M. K., Parpiyeva, M. Q., &Rasulov, U. S. (2019). Systematic analysis of the dominant types of entomophages in fruit orchards. Indonesian Journal of Innovation Studies, 8.
- Anorbayev, A. R., Isashova, U. A., Rakhmonova, M. K., &Jumayeva, A. N. (2019). Development and Harm of Liriomyza Sativa Blanchard leaf-mining Flies. IndonesianJournalofInnovationStudies, 8.
- Abe Y. & Kawahara T. (2001). Coexistence of the vegetable leafminer; Liriomyzazasativaee(Diptera: Agromyzidae), with L. trifolii and L. bryoniae on commercially growntomato plants. Applied Entomology and Zoology 36: 277 - 281.

ДРОЗОФИЛАНИНГ РИВОЖЛАНИШ БИОЛОГИЯСИ

There are highlighted the results of testing development biology of D. melanogaster and its importance in working out the genetic methods of struggling against human and animal deceases in the article.

Турларнинг эволюцион биологиясини ўрганишда D. melanogaster Mg. ҳашаротининг метаморфозасини ўрганиш мухим илмий-назарий аҳамият касб этади. Ушбу ҳашарот XIX аср охирларига келиб инсониятнинг мухим илмий-тадқиқот объектларига айланга бошлади. У, айниқса, Американинг буюк олими Томас Морган эътиборини ўзига тортди. Унинг дрозофилага ҳашароти устида олиб борган мухим экспериментлари кўплаб табиатшунос олимларни биологик тадқиқотларга илҳомлантириди. Бу ҳашарот биогенетик тадқиқотлар учун энг қулай обьект ҳисобланниб, қарийб барча биологлар ўз тадқиқотларини ушбу ҳашаротнинг ривожланиш циклини ўрганиш билан бошлайди. Ушбу тур Drosophila FII. авлодига мансуб бўлиб, 2-3 мм. катталикда, қўнғир ёки сариқ рангли, қизил кўзли, икки қанотли ҳашаротдир. У синантроп ҳашарот бўлиб, ер юзининг қарийб барча биооценозларida инсонга яқин маший бино объектларида, чорвачилик бинолари ва экотопларда кенг тарқалган бўлиб, ўта серпушт биологик тур ҳисобланади. Тухум ва личинкаси эмбрионал даврда суюқ биологик мухитда яшайди. Урғочиси эркағидан катта бўлади ва бир қанча морфологик белгилари билан фарқ қиласди. Урғочисининг қорин қисмларидаги тергитлари 8 та бўлиб, яхши ривожланган. Эркагиники эса 6 та бўлиб, 7-си бирлашиб кетган. Танаси туклар билан қопланган.



ВИТИ зообиоценотик худудида кўп тарқалган тур D. Melanogaster нинг ривожланиш метаморфозаси ўрганилди. Бунда маҳсус озиқа сифатида олма меваси мағзи қўлланилди. Тажрибаларда энтомологик садок, 1-3 литрли шиша идишлар, Петри чашкаларидан фойдаланилди. Турнинг ривожланиш биологиясида қуйидаги хоссалар аниқланди.

Бунда, тухумлик (эмбрионал) даври 1 кунгача давом этади. Янги қўйилган тухумлар оқ тусли бўлиб, шакли узунчоқ, охирги қисмида иккита ясси узун ўсимтаси кўриниб туради.

Биринчи ёшдаги личинка даври 2 кун давом этади. Тухумдан чиқсан оқ тусдаги личинканинг ранги ўзгаради, тухум ичидаги личинкаларнинг ранги ўзгармайди. Личинкалар тухумдан чиққач, бўшаган қобиқни четга суреб ташлайди. Барча 1-фазадаги личинкалар (ялангоч) хитин қобиги (пўчоғи) билан ўралган бўлиб, бу босқичда улар фаол озиқланади ва ривожланади.

Иккинчи ёшдаги личинка босқичи 4-6 кун давом этади. Бу ёшдаги личинка биринчи ёшдаги личинкага нисбатан кучлироқ ривожланади. Бунда бўртиқчалар (ўсимта) ва бошқа органлар ривожлана бошлайди, танаси катталашиди. Учинчи ёшдаги личинка босқичи 5-9 кун давом этади. Бу ёшдаги личинка анча тараққий этган бўлиб, ички органларининг яхши ривожланганлиги шаффоғ юпқа танаси (пардаси) орқали кўриниб туради. 9-куни личинка озиқланишдан тўхтайди, бирмунча вақт озиқа мухити (субстрат) устида қолади. Муайян вақт (қарийб 20 дақиқа) давомида у пробирка деворларида ҳаракатланиб, озиқа ичига кириб, ғумбак даврига ўтади. Ғумбаклик даври 5-10 кун давом этади. Кузатиш давомида ғумбак ичидаги тананинг (куколка) қимирлагани ва ривожланиши сезилиб туради. Етилган дрозофиланинг ғумбакдан чиқиши асосан куннинг эрталабки пайтлари кузатилади. Ғумбакдан янги чиқсан D. melanogaster 2-3 соат оқ рангда туради. Қанотларининг ривожланиши ғумбакдан чиққандан кейин ҳам давом этади. 5 соатдан кейин ҳашарот тўлиқ етилади.

Ушбу тажрибалар энтомология лабораторияси инсектарийси шароитида (+12 °C ҳарорат ва 35-40 фоиз намлиқда) ўтказилди.

Бу тадқиқотлар кузатишлар натижасида Drosophila қисқа давр ичидаги тез кўпайиш натижасида ривожланишини ўрганиш орқали биологиясини тўлиқ ўрганса бўлади. Drosophila пашшасининг биологиясидаги бу хусусиятидан бошқа турдаги ҳашаротларнинг биологиясини ўрганишда обьект сифатида фойдаланиш мумкин. Тухумдан чиқсан личинканинг озиқланиши катта аҳамиятга эга. Унинг фақат ўлчами эмас, балки ҳаётчанлиги ҳам аниқланади.

**Дилбар АБДУЛЛАЕВА,
таянч докторант,
Ахрор РЎЗИМУРОДОВ,
илмий маслаҳатчи, в.ф.д., профессор,
Ветеринария илмий-тадқиқот институту.**

АДАБИЁТЛАР

- Г.В.Гуляев. Генетика. Москва, "Колос", 1984.
- Н.П.Дубинин. Общая генетика. Москва, "Наука", 1986.
- А.Рўзимуродов Эволюция қонуниятлари ва зообиохилма-хиллик. "Зарафшон" нашриёти ДК. Самарқанд, 2008.

ПАХТА-ТҮҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИНИНГ МЕЖАНИЗАТОР ҚАДРЛАРГА БҮЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИКАСИ

The method of calculating the need for mechanized personnel of the main model cluster of cotton and textiles on the basis of the existing number of universal mowers and mowing tractors is described.

Ҳар бир кластер, жумладан, бош модель пахта-түқимачилик кластери (ПТК) ҳам ўз балансидаги трактор, пахта териш ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналарини тўғри бошқара оладиган, улардан йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланишини таъминлайдиган механизаторлар таркиби ва сонига эга бўлиши керак. Малакали механизаторлар билан етарли даражада бутланган машина-трактор парки кластер пахтачилигидаги барча технологик операцияларни оптимал муддатларда сифатли бажаришга эришади.

Механизатор кадрлар сонини аниқлаш масалалари бир қатор хорижий нашрларда ўз ифодасини топган. Уларда техник-хизмат кўрсатиш (ТХК) ижроҳилари ва воситаларининг таркиблари ва сонларини аниқлаш методикалари келтирилган; технологик карталардаги маълумотлар асосида механизаторлар сонини аниқлаш методикаси баён этилган; механизаторлар сони мавжуд машиналар сони ва сменавийлик коэффицентига қараб танланган; бутун хўжалик, алоҳида бригада ва звенолар учун механизаторлар сонини хисоблаш усуслари таклиф қилинган.

Биз пахта-түқимачилик кластери бош моделининг механизатор кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлашнинг қўйидаги методикасини таклиф қиласмиз.

Кластер ишлаб чиқаришида йил давомида фойдаланиладиган трактор типини танлаймиз. ПТК учун бундай трактор универсал-чопик (транспорт) тракторидир. Унинг талаб этиладиган сонини T_y символ билан белгилаймиз.

Бош модел учун бу рақам $T_y = 165$ дона.

ПТК да пахта етиширишдаги агротехник мавсумлар давомида энг узоқ муддат ишлатиладиган трактор типини танлаймиз. Бундай трактор фўза қатор ораларига март, апрель, май ва июнь ойларида ишлов берадиган культиватор билан агрегатланадиган чопик тракторидир. Унинг талаб этиладиган сонини T_q символ билан белгилаймиз. Унинг миқдори $T_q = 275$ дона.

Универсал-чопик ва чопик тракторларининг жами талаб этиладиган сони: $T_x = T_y + T_q = 165+275 = 440$ дона.

Механизаторларнинг талаб этиладиган сонини n_{mex} символ билан белгилаймиз. Механизаторлар сонини универсал-чопик ва чопик тракторларининг жами сонига тенглаб оламиз: $n_{mex} = T_x = 440$ нафар.

Пахта-түқимачилик кластерлари учун механизаторларнинг талаб этиладиган сони йил давомида фойдаланиладиган универсал-чопик (транспорт) тракторлари ва узоқ муддат давом этадиган технологик операция – фўза қатор ораларини культивациялаш машиналари билан агрегатланадиган чопик тракторларининг жами сонига тенг бўлиб, кластер машина-трактор паркидан самарали фойдаланишини таъминлайди.

Табиийки, 440 нафар механизатордан $n_y = 165$ нафари йил давомида универсал-чопик (транспорт) тракторларини бошқариш билан банд бўлади. Механизаторларнинг қолган $n_{ar} = 275$ нафари агротехник мавсумлар давомида тегишли агрегатларни бошқаради.

Ҳайдовдан олдин пахта майдонларига маъданли ва маҳаллий

ўғитларни сочадиган агрегатларни ишлатиш учун 80 нафар, ҳайдов агрегатларига 118 нафар, бороналаш ва чизеллаш агрегатларига 160 нафар, экиш агрегатларига 39 нафар, фўзларни дефолиациялаш агрегатларига 55 нафар, пахта териш машиналарига 229 нафар механизатор жалб этилади. Бўш қолган механизаторлардан бошқа ишларни бажаришда, масалан, техника таъмирида фойдаланиш мумкин.

Модел кластерни механизаторлар билан бутланганлик δ_M даражасини механизаторлар ўртача йиллик \bar{n}_{mex} сонининг физик тракторларнинг ўртача йиллик \bar{T}_{jc} сонига нисбати шаклида баҳолашни таклиф қиласмиз:

$$\delta_M = \frac{\bar{n}_{mex}}{\bar{T}_{jc}}$$

Кластерда техник соз тракторлар сони $\bar{T}_{jc} = 400$ дона, штатдаги механизаторлар сони $\bar{n}_{mex} = 350$ нафар бўлса, формулага мувоғиқ $\delta_M = 350/400 = 0,875$ ёки 87,5%.

Шундай қилиб, ҳар бир кластер истиқболда механизаторларнинг оптимал сонини аниқлаб олиши зарур. Механизаторлар сонини оптималлашда қўйидаги параметрларни (факторларни) хисобга олиш керак бўлади: экин майдонларининг ҳажми ва структураси; экинларни етишириш учун талаб этиладиган технологик операциялар сонлари ва таркиблари; балансдаги техника воситаларининг типлари ва сонлари.

**Маъоруф ДЖИЯНОВ,
ҚҲММТИ таянч докторант.**

АДАБИЁТЛАР

1. Маслов Г.Г., Карабаницкий А.П., Kochkin E.A. Техническая эксплуатация МТП: Учебное пособие / Кубанский ГАУ. 2008. – 142 с.
2. Блынский Ю.Н., Кемелев В.С. Эксплуатация машинно-тракторного парка: методические указания по выполнению курсового проекта. -Новосибирск: Новосиб. гос. аграр. ун-т, Инж. инс-т. 2014. С. 12-13.
3. <http://studfile.net/preview/383451/page:9.html>.
4. <http://studonedia.info/1-55931.html>.
5. Методические указания по анализу и оценке уровня использования машинно-тракторного парка хлопководческих колхозов и совхозов / Базаров С., Гришкова Л., Дикарев А., Хакимов А./ САНИИЭСХ, САИМЭ.– Т., 1975. – 32 с.


САБЗАВОТ СЕЯЛКАСИ ПУШТАОЛГИЧИННИГ ТЕКИСЛАГИЧИ ШАКЛЛАНТИРАДИГАН ПУШТАЛАРНИНГ ҮЛЧАМЛАРИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ

This article presents the results of a study on the theoretical substantiation of the size of the buds formed by a seed drill leveler, which takes the buds at once and sows the seeds of fine-grained vegetable crops.

Республикамиизда сабзавот экинлари уруғларини экадиган маҳсус сеялка бўлмаганилиги сабабли сабзавот уруғларини экиш маҳаллий шароитга мослашмаган, хориждан келтирилган қаторлаб экадиган сеялкалар ҳамда ҳар хил ясама экиш машиналари билан амалга оширилмоқда. Бу машиналар сабзавот уруғларини кўп қаторлаб тасма усулида ва бир хил чуқурлика эка олмайди. Бундан ташқари экишга тайёрланган далаларда пушта олиш ва экиш технологик операциялари алоҳида агрегатларда бажарилмоқда. Бу эса экиш муддатининг чўзилиши, уруғлик, меҳнат ва ёнилгимойлаш материаллар сарфнинг ортишига олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида экишга тайёрланган далаларда агрегатнинг бир ўтишида пушталар олиниб, уларнинг тепасига кўп қаторлаб тасма усулида экадиган сеялка конструкцияси ишлаб чиқилди. Ушбу сеялка пуштаолгичи текислагичи томонидан шакллантириладиган пушталарнинг үлчамларини назарий асослаш пуштаолгич текислагичининг асосий параметрларини аниқлаш имконини беради.

Пушта, тепа қисмининг эни, ёнбагирларининг горизонтга нисбатан олиш бурчаги унинг асосий үлчамлари ҳисобланади (1-расм).



1-расм. Пуштанинг геометрик үлчамлари

Сабзавот экинлари уруғларини экиш учун олинадиган пушталарнинг баландлиги 10-15 см оралиғида, тепа қисмининг кенглиги камида 35 см ҳамда уларнинг тепа қисми текисланган бўлиши лозим.

Пуштаолгичларнинг юриш чуқурликлари бир хил деб қараб, 1-расмдаги схемадан қўйидагиларга эга бўламиш:

$$S_1 = S_2; \quad (1)$$

$$S_3 = S_1 + S_2 = 2S_1 \quad (2)$$

бунда S_1, S_2 – пушта ҳосил қилиш учун тупроқдан ковлаб олинган тупроқ кўндаланг кесимларининг юзалари;

S_3 – пуштага ўюлган тупроқ кўндаланг кесимининг юзаси.

Пушталар эгатлари орасидаги масофа b , тупроқнинг ўтирилган φ_{oo} ва тўкилиш φ_h бурчаклари ҳамда пуштанинг баландлиги берилган деб қараб, 1-расмдан қўйидагиларга эга бўламиш:

$$S_1 = \frac{1}{2} h_o^2 \operatorname{ctg} \varphi_{oo}; \quad (3)$$

$$b_1 = b - 2h_o \operatorname{ctg} \varphi_{oo}; \quad (4)$$

$$b_2 = b - 2h_o \operatorname{ctg} \varphi_{oo} - 2(h_o - h_o) \operatorname{ctg} \varphi_h; \quad (5)$$

$$S_3 = \frac{(b_1 + b_2)(h_o - h_o)}{2}. \quad (6)$$

бунда h_o – пуштаолгичнинг юриш чуқурлиги;

h_o – пуштанинг баландлиги;

b – пушта юкори (тепа) қисмининг кенглиги;

b – пушта эгатлари орасидаги масофа;

b – пуштанинг дала юзаси сатҳидаги кенглиги, м.

Тупроқнинг ўтирилган бурчаги тўкилиш бурчагидан катта фарқланади ва улар бир-бирига тенг деб қарапади, яъни $\varphi_{oo} = \varphi_h = \varphi$. Буни ҳисобга олганда (5) ифода қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$b_2 = b - 2h_o \operatorname{ctg} \varphi \quad (7)$$

Буни ва (4) ифодани ҳисобга олганда (6) ифода қўйидаги кўринишни олади:

$$S_3 = b(h_o - h_o) - (h_o^2 - h_o^2) \operatorname{ctg} \varphi. \quad (8)$$


(2) ва (3) ифодаларни ҳисобга олганда (8) ифодадан қўйидагига эга бўламиш:

$$h_o = \frac{h_o(b - h_o \operatorname{ctg} \varphi)}{b}. \quad (9)$$

Бу ифода бўйича

2-расмда φ нинг турли қийматларида пуштаолгичнинг юриш чуқурлиги h_o ни пуштанинг баландлиги h_o га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари курилган.

2-расмда келтирилган графиклардан кўриниб турибдики, пушта баландлиги ва φ бурчак ортиши билан пуштаолгичнинг юриш чуқурлиги ортган, $b = 70$ см, $\varphi = 38^\circ$ ва $h_o = 10-15$ см бўлганда, пушта олгичнинг юриш чуқурлиги 8,2-10,9 см оралиғида бўлиши лозим.



1- $\varphi=30^\circ$; 2- $\varphi = 35^\circ$; 3- $\varphi=40^\circ$


2-расм. φ нинг турли қийматларида пуштаолгичнинг юриш чуқурлигининг пушта баландлигига боғлиқ равишда ўзгариш графиклари.

Нурмуҳаммад ХАМИДОВ,
таянч докторант,
ТошДАУ Нукус филиали.

АДАБИЁТЛАР

- Маматов Ф.М. Qishloq xo'jaligi mashinalari. Дарслик. – Тошкент: "Форис-нашриёт", 2014. – 390 с.
- Ҳамидов А. Қишлоқ хўжалик машиналарини лойиҳалаш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 248 б
- Кленин Н.И., Сакун В.А. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. – Москва: Колос, 1994. – 751 с.шинно-тракторного парка хлопководческих колхозов и совхозов / Базаров С., Гришкова Л., Дикарев А., Хакимов А./ САНИИЭСХ, САИМЭ.– Т., 1975. – 32 с.

ТАБИАТНИНГ БЕНАЗИР ШИФОКОРЛАРИ



Гингко билоба. Бу ноёб ўсимлиқ гарчи табиатда кам учраса-да, ўзининг шифобахшлик хусусияти билан машҳур. Ўсимлиқ баргидаги бош мия хужайралари бузилишини асрайдиган моддалар (*biloalide*) мавжуд. Гингко экстрактини уч ой давомида ичсангиз, унинг фойдасини биласиз. У нафақат мия фаолиятини яхшилайди, балки ақлни ҳам пешлайди.

Қўқ чой. Чой таркибида иккита актив модда: галотанин ва ноботанин мавжуд. Улар мия хужайралари ҳалок бўлишининг олдини олади. Шунинг учун ҳам инсультга дучор бўлган беморларга қўқ чой ичиш тавсия этилади. Врачлар мушаклар дистрофиясига йўлиқкан беморларга ҳам қўқ чойни дори воситаси сифатида тавсия қиласидар.

Лимонут. Хусусиятига кўра лимонут герпес касаллигини даволашда энг яхши таъсир этувчи дори эканлиги исботланди. Бундан бир неча йил муққаддам Болгарияда ўсимлик экстрактидан тайёрланган крем билан герпесни даволашди. Икки кундаёқ касалликтан ҳеч қандай аломат қолмади.

Хитой ангеликаси. Бу ўсимликини бежиз аёллар ўсимлиги деб атамайдилар. Бунинг боиси, аёлларнинг ҳайз кўриш вақтидаги оғриқни камайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, у қон кетишини тўхтатибгина қолмай, гормонал мувозанатни ҳам тартибга солади.

Черника. Бутадошлар оиласига мансуб ушбу ўсимлик мевасини туршак ҳолида ёки янги узилган ҳолида истеъмол қилинса ёки томчи сифатида фойдаланилса, кўздаги толикишни олади ва кўриш қобилиятини яхшилайди. Меваси таркибида фойдали пигментлар кўплиги билан ажralib турди. Кўриш қобилиятининг яхшиланганлиги – уни истеъмол қилгандан кейинги тўрт соат ичидаги билинади.

Сутли чертополох. Бу ўсимлик таркибидаги турли моддалар жигар тўқималарида хасталикни осон тузади, саратон касаллиги ўсмаларининг ўсишини секинлаштиради.



Саримсоқ. Мазкур ўсимлик ўз таркибида 200 дан зиёд фойдали моддаларни сақлайди. Сўнгги кашфиётлардан бири – саримсоқни мунтазам тановул қилиш юрак хуружининг олдини олиши тасдиқланди. У қон таркибидағи “ёмон” холестерин миқдорини камайтиради ва уни фойдали холестерин билан тўлдиради.

Занжабил. Кўнгил айниши ва ичакларнинг бураб оғришини камайтиришда занжабил ўта фойдали. АҚШ госпиталларидаги занжабилдан тайёрланган ичимлики жарроҳлик операциясидан кейин бўладиган кўнгил айнишининг олдини олиша ичишини тавсия қиласидар. Занжабил экстрактини болдирадиги қон томирада бўладиган сурункали оғриқни қайтариш учун ичиш тавсия этилади.

Грейпфрут. Бу мева кучли антибактериал дори воситаси ҳисобланади. Унинг уруғидан тайёрланган экстракт лосьонга қўшилса, терини майинлаштириш учун энг яхши восита, тиш ювиш пасталарига қўшиб, оғиз бўшлигини чайиш учун тавсия қилинади.


Каноп уруғи. Каноп уруғи таркибида Омега-3 ёғ кислотаси мавжуд. Улар шамоллашнинг ҳамда кўкрак саратони пайдо бўлишининг олдини олади.

Клюква. Бу ўсимликтин буйрак ва сийик йўли хасталикларини даволашда энг яхши восита эканлиги қадимдан маълум. Олимлар унинг яна бир фойдали хусусиятини аниқладилар. Клюква – ўпка зотилжами ва кулоқ шамоллашини келтириб чиқарувчи хемофилиус парайнфлюзину бактериясига қирон келтиради.

Маъмуржон Камилов тайёрлади.



истеъмол қилинса ёки томчи сифатида фойдаланилса, кўздаги толикишни олади ва кўриш қобилиятини яхшилайди. Меваси таркибида фойдали пигментлар кўплиги билан ажralib турди. Кўриш қобилиятининг яхшиланганлиги – уни истеъмол қилгандан кейинги тўрт соат ичидаги билинади.



СОҲИБҚИРОН:

Куч — адолатда

Амир Темур
Ўрта, Жанубий ва
Гарбий Осиё, шунинг-
дек, Кавказ, Европа
давлатлари ва Рус
тариҳида муҳим ўрин
тутган Ўрта Осиёлик
туркий ҳукмдор, сар-
карда ва зобитдир.



У 1336 йил 9 апрель куни Кеш (Шаҳрисабз) яқинидаги Хўжа Илғор (Яккабоғ) қишлоғида туғилган. Унинг хуқмронлиги 35 йил давом этган (1370 - 1405). У Инд ва Гангдан Сирдарё ва Зарафшонгача, Тянь Шанъдан Босфоргача бўлган катта салтанатни яратган. Ҳаётининг катта қисмини юришларда ўтказган. 1405 йил Хитойга юриши вақтида Ўтрор шахрида вафот этган.

Йирик давлатни яратиб, Амир Темур мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ривожи учун шароитларни тайёрлаган. Ўтган даврларнинг қадимий анъаналари янги тарихий кўринишда қайта тикланади. Яқин ва Ўрта шарқ бўйлаб Мовароуннарҳ савдо-сотиқ, иқтисод ва маданият марка-

зига айланиши замирида, Самарқанд, Кеш, Бухоро, Термиз, Тошкент, Марв ва бошқа қадимий шаҳарлар ободонлаша бошлаган. Масжид, мадраса, мақbara, карвон-сарой ва ҳаммомларнинг катта бинолари қад ростгай бошлаган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик берисича Амир Темурнинг ташаббуси билан 1365 йилда Қарши, 1370 йилда Самарқанд, 1380 йилда эса Кешнинг атрофи қайтадан мудофаа деворлари билан ўралган. Шунингдек, ҳалқ фаровонлигию, мамлакат ободончилиги йўлида сув омборлари, тўғонлар куришга, ариқлар қазиша, янги ерларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилган. Амир Темур бунёдкорлик соҳасида ҳам катта ўзгаришлар қилиб, жаҳон меъморчилигини бемисл даражада

АМИР ТЕМУР ДЕХКОНЧИЛИК ҲАҚИДА

Агар ерпик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда (хирожни) тузукка мувофиқ йигинлар. Яна амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йигинлар. Чунончи, узлуксиз равишда көриз, булок, дарё суви билан субориладиган экин ерларини ҳисобга олсинлар ва ундей ерлардан олинган ҳосилнинг (учдан) икки ҳиссасини раиятга, (учдан) бир ҳиссасини салтанат хазинаси учун олсинлар.

Агар раият рўйхатга олинган ерлардан бериладиган солиқни нақд ақча билан тўлашга рози бўлса, нақд ақча миқдорини саркорнинг ҳиссаси ҳисобланган ғалланинг мазкур даврдаги нархига мувофиқ белгиласинлар. Нарх-навоға мувофиқ олинган нақд ақчани сипоҳга етказинлар. Борди-ю, раият ҳосилни учга айришга рози бўлмаса, у чоқда ҳисобга олинган экин ерларни биринчи, иккинчи ва учинчи жарип экин ер қилиб ажратсинлар...

Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил етилишига қараб, солиқни учга бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўпловчи юбормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агарда солиқчини юборишга мажбур бўлсалар, солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак ишлатиб, ишни уриш-сўкишгacha олиб бормасинлар. Уларни боғлаб, занжир билан кишсанламасинлар.

Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартиrsa, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч

бойитди. У салтанат мафкураси, ғояси ва маҳобатини ўз бунёдкорлик ишларида намоён эта олди. Шунингдек, соҳибқирон Самарқанд шаҳри атрофида ўнлаб боғлар яратган, бу боғларда гўзал иморатлар, фаворалар ва бошқа иншоотлар қурдиран. Дунёнинг энг чекка жойларидан турфа хил ва гўзал ўсимликлар, жоноворлар келтирилган. Нафакат Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари, балки, Темур салтанатининг барча бурҷакларида ҳам кенг бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Айтишларича, бу шаҳарнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи Наҳри Барлос каналининг Амир Темур тарафидан қаздирилиши ўз даврида катта шов-шувга сабаб бўлган. Бу каналга ҳатто кемалар қатнови йўлга қўйилган. Курувчилик фаолиятида Амир Темур маълум бир сиёсий мақсадларга амал қилган – у қурдиран иншоотлар салтанатининг куч-кудратини кўрсатиб бера олиши керак бўлган.

Бошқарув йиллари давомида Амир Темур феодал тарқоқлика барҳам беради, Франция, Англия, Кастилия каби йирик Оврупа қироллуклари билан савдо-дипломатик алоқаларни йўлга қўяди.

Амир Темур тарих саҳифаларида Александр Македонский, Дарий Первый, Юлий Цезарь каби йирик саркардалар билан бир қаторда туради.

ҲАҚИДА

нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қоидасига мувофиқ хирож йигинлар.

Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, (лекин) обод қилишга курби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин.

Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар курсинлар, бузилган кўпприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига (янги) кўпприклар солсинлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар бунёд этсинлар. Йўлларга кузатувчи ва соқчиликлар қўйинлар, ҳар бир работга бир нечта одамини жойлаштирсинларки, йўлларни кузатиш ва саклаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилик молларини гафлат босиб, ўйрлатиб қўймасликларининг вазифаси ҳам ўшаларнинг зиммасида бўлсин.

ДҮНЁ ОЛИМЛАРИ АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА

«Бахтиёр жангчи, жаҳонгир, узоқ Шарқда қонуншунос бўлиш билан бирга ўзида, Осиёда кам учрайдиган тактик ва стратегик билимларни ифодалади»

Ф.ШЛОССЕР,
немис олим.

«Темур гўё Самарқанддан бошқа ҳамма ерда вайронгарчилк билан шуғулланган, деган фикр муболағали: у Қобул водийси ва Муған чўли каби Самарқанддан узоқ бўлган жойларда улкан суғориш ишлари олиб борди».

В. В. БАРТОЛЬД,
таниқли шарқшунос олим,
академик.

«Самарқанднинг шавкатли давридан қолган мөъморий асарларни ҳозирги заиф ҳоли билан қиёсланса, бугунги муҳташам биноларнинг тавсиялари муболағали туюлмайди. Султон Худобонда тарафидан Султонияда юз йил илгари қурилган масжиднинг гўзаллиги Темур тарафидан бунёд этилган ҳозирги Самарқанднинг харобалари устида қад кўтарган "Масжиди шоҳ"нинг гўзал маҳобати билан тенглаша олмас.

Мөъморчиликнинг шундай услубида кейинроқ қурилган бинолар, масалан, Исфаҳондаги Майдоншоҳдаги Масжиди Кабир, Кум ва Машҳаддаги турбалар Темур ҳиммати билан бунёд этилган иморатга нисбатан такрорийдир».

Х. ВАМБЕРИ,
можор олим

«Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда соғдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдиради. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда истеъодиди бўлган барча кишилар билан сухбатлашиб учун кўпинча таҳтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Чунки Темур бу соҳаларга ғамхўрлик килишга асосий эътиборини берарди».

Лянглэ,
француз олим.

«Темур олимларга меҳрибон, саййиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалога тўла иззат-хурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамом мұқаддам кўради. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига кўйиб, иззату икромини унга изҳор қиласди».

Ибн Арабшоҳ,
тарихчи.

"Ҳазрат Соҳибқироннинг Бойлақонни таъмир этмак доъийаси муборак хотиридан ўтди. Ул шаҳар муддати мадидким вайрон бўлуб, не бир иморати ва не бир жонивору ҳашорати бор эрди. Ул сарзаминида махсус ёрлик била хуш раво муҳандислар ва кордон мөъморлар шаҳар тарихига машгул бўлдиларким, анинг ҳандақи ва тўрт бозори ва бисёр эвлари ва ҳаммому карвонсарайи ва майдонию боги ва ғайрухуни асос этиб андоза қилдилар. Ва таноб тортиб шаҳзодалару беклар ани тақсимладилар. Черик тамоми жадди бирла ишга машгул бўлдилар. Ул иморатларнинг барчаси пишиқ гиштдан бир ой муддатда тамом этилди..."

Шарафиддин Али Яздий,
муаррих.

«Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси нафақат Марказий Осиё ва Шарқий Оврўпо, балки Русия учун ҳам катта аҳамиятга молик бўлди».

А. Ю. ЯКУБОВСКИЙ,
йирик рус олим.

АМИР ТЕМУР БОҒЛАРИ

Амир Темур даврида бетакрор боғлар яратилган ва уларга ўзига хос номлар кўйилган. Улардан энг чиройли ва машҳурлари қуидагилар:

БОГИ БАЛАНД. Соҳибқирон Самарқанд Шимолидаги Чўпонота мақбараси яқинида (ҳозирги аэропорт атрофи) набираси (Мироншоҳнинг қизи)га атаб қурдирган. уни барпо қилишида Эрон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлар боғчилик санъати усталари ҳамда мөъморлари қатнашган.

БОГИ БЕХИШТ. 1378 йилда Соҳибқирон Самарқанднинг Фарбида сунокли хотини Хайрунисога атаб қурдирган. Айрим ёзма манбаларда "Боги Жаннат" номи билан аталади. Бог ўртасидаги атрофи ҳандақ билан муҳофаза этилган сунъий тепалик устида табриз оқ мармаридан қурилган ҳашаматли сарой бўлган. Саройга бир неча кўтарма кўприклар орқали кирилган.

БОГИ ДАВЛАТОБОД. Бу bog Самарқанддан 13 км Жанубда, ҳозирги катта Ўзбекистон трактиининг чап томонида бўлган. Амир Темур бу боғда зафарли юришлардан қайтгач, дам олган, хорижий элчиларни қабул қилган. Унда ариқлар, тўртта ҳовуз, катта сарой бўлган. Сарой сунъий тепа устига қурилган, атрофи ҳандақ билан ўралган. Унга иккита кўтарма кўприк орқали кирилган.

БОГИ ДИЛКУШО. 1397 йилда Амир Темур хотинларидан бири Тукахоним шарафига қурилган. Бу bog Самарқанддан 5 км Шарқда, Панжакент йўленинг ўнг томонида (қадимий Хиждуон кишлоғи ўрнида) жойлашган. Ҳар тарафи 900 метр узунликдаги баланд пахса девор билан ўралган. Богнинг тўртта дарвозаси марказида ҳашаматли сарой бўлган. Сарой уч қаватли бўлиб, ҳар қаватида фаввора отилиб турган. Сарой деворларига Соҳибқирон олиб борган урушлардан лавҳалар чизиб кўйилган.

БОГИ ЖАҲОННОМА. Амир Темур Самарқанддан етти фарсах (42 км) нарида, Зарафшон тоғи этагида қурдирган (тахминан Ургут туманида). Унда сарой ва қалъя бўлган. Богнинг худуди жуда ҳам катта бўлиб, йўқолиб қолган от 6 ойдан сўнг топилган экан.

БОГИ МАЙДОН. Чўпонота тепалиги этагида, Самарқанднинг шимолида жойлашган. Тарихий манбаларга қараганда, боғда ҳашаматли бир айвон (кўшқ) ва қимматбаҳо тошлардан ясалган таҳт бўлган. Амир Темурнинг невараси Мирзо Улуғбек бу боғни янада обод қилган. Бу боғ ўрни ҳозир ҳам Боги Майдон деб аталади.

БОГИ НАВ. Бу боғни 1404 йилда Амир Темур Самарқанднинг Жанубида қурдирган. Лолазор қишлоғи ўрнида жойлашган. Бу боғ тўртбурчак шаклида бўлиб, атрофи баланд пахса девор билан ўралган, ҳар бурчагида минора қад кўтариб турган. Марказида бошқа боғлардагига нисбатан каттароқ қаср, унинг олдида катта ҳовуз бўлган.

БОГИ ЧИНОР. Амир Темур Самарқанднинг Шарқида (Конигилининг жануби-фарб тарафида, ҳозирги Қўштамғалик тепалиги ўрнида) барпо қилдирган. Унда ажойиб чинорлар кўп бўлган. Богнинг марказида сарой жойлашган.

БОГИ ШАМОЛ. Амир Темур 1397 йилда набираси (Мироншоҳнинг қизи)га атаб қурдирган. Бу bog Самарқанднинг Фарбида бўлган. Ундаги сарой тўртбурчак шаклида бўлиб, ҳар томони 1500 қадамни ташкил қилган.

Қўшсаҳифани
Азамат ТОИРОВ тайёрлади.

“ДҮЖЁТА ДҮЖЁДАЙ ЖЕРДАЖЕДАЙ АЁЛ”

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира ва журналист Шукуржон Жаббарова — Жозиба Хоразм вилояти Шовот туманида улгайган. 1983-1989 йилларда ТошДУнинг журналистика факультетидаги таҳсил олган. У дастлабки ижодий фаолиятини мактабдаёқ кичик ҳикоя ва мақолалар ёзишдан бошлигаран. Кўнгиллар Шовот ва Янгибозор туман газеталарида самарали фаолият юритган. 2012 йилдан буён у “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали мухбири вазифасида ишлаб келмоқда.

Бугунги кунга қадар унинг тўққизта шеърий ва насрый китоблари чоп этилган. Ш.Жаббарова Ўзбекистон Республикаси журналист аёллари ўртасида ўтказилган “Атиргул 2010” кўрик-танлови совриндоридир.



АЁЛГА МАДХИЯ

Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл.

Ҳ.Худойбердиева

Дунёга тенг ўзинг, муқаддас аёл,
Сувратинг, сиyrатинг, сифатинг иқбол.
Маъбуда, фаришта бариси ҳаёл
Сен ёрқин күёшдай юксаксан аёл!

Товушинг эшигтагач, эриб кетарлар
Йигитлар ҳаёлдан ўзиб кетарлар.
Қошингда тиз чўкиб, кучиб кетарлар
Сен ширин висолсан, кераксан аёл!

Арзигай ёrim деб нола қилсалар,
Парирўй малакка монанд билсалар,
Бошингга соябон, ҳамдard бўлсалар,
Сен буюк, сен суюк тилаксан аёл!

Онам деб ўпгайлар қошу кўзингни,
Суярсан болам деб ўғил қизингни.
Дўстга тутдинг totli ошу тузингни!
Сен толиб, сен муҳиб, тираксан аёл!

Чўлпон унут бўлгай боқса кўзларинг
Мехрга буркалган ҳар не сўзларинг.
Шоир ҳам, соҳир ҳам, зоҳир розларинг
Сен жоду, сен моҳу малаксан аёл!

Таърифи дунёни тутганлар кўпdir,
Маърифат бобида ўзганлар кўпdir.
Ўзин шер билганлар, суйганлар кўпdir
Аммо сен ягона юраксан аёл!

Бир ютум овқатни емадинг гоҳо
Фарзандинг йиғласа жон бердинг хатто
Йўлдошинг эл севса сен бердинг садо
Сен кўхлик оҳусан, истаксан аёл!

На бўлди дунёга келган эй ҳилқат,
Ҳам ота, ҳам она ўзингсан гоҳ пайт,
Сочингни ҳар торин силаб ўтар вақт,
Умр карвонида зийраксан аёл!

Чирмашиб ўсгандай гулга алафлар,
Гоҳи гийбат ичра бўлар ҳар гаплар.
Ўзин чўққа уриб фарзандин асрар,
Вафода мингбандсан, ўrnаксан аёл!

Бугун жам қошингда тахти зар шоҳ ҳам,
Рашқ қилар юзингга кўқдаги моҳ ҳам.
Шеър ёздим дил ютиб Жозиба бу дам
Дунёга дунёдай кераксан аёл!

Биз юрган боғларда гуллар шафтоли,
Ўриклар гулини тўкканди хушхол.
Хуркак кўзли нозик жайрон мисоли
Баҳор елларини ўпади ҳаёл.

Боғларга қайтади ҳамал шамоли
Мудроқ дараҳтларни ўйғотар Наврўз.
Чечаклар кўзида сеҳр мисоли
Лолалар тоғ йўлин кўриклиар, нафис.

Қалдирғоч чарх урар қанотлари тим
Мафтун оҳангларга айланар ҳаёт.
Қушларнинг чуфури ёқар мулойим
Овозли тўлқинда тинчлик, баҳт баёт.

НАВРЎЗИМ

Кўкламнинг элчиси, менинг Наврўзим,
Қири даласидан кўтарилид нам.
Сумалак қайнатар қозонда халқим,
Сўзидаиширину, нонидай хуштаъм.

Турналар овози заминга етди,
Анҳорда жилдираб зилол сув куйлар.
Дехқоним далага қадамин кўиди,
Илк куртак чиққанда берай деб тўйлар.

Истиқбол кўшигин ишқида баҳор,
Уфқа ранг берди, кунни янгилаб.
Жар солинг дунёга айтиб хушхабар:
Наврўз муборак, деб нур сочди офтоб!

Шукуржон ЖАББАРОВА.

КУЛГУ УМРНИ УЗАЙТИРАДИ!



Халқимиз кулгусевар халқ. Кулгунинг миллий жанрлари азалдан халқимиз орасида оммабон бўлиб келган. Бирон бир кунимиз йўққи, бир озгина бўлса-да кулишиб ҳангома қилмасак, латифа эшитмасак ёки бирор қизиқ воқеани эслаб кулишмасак. Халқимиз ҳам қизиқчиларимизни, ҳажвия жанрида қалам төбратаётган ижодкорларимизни жуда яхши кўради, эъзозлайди. Шундан келиб чиқсан ҳолда Кулгу куни муносабати билан сизнинг эътиборингизга бир қатор ҳажвий шеър ва латифаларни тақдим этмоқдамиз.

ФЕРМЕР

Фермер ёр чорбоғига,
Боғ сайлига чиқиби.
Пўрсилдоқ ерни кўриб,
Шодланиб, энтикиби.
Ёрга дебди шивирлаб,
Сочларини силаркан:
— Ёввойи ўтни юлиб,
— Сабзи экса бўларкан.
Ёр дебди: — Экинг, майли,
Ўтларини тераман.
Фақат бир шарт: еримни
Ижарага бераман!

Абдулла СОЛИЕВ.

СИГИР БЎЛГАН ЭР

Шодивойни хотини,
Жуда қаттиқ тергабди.
Чидай олмай Шодивой,
Мушти билан "сийлабди".
Бўлди кўзлари кўм-кўк,
Кўкка чиқди ноласи,
Кутилмаган пайтда,
Келиб қолди онаси.
-Вой жон қизим, на қилди ?,
Кўзинг нега кўкарган?.
-Сигир олгандик янги,
Курғур ёмон тепаркан.
Шодивой дер;- Онангга,
Чақиб кўнглинг тўлдими?
Ўттиз ўйллик эрингман-а,
Энди сигир бўлдимми?
Бундай гавдамга қара,
Мақтамагин урма лоф,
"Сигир" демай ҳеч бўлмаса,
"Буқа"дегин , ноинсоф.
-Гавдангиздан не қолган,
Бужмайган, фирт тараша,
Энди сизни "буқа"эмас,
"Хўкиз" десам ярашар.



Доим компьютер қаршисида ўтирадиган боланинг гапидан:

“Уйда чироқ учуб қолди. Оиласадагилар билан гаплашишга вақтим бўлди. Укам ўқишига кирибди. Синглим турмушга чиқиб кетибди. Ота-онам қариб қолишибди. Негадир бувим кўринмаяптилар?!?”

АНЖИР

Боғда анжир пишиди-я,
Тагларига тушди-я.
Анжир учун бир жонон,
Ўғирликка тушди-я.
Шартта уни ушладим,
Айтай гапнинг сирасин.
Жононнинг қулоғидан,
Олиб қўйдим сирғасин.
Жонон кўзи сузилди,
Сирға томон чўзилди.
Тўши тегди кўкракка,
Менинг кўнглим бузилди.
Унга бўлиб маҳлиё,
Ажраб ақлу хушимдан.
«Ўгрининг» «анорига»,
«Ўғирлик»ка тушибман.
«Бу на гумбаздир», дея,
Сўргим келди-ю ғоят.
Пишганмикин, хоммикин,
Билгим келди ниҳоят.
Бетга тушди «тарсаки»,
Ўта нохуш ҳис қолди.
Шимимнинг орқасида,
Туфлисидан из қолди.
Ўзи-ку анжиримнинг,
«Анжир»ини чиқарди.
Узилмаган «анор»ига,
Шунча ғавғо кўтарди.
«Шошмай тур» -дедим кейин,
Билдирай кимлигимни.
Сени олиб, ўзингга
Ювдираман шимимни.
Аҳдим қатъи, ҳали ҳам,
Ёлғиз бўйдоқ ўтятпман.
Богимда яна анжир,
Пишишини қутяпман.



Ҳайитбой ЭРГАШЕВ.

АГАР ҚЎШНИНГ...

Тўртликлар

Қассоб бўлганда қўшни,
Харид қил ундан гўштни.
Шунда фиғонинг ошмас,
Балки у... суяқ қўшмас.

Қўшнинг гар боқса капитар,
Унчаликмас бу хатар.
Агарда куён боқса,
Каптар боққандан баттар.

Қўшнинг сотиб олса мол,
Охурига пичан сол.
Сўнг сут-қатиқ сўрасанг,
Қўшнингга келмас малол.

Қўшнинг бўлса темирчи,
Ухлолмайсан “так-так”дан.
На сенга, на хотинга,
Тинчлик бўлсин қаёқдан!

Бахром ТОЖИЕВ.

Йигит:

— Менга турмушга чиқасизми?

Киз:

— Мен турмушга чиқадиган йигит кучли ва ишбилиармон ҳам бўлиши керак.

Йигит:

— Ахир мен сени безорилардан кутқардим-ку!

Киз:

— Албатта! Лекин ишбилиармон эмассизку?!

Йигит:

— Агар билсанг, ўша безориларни юборган ҳам мен бўламан.

Тўйдан кейин 2 ҳафта яшаган келин-куёв ажрашмоқчи бўлишибди.

— Нима сабабдан ажрашмоқчисизлар? – сўрабди судья.

— Сабаби оддий. Келин турмушга тайёр эмас экан, - дебди куёв.

— Қанақасига тайёр эмас экан? – сўрабди яна судья.

Куёв дебди:

— Ҳаммомга кирсам, у ҳам орқамдан кириб жанжал қилади-да, сувдаги ҳамма кемаларимни чўқтириб юборади.

Саҳифани Улугбек МАМАЖНОВ тайёрлади.

**O'ZBEKISTON QISHLOQ
VA SUV XO'JALIGI**
(Сельское и водное хозяйство
Узбекистана)

аграр-иктисодий,
илмий-оммабон журнал
(аграрно-экономически,
научно-популярный журнал)

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ВА СУВ
ХҮЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Шуҳрат ҒАНИЕВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шуҳрат ТЕШАЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Равшан МАМУТОВ
Аброл ВАХОБОВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўқтам УМУРЗОҚОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ

**2021 йил,
№4. Апрель**

**Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.**

**Обуна индекси:
Якка обуначилар учун – 894
Ташкилотлар учун – 895**

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Ш.ХАМРАЕВ. Минтақада сув ресурсларини самарали бошқариш доимий эътиборда..... | 1 |
| Ирригация ва дренаж бўйича ҳалқаро тадбир..... | 2 |
| Б.ЭГАМҶУЛОВ. Қишлоқ ахолисининг даромадини ошириш — бирламчи вазифа | 4 |
| Ф.ТЕШАЕВ, Ф.ХАСАНОВА, Ш.АБДУАЛИМОВ, Б.НИЯЗАЛИЕВ, Б.КОМИЛОВ. Сув танқислиги шароитида ўзанни парваришиш..... | 5 |
| М.ТОШБОЛТАЕВ, А.ҚОРАХОНОВ, А.ИБРАГИМОВ. Қатқалокни юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш..... | 7 |
| Р.СИДДИҚОВ, И.АДАШЕВ. Бугунги тадбир – эртаниги мўл хосил..... | 8 |
| М.САТТАРОВ, М.ЭРГАШЕВ. Тармоқ ривожи йўлида | 10 |
| Р.АБДУЛЛАЕВ, Ҳ.АБДУЛЛАЕВА. Багон боф кезади..... | 11 |
| Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Сабзавоткор ишлари кизғин..... | 13 |
| Ф.ҚИРГИЗБОЕВ, А.МИРЗАЕВ. Картошкачилик равнаки..... | 15 |
| Сув хўжалигига илм-фан ва инновация уйғунлиги..... | 16 |
| Н.МАШАРИПОВА. Ҳар бир ёшга бир гектар | 17 |
| Ш.СОДИҚОВА. Мангуберди издошлари..... | 18 |
| ГИБОДУЛЛАЕВА. Қишлоқ аёли – жамият таянчи..... | 19 |
| Р.ТОЖАЛИЕВА. Шиҷоатли фермерлар | 20 |
| Изланғаннинг имкони кўп..... | 21 |
| К.ЭРГАШЕВ. Ўзбекнинг бек боласи | 22 |
| Р.ҚОЗОҚОВ. “Шоббоуз”нинг бугунги камоли | 23 |
| Ш.ЖАББАРОВА. Рўзимбой отанинг турфа олами..... | 24 |
| Бухоролик миришкорлар | 25 |
| Имтиёз ва ишонч — тараққиётга қадам..... | 26 |
| Асал – шифобаҳш неъмат..... | 27 |
| Ш.НОРМУРОДОВ. Яйловларда кўклам нафаси | 28 |
| Лойиҳадан – натижагача..... | 29 |
| Н.БАХРОМОВА, Ҳ.ТОҒАЕВА. Юмшок буғдойнинг умумий ва маҳсулдор поялари сонига тақорорий ва оралиқ экинларнинг таъсири | 30 |
| Ҳ.МАТЈАНОВА, В.QURBANIYAZOVA, G.ERJANOVA, R.JUMATOVA. Агра urug'larining dala unuvchanligiga ekish me'yorlarining ta'siri..... | 31 |
| М.ГАЙБУЛЛАЕВА. Адирли тупроқларда нўхотнинг тупроқ унумдорлиги ва азот тўпловчи бактерияларга таъсири..... | 32 |
| Т.ОСТОНАҚУЛОВ, И.ЛУКОВА. Картошканинг янги “Боғизоғон” навини экиш тартиби | 33 |
| А.ЖАНГАБАЕВА. Топинамбурнинг “Файз-барака” ва “Мўйжиза” навлари ўсимликларидағи поялар сонига экиш муддатларининг таъсири | 35 |
| Е.ТОРЕНИЯЗОВ. Заараркунанда ривожи унга қарши курашишини кутиб турмайди | 36 |
| А.ХАСАНОВ, А.ФОФУРОВ. Бодомнинг асосий зааркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари | 37 |
| У.ИСАШОВА, Г.НАЗИРОВА. Сабзавот экинларидаги помидор куяси (TutaAbsoluta) ва уларга қарши кимёвий кураш чоралари..... | 38 |
| Д.АБДУЛЛАЕВА, А.РЎЗИМУРОДОВ. Дрозофиланинг ривожланиши биологияси | 40 |
| М.ДЖИЯНОВ. Пахта-тўқимачилик кластерининг механизатор кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш методикаси | 41 |
| Н.ХАМИДОВ. Сабзавот сеялкаси пуштаолчининг текислагичи шакллантирадиган пушталарнинг ўлчамларини назарий асослаш | 42 |
| М.КОМИЛОВ. Табиатнинг беназир шифокорлари | 43 |
| А.ТОИРОВ. Сохибқирон | 44 |
| Ш.ЖАББАРОВА. “Дунёга дунёдай кераксан аёл” | 46 |
| У.МАМАЖОНОВ. Кулгу умрни узайтиради! | 47 |

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигига 2019 йил 10 январда 0158-ра-
қам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент ш.,
Шайхонтохур т., А. Навоий к., 44-үй.

Тел: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

www.qxjurnal.uz
E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,
Telegram: [qxjurnal_uz](https://t.me/qxjurnal_uz)

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2021 йил 29 март.
Босиша руҳсат этилди: 2021 йил 29 март. Қогоз
бичими 60x84 1/8. Офсет усулида оғозига
чоп этилди. Шартли босма табоги 4,2. Нашр хисоб
табоги 5,0. Буюртма №4. Нусхаси 1150 дона.

«HIOL MEDIA» МЧЖ матбаа
бўлимида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишуви.

Навбатчи муҳаррир: А. ТОИРОВ
Дизайнер: У. МАМАЖОНОВ



POLIMER GALANTERY

Надёжная полимерная продукция от производителя

ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ



Адресс: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.


 (+998) 94-638-33-33
 (+998) 95-142-31-19
 (+998) 97-342-50-08

 polimergalantry@mail.ru
 www.polimergalantry.uz



Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиши ускунаси ва заллари

Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.
төл. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.
E-mail: chorvador@chorvador.uz
www.chorvador.uz